Э.Юзликаева, Ж.Ғуломов, Х. Рузиметова, М.Усмонбоева, С.Джумаева

# “ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ: ТИЗИМ МОҲИЯТИ ВА МЕХАНИЗМИ”

Методик қўлланма педагогик амалиётнинг моҳияти, талабаларда педагогик фаолиятни ташкил этиш малакаларини ҳосил қилишдаги аҳамияти, ўрни, амалиёт даврида талабалар томонидан бажарилиши зарур бўлган вазифаларни ёритишга хизмат қилади. Рисолада педагогик амалиёт даврида амалиётчи-талабалар томонидан юритиладиган ҳужжатлар, уларни тўлдириш тартиби, методист-ўқитувчи томонидан педагогик амалиёт жараёнини назорат қилиш шартлари, талабаларнинг педагогик амалиёт давридаги фаолиятларини баҳолаш мезонлари ўз аксини топган.

Мазкур методик қўлланма олий педагогик таълим муассасаларининг талабалари, шунингдек, педагогик амалиёт моҳияти ва уни ташкил этиш жараёни билан қизиқувчи педагог-ходимлар, методист-ўқитувчилар, педагогик амалиёт раҳбарлари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: педагогика фанлари номзоди, доцент Э.Р.Юзликаева

Тақризчилар: педагогика фанлари доктори, проф. Ж.Ю.Ҳасанбоев

педагогика фанлари доктори, проф. Н.Н.Азизходжаева

Рисола Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашининг **6**-рақамли йиғилиши (2012 йил 21-январь) қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012 йил

## СЎЗ БОШИ

Бўлажак малакали мутахассисларни тайёрлашда ихтисослик йўналишлари бўйича ташкил этиладиган амалиёт муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, муайян йўналишлар бўйича мутахассисларни тайёрлаш учун белгиланган таълим даврида ўзлаштирилган назарий билимларни касбий фаолиятда қўллай олиш кўникма, малакалари айнан амалиёт даврида мустаҳкамланади. Талабалар мавжуд назарий билимларини амалиётда самарали қўллай олишлари, таълим жараёнида ҳосил бўлган касбий фаолият кўникмаларининг малакаларга айланишини таъминлаш учун педагогик амалиётни методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштириш ҳамда ўтказиш ниҳоятда муҳим.

Педагогика олий таълим муассасаларида талабалар томонидан ихтисослик фанлари бўйича ўзлаштирилган назарий билимларни амалий фаолиятга татбиқ этишда педагогик амалиёт ўзига хос ўрин тутади. Педагогик амалиёт бўлажак ўқитувчилар учун касбий фаолиятга қай даражада тайёр эканликларини мустақил баҳолаш учун имконият саналса, олий таълим муассасалари учун эса малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат ижтимоий буюртманинг бажарилганлик даражасини дастлабки аниқлаш шакли ҳисобланади.

Амалиётчи-талабаларнинг педагогик амалиётни муваффақиятли ташкил этишларида мазкур даврда уларга кўрсатилаётган методик ёрдам ҳам ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Шунга кўра амалиётчи талабалар томонидан педагогик амалиётни имкон қадар самарали ташкил этишга кўмаклашадиган методик кўрсатма ва манбалар билан билан қуроллантириш олий педагогик таълим муассасалари олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

## “ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ” ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

> Ўқитиш методларини китобдан ёки ўқитувчининг сўзларидан ўрганиш мумкин, бироқ, ушбу методлардан фойдаланиш кўникмалари фақатгина кўпга чўзиладиган, узоқ давом этадиган амалиёт орқалигина ўзлаштирилади
>
> К.Д.Ушинский

Педагогик амалиёт мазкур йўналишда фаолият юритувчи олий ва ўрта махсус таълим муассасалари фаолиятининг муҳим таркибий қисми ва йўналишларидан бири. Алоҳида жараён сифатида педагогик амалиёт ўқув режасида белгиланган аниқ муддатларда ташкил этилади. Педагогик амалиёт даври тегишли йўналишда фаолият юритувчи коллежларнинг ўқувчилари ва олий таълим муассасаларининг талабалар учун масъулиятли, ўзига хос мураккаб, шу билан бирга нафақат касбий, балки руҳий тайёргарликни ҳам тақозо этувчи жараён саналади. Мазкур жараён бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга самарали тайёрлаш, уларда мутахассислик билимларини мустаҳкамлаш ва таълим олувчилар, педагогик жамоаларнинг аъзолари, таълим муассасаларининг раҳбарлари, ота-оналар билан ишлаш кўникма-малакаларини шакллантириш, ўзларининг маънавий-ахлоқий, руҳий, интлеллектуал жиҳатдан педагог сифатида тайёр эканликларини ҳис этишлари учун зарур имкониятни яратиш мақсадида ташкил этилади.

**Педагогик амалиёт** –

1) тегишли йўналишларда фаолият юритувчи олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ташкил этиладиган касбий таълим шакли;

1) педагог кадрларни касбий тайёрлаш ва ривожлантириш воситаси

Касбий таълимнинг ушбу шакли назарий жиҳатдан ўзлаштирилган педагогик, психологик ва ихтисолик билимларига таянган ҳолда бўлажак ўқитувчиларда бевосита касбий фаолият жараёнида иштирок этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш мақсадида ташкил этилади. Мазкур даврда бўлажак ўқитувчининг касбий ҳамда шахсий ривожланиши таъминланади[1].

Талабаларни педагогик амалиётга жалб этиш уларнинг ҳар бир педагогнинг таълим муассасасидаги фаолияти мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишлари, ўзларини ҳақиқий педагог сифатида ҳис қилишларига имкон яратади.

Педагогик амалиётга жалб этилган талабаларнинг фаолияти умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар

[1] http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Pedagog/russpenc/15.php

зиммасидаги бурч ва мажбуриятлардан фарқ қилмайди. Яъни, улар ўзларига бириктирилган синф ёки гуруҳларнинг ўқувчилари билан ишлаш асосида тўлақонли педагог сингари ўқув ва тарбиявий жараёнларни ташкил этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

Педагогик амалиёт мазкур тизимнинг динамик ривожланиш даврларида ўқув-педагогик ва педагогик ишлаб чиқириш амалиёти кўринишларида ташкил этилган. Яъни (1-расм):




**1-расм. Тизимнинг ривожланиш тарихида ташкил этилган педагогик амалиёт турлари**

Амалиёт даврида талабалар фаолияти асосан икки кўринишда намоён бўлади:

1) Шахслараро (ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкасблар, раҳбарият) муносабатларнинг иштирокчиси

2) Мутахассис сифатида фаолият юритувчи (ўқув ва тарбиявий жараёнларни ташкил этувчи) педагог

Манбаларда кўрсатилишича, олий педагогик таълим тарихида педагогик амалиётни ташкил этишга нисбатан икки хил ёндашув қарор топган. Яъни (2-расм):




**2-расм. Педагогик амалиётни ташкил этишга нисбатан ёндашувлар моҳияти**

Барча турдаги ўқув фаолияти каби педагогик амалиёт ҳам давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режаси ва педагогик амалиёт дастури асосида ташкил этилади. Педагогик коллежларва педагогика олий таълим муассасаларида етакчи кафедралар томонидан таълим муассасасининг ўқув-методик бўлими билан келишган ҳолда педагогик амалиётни ташкил этиш дастурлари ишлаб чиқилади. Педагогик амалиётни ташкил этиш дастури таълим муассасаси (факультетлар)нинг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади.

Амалиётни ташкил этиш учун база сифатида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, умумий ўрта махсус таълим, қўшимча таълим ҳамда махсус умумий таълим муассасалари, шаҳар ва шаҳардан ташқарида жойлашган оромгоҳлар, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Қўмиталарига қарашли муассасалар танланади.

Педагогик амалиёт олий таълим ва база сифатида танланаётган таълим муассасалари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ташкил этилади. Мазкур

жараённи бошқариш учун олий таълим ва амалиёт базаси бўлган умумий ўрта махсус таълим муассасаларида амалиёт раҳбари тайинланади.

Амалиёт ҳажми ва мазмуни ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқилган давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув режаси ва педагогик амалиёт дастури бўйича белгиланади. Педагогик амалиётни ташкил этиш муддати эса ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқилган ўқув режасига мувофиқ янги ўқув йили учун жорий ўқув йилининг якунига қадар тасдиқланади.

Талабалар амалиёт даврида ҳафтасига 40 соатдан ошмаган ўқув юкланмаларини бажарадилар.

Педагогик амалиёт дастурида касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишнинг умумий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда мақсад, вазифалар, амалиёт иштирокчилари, талабаларнинг амалий педагогик фаолиятига раҳбарлик қилувчи масъул шахслар, улар зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар, талабалар фаолияти, мазкур жараёнда ташкил этиладиган тадбирларнинг шакллари, талабалар томонидан юритиладиган ҳужжатларнинг турлари, белгиланган талабларнинг бажарилишини баҳолашга имкон яратадиган мезонлар ва бошқалар ёритилади. Айни ўринда мисол сифатида “Педагогика университети талабаларининг узлуксиз амалиётини ташкил қилиш дастури”нинг таркибий тузилмаси келтирилади (3-расм):




**3-расм. Педагогик амалиёт дастурининг таркибий тузилмаси**

Педагогик амалиётнинг бугунги тизими ҳам ўз-ўзидан шаклланган эмас. У босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилган. Ўтган асрдаёқ олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқитиш тизими педагогик амалиётсиз мукаммал бўлмаслигига ишонч ҳосил қилинган эди. Бу эса педагогик амалиётни самарали ташкил этиш юзасидан туркум илмий-педагогик тадқиқотларни амалга ошириш заруриятини кун тартибига олиб чиққан эди. 1980-йилларда ушбу заруриятни ўз вақтида англаган бир қатор етакчи таълим муассасалари: Москва, Ленинград (ҳозирда Санкт-Питербург), Ростов, Тошкент, Киев, Минск ва бошқа давлат педагогика институтларида узлуксиз педагогик амалиётни ташкил-методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш муаммолари бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Натижада ўрта махсус ва олий таълим муассасалари талабаларини педагогик амалиётга жалб этилишининг умумий моҳиятини ёритадиган дастурлар яратилди. Хусусан, 1980 йилда яратилган педагогик амалиёт дастурларида дастлаб талабаларнинг назарий билимлари ва касбий кўникмалари негизида педагогик амалиёт даврида улар томонидан ташкил этиладиган етакчи фаолият турлари тизим сифатида асослаб берилган бўлса, 1985 йилда яратилган дастурларда эса педагогик амалиётнинг ҳар бир босқичида бажариладиган топшириқлар тизими шакллантирилди[2].

Замонавий шароитда олий таълим муассасаларида тайёрланаётган педагогик кадрларнинг касбий малака ва маҳоратга эга бўлишлари учун уларга ихтисослик, педагогика, психология, физиология фанлар бўйича назарий билимларни беришнинг ўзи етарли эмас. Мазкур хулосага бундан қарийиб ярим аср муқаддам ривожланган хорижий мамлакатларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида келинган эди. Тадқиқотлар якунида маълум бўлдики, бўлажак педагогларнинг касбий фаолиятга ҳар томонлама етарли даражада тайёрланишлари учун назария ва амалиёт ўртасида ўзаро интеграцияга эришиш, уларни бевосита таълим муассасалари фаолиятига жалб этиш, яъни педагогик амалиётни тизимли ташкил этиш тақозо этилади.

Бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатлар, жумладан, АҚШнинг бўлажак ўқитувчиларни тайёрловчи қатор университетларида педагогик амалиёт таълимнинг сўнгги босқичида деярли бутун ўқув йили давомида ташкил этилади. Ҳозирда педагогик амалиётнинг икки шакли кенг оммалашган:

1) талабалар таълим муассасаларининг доимий ходимлари сифатида фаолият олиб борадилар ва ёш ўқитувчиларга бериладиган ойлик маошнинг 1/3 қисмига тенг маблағ билан таъминланадилар;

2) талабалар малакали ўқитувчи раҳбарлигида таълим муассасаларида ойлик маошсиз ишлайдилар ва баъзан ўқитувчининг ўрнида барча педагогик жараёнларни бошқарадилар.

Бундай ҳолатда педагогик амалиётга раҳбарлик ва бошқарув таълим муассасасининг ходимлари томонидан амалга оширилади. Университетдан амалиёт учун масъул шахс сифатида бириктирилган мутахассис эса талабаларга раҳбарлик қилаётган ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштириб туради ва

---

[2] http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Pedagog/russpenc/15.php

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассасалари ўртасидаги боғловчи бўғин (звено) саналади.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, Ўзбекистон шароитида педагогик амалиётнинг вазифаси, мазмуни бойитилиб, уни ташкил этиш шакллари ва методлари такомиллаштирилди. Айнан шу даврда педагогик амалиёт – бўлажак ўқитувчининг шахс ва мутахассис сифатида шаклланиши, унинг умумий ва касбий маданияти ривожланишининг ўзига хос босқичи сифатида эътироф этилди. Зеро, педагогик амалиёт даврида талабалар бўлажак мутахассис сифатида қуйидаги имкониятга эга бўлади:

- Ўз-ўзини ташхислаш
- Ўзини амалиётда синаб кўриш
- Ўз-ўзини таҳлил қилиш
- Ўз-ўзини фаоллаштириш
- Ўз-ўзини ривожлантириш
- Ўз-ўзини текшириш
- Ўз-ўзини баҳолаш

Талабаларга педагогик амалиётда қатнашиш ҳуқуқи улар оралиқ (амалиёт ўқув йили давомида бошланса) ёки якуний (амалиёт ўқув йилининг бошида бошланса) назорат (амалиётни ташкил этишга алоқадор ўқув фанлари бўйича синов ва имтиҳонлар) натижалари ижобий бўлгандагина берилади. Таълим муассасалари етакчи мутахассисларининг тавсияларига таяниб, шунингдек, амалиёт базаси сифатида танланаётган муассасанинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда факультет раҳбари университет “Педагогик амалиёт” бўлимининг бошлиғи билан биргаликда буйруқ тайёрлайдилар. Белгиланган муддат тугагач, амалиёт натижаларининг таҳлили асосида якуний конференция ташкил этилади. Амалиётчи-талабалар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, уларнинг фаолиятлари бўйича ташкил этилган якуний назорат натижаларига кўра аттестация ташкил этилади.

Олий таълим муассасаларининг қуйи ва юқори босқичларида талабалар томонидан ихтисослик, педагогик ва психологик билимларнинг ўзлаштирилиш ҳолатига кўра педагогик амалиёт ҳам ўзида маълум хусусиятни намоён қилади.

Даврийлик хусусиятига кўра педагогик амалиёт: 1) узлукли; 2) узлуксиз равишда ташкил этилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам педагогик амалиёт муайян мақсадларга хизмат қилади. Қуйида узлукли ва узлуксиз педагогик амалиётнинг хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтилади.

**1. Узлукли педагогик амалиёт (I ва II-босқичлар):**
Қисқа муддатли психологик-педагогик практикум ва тренинглар ташкил этилиб, улар ёрдамида талабалар таълим муассасалари амалиёти, ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятлари, ўқувчиларни ривожлантиришнинг ташхис методлари билан таништириладилар, педагогик вазиятларни моделлаштириш, педагогик масалаларни ҳал қилишни лойиҳалаштириш йўлларини яқиндан ўрганадилар; талабалар ўзларини, гуруҳдошларини ўқитувчи сифатида англайдилар; педагогик фаолият олиб бориш кўникма, малакаларини ўзлаштирадилар

**2. Узлуксиз педагогик амалиёт (III ва IV-босқичлар):**
Узоқ муддатли педагогик фаолият даврида талабалар ўзларига юклатилган аниқ вазифаларни бажарадилар; ихтисослик бўйича фан ўқитувчиси ва гуруҳ раҳбари сифатида индивидуал режага мувофиқ касбий фаолиятни ташкил этадилар; педагогик жараёнларни лойиҳалаштирадилар; ўқув машғулотлари ва маънавий-маърифий тадбирларни уюштирадилар; фан ўқитувчилари, гуруҳ раҳбарининг иш фаолияти билан бевосита танишадилар; ўқувчиларнинг БКМни ташхислаш, ўқув фаолияти ҳамда тарбиявий тадбирлардаги иштирокларини назорат қиладилар; билим олганлик, тарбияланганлик даражасини баҳолайдилар; амалиёт бўйича зарур ҳужжатларни юритадилар, мазкур жараён бўйича ҳисобот тайёрлайдилар

Педагогик амалиёт мазмуни факультетларнинг хусусиятлари, ўзига хослиги ҳамда талабаларнинг сонидан келиб чиқиб белгиланади.

**Педагогик амалиётнинг мақсади**
талабалар томонидан ўзлаштирилган педагогик, психологик, ихтисослик билимларини мустаҳкамлаш, амалий педагогик фаолият тажрибаларининг ўзлаштирилишини таъминлаш, касбий кўникма ва малакаларни ривожлантириш, уларни касбий фаолиятга йўналтириш

**Педагогик амалиёт вазифалари:**
- талабаларни умумий ўрта махсус таълим муассасасининг таркибий тузилмаси, фаолият мазмуни, муассаса педагогик жамоасининг иш тажрибаси билан яқиндан таништириш;
- талабалар томонидан ихтисослик фанлари бўйича яратилган ўқув-методик мажмуаларнинг ўрганилишини таъминлаш;
- амалиётчи-талабаларни ўқув фаолиятининг турли шакллари: дарс, факультатив машғулот, махсус курс, тўгарак, қўшимча машғулот, дарсдан ташқари ташкил этиладиган тадбирларнинг моҳияти билан амалий таништириш;
- талабаларнинг ихтисослик фани, долзарб педагогик мавзуларда дарсдан ташқари тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш методикаси билан танишишлари учун зарур шароит яратиш;
- амалиётчи-талабаларга таълим муассасаси меъёрий ҳужжатлари, иш тажрибасини ўрганишда ёрдам кўрсатиш;
- талабаларни жамоа, алоҳида шахсга таъсир этиш, алоҳида ўқувчи, ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, ўзининг касбий фаолиятини баҳолашга доир методлар билан таништириш;
- амалиётчи-талабаларда педагогик рефлексия ва педагогик жараёнларни тандиқий англаш малакаларини ривожлантириш;
- талабаларда улар томонидан олий таълим муассасасида ўзлаштирилган назарий ва амалий машғулотларни ташкил этишга доир билимларни амалда қўллаш, янада такомиллаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- амалиётчи-талабаларда масъул шахслар раҳбарлигида педагогик вазиятларни мустақил баҳолаш ва тўғри қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш;
- талабаларда педагогик жамоа, алоҳида ўқувчи шахсини ўрганишга мажмуавий ёндашувни қарор топтириш;
- амалиётчи-талабаларни таълим муассасасининг педагогик жамоаси ва ихтисослик фани ўқитувчиларининг фан кабинетларини жиҳозлаш, таълим жараёнига ахборот технологияларини татбиқ этишга доир бой иш тажрибалари билан яқиндан таништириш;
- талабаларда психологик-педагогик тадқиқотларни олиб бориш кўникмаларини шакллантириш

Муддати ва туридан қатъий назар педагогик амалиёт қуйидаги тамойилларга мувофиқ ташкил этилиши лозим:

**Педагогик амалиётни ташкил этишнинг асосий тамойиллари:**

1) таълимнинг барча босқичларида ташкил этилган назарий ва амалий тайёргарлик бирлиги;
2) талабаларнинг амалиёт жараёнида узлуксиз иштирок этишлари;
3) бўлажак мутахассиснинг ижтимоий-ғоявий ва ихтисослик тайёргарлиги ўртасидаги бирликни таъминлаш;
4) талабалар томонидан таълим муассасаси фаолиятида фаол иштирок этиш асосида педагогик кўникма-малакаларни ўзлаштирилишини таъминловчи касбий-фаолиятли ёндашув;
5) талабалар касбий тайёргарлигини табақалаштириш ва индивидуаллаштириш;
6) бўлажак мутахассиснинг ижодий қобилиятини ривожлантириш

## ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТГА РАҲБАРЛИК

Юқорида айтиб ўтилганидек, педагогик амалиёт ўзига хос мураккаб жараён саналади. Шу сабабли бу жараённи ташкил этиш педагогик олий таълим муассасалари ва амалиёт ташкил этиладиган умумий ўрта махсус таълим муассасалари томонидан масъулиятли ёндашишни талаб қилади. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг педагогик амалиётини ташкил этишга бир гуруҳ мутахассислар жалб этиладилар. Улар:

Масъул шахслар:

1. Университет “Педагогик амалиёт” бўлимининг раҳбари.
2. Факультет раҳбари (декани).
3. Факультет гуруҳ раҳбари.
4. Ихтисослик бўйича методист-маслаҳатчи.
5. Педагогика бўйича методист.
6. Психология бўйича методист.
7. Умумий ўрта махсус таълим муассасасининг раҳбари.
8. Муассасаси раҳбарининг ўринбосари (педагогик амалиёт бўйича масъул шахс).
9. Амалиёт базасининг ихтисослик фани ўқитувчиси.
10. Академик гуруҳ раҳбари.
11. Педагогика кафедраларининг мудирлари.
12. Психология кафедраларининг мудирлари.
13. Махсус кафедраларнинг мудирлари

Педагогик амалиётн ташкил этиш ва ўтказишда асосий жавобгарлик олий таълим муассасасининг раҳбари – университет ректорининг зиммасига юкланади. Талабаларнинг амалий педагогик фаолиятларига умумий раҳбарлик педагогик амалиёт раҳбари томонидан амалга оширилади.

Факультетда педагогик амалиётнинг ташкил этилиши учун жавобгар шахс декан ҳисобланса-да, умумий раҳбарлик (факультетдаги раҳбарлик) педагогик фаолиятнинг мазкур йўналиши учун масъул бўлган декан ўринбосари томонидан амалга оширилади. Жамоа орасидан тажрибали ўқитувчилар гуруҳ раҳбарлари, ихтисослик бўйича мутахассислар этиб тайинланадилар. Ихтисослик бўйича методист этиб университетда асосий штат бирлигида эмас, шартнома асосида ишлаётган тажрибали амалиётчи-ўқитувчилар ҳам белгиланиши мумкин.

Педагогик амалиёт даврида мазкур жараён учун масъул этиб белгиланган шахсларнинг ҳар бирлари лавозимлари нуқтаи назаридан муайян вазифаларни бажарадилар. Қуйида улар ҳақида тўхталиб ўтилади.

**Университет педагогик амалиёт раҳбари (университет "Педагогик амалиёт" бўлимининг бошлиғи)**

1) университет бўйича амалиётни ташкиллаштириш, режалаштириш ва натижаларни ҳисобга олинишининг аниқлиги таъминлайди;
2) умумий ўрта махсус таълим муассасалари билан амалиётни ўтказиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ амалиёт базаларини танлайди;
3) университет ва умумий ўрта махсус таълим муассасаларининг ходимлари, талабаларнинг иштирокларида педагогик амалиёт бўйича йўналиш берувчи, якуний йиғилишларни ташкиллаштиради ва ўтказади;
4) факультетларда ташкил этиладиган амалиёт бўйича йўналтирувчи ва якуний конференцияларда қатнашади;
5) амалиётни ташкиллаштириш ва ўтказишда иштирок этувчи барча кафедраларнинг фаолиятларини мувофиқлаштиради;
6) амалиёт раҳбарлари ишларини назорат қилади;
7) амалиётга жалб этилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир ҳужжатларнинг тўғри юритилишини назорат қилади; масъул шахсларга ҳақ тўлашга оид буйруқни тайёрлайди;
8) педагогик амалиёт якунлари бўйича умумий ҳисоботни тайёрлайди;
9) амалиётда қўлга киритилган илғор тажрибаларни умумлаштиради, уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;
10) педагогик амалиёт масалалари бўйича ташкил этиладиган кафедралар йиғилишларида иштирок этади

**Факультет раҳбари (декани)**

1) факультетда университет “Педагогик амалиёт” бўлими раҳбари, таълим муассасаларини бошқариш органлари билан ҳамкорликда педагогик амалиётни ўтказиш учун базаларни танлашда иштирок этади;
2) амалиёт базаси сифатида танланадиган умумий ўрта махсус таълим муассасалари билан ижодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тузади;
3) талабаларни амалиёт базалари бўйича тақсимлайди ва ушбу тақсимот тўғрисидаги буйруқни тайёрлайди;
4) факультетда барча турдаги педагогик амалиётнинг режалаштирилиши, ташкиллаштирилиши ва натижаларнинг ҳисобга олинишини, амалиётга жалб этилган мутахассисларга ўз вақтида ҳақ тўланишини таъминлайди;
5) университет “Педагогик амалиёт” бўлимининг раҳбари билан ҳамкорликда ҳар бир курсда йўналтирувчи ва якуний конференцияларни ташкиллаштиради ва ўтказади; амалиёт якунлари бўйича кўргазма ташкил этади;
6) амалиётчи-талабалар томонидан ташкил этиладиган дарсларни, аудиториядан ва таълим муассасасидан ташқари машғулотларни кузатиб, факультет талабаларининг гуруҳ раҳбари, методистлар, педагог ва ўқитувчилар ишини назорат қилади; амалиётни ташкил этишда кўзга ташланадиган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилайди;
7) педагогик амалиётнинг бошқа раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳар бир амалиётчи-талабанинг ишини баҳолайди;
8) амалиётни, унда таълим муассасалари иштирокларини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади, ўқув йили учун педагогик амалиёт якунлари бўйича факультетнинг умумий ҳисоботини тайёрлайди;
9) амалиётни ташкил этишга оид масалалар муҳокама қилинадиган кафедра, факультет ва университет йиғилишларида қатнашади

**Факультет бўйича гуруҳ раҳбари**

1) ўрта махсус таълим муассасалари билан бевосита алоқа ўрнатади; муассаса педагог кадрлари билан йўналтирувчи-методик ишларни олиб боради;
2) йўналтирувчи ва якуний конференцияларни ташкил қилади;
3) талабаларни гуруҳлар бўйича тақсимлаб, уларнинг индивидуал режаларини тасдиқлайди ва бажарилишини назорат қилади;
4) умумий ўрта махсус таълим муассасаси маъмурияти билан биргаликда амалиёт дастурининг бажарилишини таъминлайди;
5) амалиётчи-талабалар томонидан умумий ўрта махсус таълим муассасаси педагогик жамоаси, алоҳида ўқитувчиларнинг ижодий иш тажрибаларининг ўрганилиши учун шарт-шароит яратади;
6) педагогик амалиёт даврида маърифий-методик тадбирлар, амалий семинарларни ташкиллаштиради ва ўтказади.
7) университетнинг ўқув ва “Педагогик амалиёт” бўлимлари, факультет деканати, кафедраларни амалиётнинг ташкил этилиши, амалиётчи-талабалар томонидан меҳнат интизомининг бузилиши, амалиёт дастурининг бажарилмаслиги, фавқулотда ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлардан изчил хабардор қилиб боради;
8) талабаларнинг амалиёт базасида мутахассислик фанлари бўйича ташкил этиладиган ўқув дарслари, дарсдан ва таълим муассасасидан ташқари машғулотлар, уларнинг таҳлили юзасидан ўтказиладиган муҳокамаларда фаол иштирок этишларини таъминлайди;
9) амалиётчи-талабалар томонидан ташкил этиладиган дарслар ва уларнинг таҳлилига бағишланган муҳокамада иштирок этади;
10) амалиётга жалб этилган фан ўқитувчилари, гуруҳ раҳбарлари ва мазкур жараённинг бошқа раҳбарлари билан биргаликда талабаларнинг ҳисобот ҳужжатларини таҳлил қилади;
11) амалиёт базаси сифатида танланган муассаса раҳбари (унинг ўринбосари) билан биргаликда амалиётчи талабалар томонидан техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этилиши юзасидан мажбуриятни ўз зиммасига олади;
12) амалиёт базаси педагог-ходимларининг меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўлашга учун керакли ҳужжатларни тайёрлайди;
13) педагогик амалиётни такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқади, бу ҳақида университет маъмуриятига хабар қилади;
14) педагогик амалиёт тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлайди ва уни факультет раҳбарига тақдим этади

**Ихтисослик бўйича методист-маслаҳатчи**

1) амалиётчи-талабаларга бевосита раҳбарлик қилади;
2) педагогик амалиётни режалаштириш ва ташкиллаштиришда фаол қатнашади; умумий ўрта махсус таълим муассасасида, университетда амалиёт бўйича ташкил этиладиган йўналтирувчи ва якуний конференцияларда қатнашади;
3) ўқув фани ўқитувчисининг ўқув-тарбиявий фаолияти бўйича ижодий тажрибаларни ўрганишни ташкил этади;
4) амалиётчи-талабаларнинг таълимнинг турли шакллари (дарс, олимпиада, тўгарак, фан ҳафталиги, викторина, танлов ва б.ш.)да ўқув-тарбиявий ишларини тайёрлаш ва ўтказишни амалга оширади;
5) талабаларга турли типдаги дарслар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, ўтказишда кўмаклашади; турли методларни қўллаш асосида дарсларнинг тарбиявий ва ривожлантирувчи характерга эга бўлишини таъминлайди;
6) амалиётчи-талабалр томонидан ихтисослик фани бўйича ташкил этилган дарслар, факультатив ва дарсдан ташқари машғулотларни таҳлил қилади, баҳолайди, улар юзасидан жамоавий муҳокамани ўтказади;
7) амалиётчи-талабалар билан муаммоли семинарлар, методик йиғилишларни ташкиллаштиради;
8) талабаларни умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқув фанлари бўйича методик бирлашмалари йиғилишларига жалб этади;
9) умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқитувчиларига амалиётчи-талабалар билан ишлашда илмий-методик ёрдам кўрсатади;
10) амалиётга жалб этилган ўқитувчилар, мазкур жараённинг бошқа раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир талабанинг ишини, унинг педагогик қобилияти, маданиятини баҳолайди;
11) факультет деканати ва ўқув бўлимини амалиётнинг бориши, амалиётни ташкил этишда кўзга ташланадиган камчиликлар тўғрисида ўз вақтида огоҳлантиради;
12) факультет бўйича гуруҳ раҳбарига педагогик амалиёт натижалари бўйича маълумотларни тақдим этади;
13) педагогик амалиётни назарий, амалий жиҳатдан самарали ташкил этилишини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади

**Педагогика бўйича методист**

1) амалиётчи-талабаларга бир нечта умумий ўрта махсус таълим муассасаларида амалиётчи-талабаларга раҳбарлик қилиши мумкин, аммо у бир вақтда раҳбарлик қиладиган талабаларнинг сони 25 нафардан ошмаслиги керак;
2) педагогик амалиётни режалаштириш ва ташкил этишда қатнашади, умумий ўрта махсус таълим муассасалари ва университетда педагогик амалиёт бўйича йўналтирувчи ва якуний конференцияларда иштирок этади;
3) педагогик амалиёт жараёнида педагогик фанларнинг асосий тамойиллари, қонуниятларининг амалиётга татбиқ этилишини таъминлайди;
4) амалиётчи-талабалар учун ўқув-тарбиявий ишларнинг мазмуни, ташкилий асослари бўйича маслаҳат (консультация)ни олиб боради;
5) талабалар томонидан ташкил этиладиган дарслар, дарсдан ташқари машғулотлар, ижодий ишларида қатнашади; уларнинг таҳлилини ташкил этади;
6) амалиётчи-талабалар билан ташкил этиладиган муаммоли семинарлар ва методик йиғилишларда иштирок этади;
7) умумий ўрта махсус таълим муассасалари педагогик жамоасига илмий-методик ёрдам кўрсатади;
8) факультет деканати, ўқув бўлимини амалиётнинг бориши, амалиётни ташкил этишда кўзга ташланадиган камчиликлар тўғрисида ўз вақтида огоҳлантиради;
9) факультетларнинг гуруҳ, умумий ўрта махсус таълим муассасалари академик гуруҳларининг раҳбарлари, муассаса раҳбарининг педагогик амалиёт бўйича ўринбосари, масъул шахслари билан яқин алоқа ўрнатади;
10) фан ўқитувчилари ва педагогик амалиётнинг бошқа раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир талабанинг ишини, унинг педагогик қобилияти ва маданиятини баҳолайди;
11) факультет бўйича гуруҳ раҳбарига педагогик амалиёт натижалари бўйича маълумотларни тақдим этади;
12) педагогик амалиётни назарий ва амалий жиҳатдан самарали ташкил этилишини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади

**Психология бўйича методист**

1) амалиётчи-талабаларга бир нечта умумий ўрта махсус таълим муассасаларида амалиётчи-талабаларга раҳбарлик қилиши мумкин, аммо у бир вақтда раҳбарлик қиладиган талабаларнинг сони 50 нафардан ошмаслиги керак;

2) педагогик амалиётни режалаштириш ва ташкил этишда қатнашади, умумий ўрта махсус таълим муассасалари ва университетда педагогик амалиёт бўйича йўналтирувчи ва якуний конференцияларда иштирок этади;

3) амалиётчи-талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятларида амалий психологик билимларни қўллаш бўйича маслаҳат (консультация)ни олиб боради;

4) амалиётчи-талабалар томонидан ташкил этиладиган бир ёки бир неча дарс ёки дарсдан ташқари машғулотларда иштирок этади; уларнинг муҳокамасида қатнашади, талабалар фаолиятининг турли жиҳатларини психологик нуқтаи назардан таҳлил қилади;

5) факультет деканати, ўқув бўлимини амалиётнинг бориши, амалиётни ташкил этишда кўзга ташланадиган камчиликлар тўғрисида ўз вақтида огоҳлантиради;

6) талабаларнинг ҳисоботлари, ҳужжатларини таҳлил қилади; фан ўқитувчилари ва педагогик амалиётнинг бошқа раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир талабанинг ишини, унинг педагогик қобилияти ва маданиятини баҳолайди;

7) педагогик амалиётни назарий ва амалий жиҳатдан самарали ташкил этилишини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади

**Умумий ўрта махсус таълим муассасасининг раҳбари**

1) ўзи раҳбарлик қилаётган таълим муассасасида амалиётчи-талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятларига раҳбарлик қилишда илиқ муносабатни қарор топтиради, уларга нисбатан диққат-эътибор ва ўзаро ёрдам кўрсатилишини таъминлайди;

2) талабаларни таълим муассасасининг кенг кўламли педагогик фаолиятига жалб этади; муассаса олдида турган вазифалар, муаммолар, иш режими, техника хавфсизлиги қоидалари, шунингдек, жамоа олдидаги қийинчиликлар билан таништиради;

3) амалиётчи-талабаларга педагогик фаолият “усталари”, илғор иш тажрибаси, касбий маҳорат, ижодий қобилиятга эга ўқитувчилар ҳақида маълумотлар беради;

4) талабаларни таълим муассасаси Педагогик кенгаши, методик бирлашмаси, ота-оналар қўмитаси фаолиятида иштирок этиш имкониятига эгаликларидан огоҳлантиради;

5) факультетнинг гуруҳ раҳбари ва умумий ўрта махсус таълим муассасаси раҳбарининг ўринбосари билан ҳамкорликда амалиётчи-талабаларни академик гуруҳларга бириктиради;

6) амалиётчи-талабалар томонидан ташкил этиладиган дарс (ихтиёрий танлов асосида), дарсдан ташқарида ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларда, уларнинг муҳокамаларида қатнашади;

7) педагогик амалиётнинг бошланғич ва якуний босқичида таълим муассасасида йиғилиш ташкил этади;

8) педагогик амалиётни назарий ва амалий жиҳатдан самарали ташкил этилишини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади

**Умумий ўрта махсус таълим муассасаси раҳбарининг ўринбосари**

1) ҳар бир амалиётчи-талабани касбий-педагогик фаолиятни ижодий ташкил этишга рағбатлантирувчи муҳитни яратади;
2) талабаларни умумий ўрта махсус таълим муассасасининг тарбиявий ишлар режаси билан таништиради;
3) амалиётчи-талабаларга маънавий-маърифий ишларни режалаштириш, ташкил этиш ва улар натижаларини таҳлил қилишда кўмаклашади;
4) академик гуруҳларнинг раҳбарларига амалиётчи-талабалар билан ишлашга ёрдам кўрсатади;
5) педагогик амалиётнинг бошланғич ва якуний босқичларида умумий ўрта таълим муассасасида ташкил этиладиган йиғилишда иштирок этади

**Амалиёт базасининг ихтисослик фани ўқитувчиси**

1) талабаларни педагогик амалиёт, уларнинг индивидуал ўқув-тарбиявий иш режасига мувофиқ ўқувчилар билан ишлашга жалб қилади;
2) очиқ дарсларни ўтказади;
3) факультет гуруҳ раҳбари билан биргаликда ҳар бир талабага педагогик амалиёт индивидуал режасини ишлаб чиқишда, муайян ўқувчилар жамоасининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалий ёрдам кўрсатади;
4) ҳар бир талаба ишини таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёнида иштирок этади;
5) педагогик амалиётнинг бошланғич ва якуний босқичларида умумий ўрта таълим муассасасида ташкил этиладиган йиғилишда қатнашади;
6) педагогик амалиётни назарий ва амалий жиҳатдан самарали ташкил этилишини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади

**Академик гуруҳ раҳбари**

1) ҳар бир амалиётчи-талабани касбий-педагогик
фаолиятни ижодий ташкил этишга
рағбатлантирувчи муҳитни яратади;
2) талабаларни умумий ўрта махсус
таълим муассасасининг тарбиявий
ишлар режаси билан таништиради;
3) амалиётчи-талабаларга маънавий-
маърифий ишларни режалаштириш, ташкил
этиш ва улар натижаларини
таҳлил қилишда кўмаклашади;
4) академик гуруҳларнинг раҳбарларига
амалиётчи-талабалар билан ишлашга
ёрдам кўрсатади;
5) педагогик амалиётнинг бошланғич
ва якуний босқичларида умумий ўрта таълим
муассасасида ташкил этиладиган
йиғилишда иштирок этади

**Педагогика кафедраларининг мудирлари**

1) талабаларнинг юқори даражадаги
умумий педагогик тайёргарлигини,
педагогик амалиёт мазмуни, ташкил
этилишида фан ютуқлари
ва илғор тажрибаларни педагогик
фаолиятга татбиқ этилишини таъминлайди;
2) педагогик амалиёт дастури ва
индивидуал топшириқлар тематикасини
ўз вақтида ишлаб чиқилишини
ташкил этади;
3) кафедра иш режасига педагогик
амалиётнинг бориши ва натижаларига
оид таҳлилларни киритади;
4) педагогик амалиётни такомиллаштириш
чора-тадбирларини белгилайди

**Психология кафедраларининг мудирлари**

1) талабаларнинг юқори даражадаги умумий педагогик , психологик тайёргарлигини, педагогик амалиёт мазмуни, ташкил этилишида фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни педагогик фаолиятга татбиқ этилишини таъминлайди;
2) педагогик амалиёт дастури ва индивидуал топшириқлар тематикасини ўз вақтида ишлаб чиқилишини ташкил этади;
3) кафедра иш режасига педагогик амалиётнинг бориши ва натижаларига оид таҳлилларни киритади;
4) педагогик амалиётни такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилайди

**Махсус кафедраларнинг мудирлари**

1) талабаларни махсус фанлар бўйича юқори илмий-назарий тайёргарликка эга амалиётчи-талабаларни ихтисослик фанларини ўқитишга касбий-педагогик жиҳатдан йўналтиради;
2) педагогик амалиёт дастурининг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди; педагогик амалиётни ташкиллаштиришда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва амалий фаолиятга татбиқ этилиши учун зарур шарт-шароитларни яратади;
3) фан ютуқлари, илғор педагогик тажрибаларининг педагогик амалиёт мазмуни, ташкил этилишига фаол татбиқ этиш чораларини белгилайди;
4) педагогик амалиёт дастури ва индивидуал топшириқлар тематикасини ўз вақтида ишлаб чиқилишини ташкил этади;
5) амалиётга масъул факультет ва гуруҳ раҳбарлари, методистларни тайинлайди;
6) кафедра иш режасига педагогик амалиётнинг бориши ва натижаларига оид таҳлилларни киритади;
7) педагогик амалиётни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади

## АМАЛИЁТЧИ-ТАЛАБАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Амалиётчи-талабалар педагогик амалиёт дастурида белгиланган барча ишларни ўз вақтида бажарадилар.

Педагогик амалиёт даврида талабалар ўзларини юқори маънавий-ахлоқий сифатлар, фуқаролик туйғуси, ижтимоий фаоллик ва касбий фаолиятга нисбатан қизиқишни намоён этадиган бошловчи мутахассис сифатида намоён эта олишлари лозим. Улар амалиёт базасида педагогик жамоа ўртасида ўзларининг тартиблилиги, интизомлилиги, меҳнатсеварлиги билан бошқаларга ўрнак бўла олишлари лозим. Иш жараёнида амалиётчи-талабалар касбий тайёргарликка эга эканликларини намоён эта олиши билан бирга таълим муассасасининг фаолиятида фаол иштирок этишлари керак.

Амалиётчи-талабалар муайян ҳуқуқларга эга. Яъни:

**Амалиётчи-талабаларнинг ҳуқуқлари:**

- амалиёт жараёнида ҳар қандай педагогик масала бўйича амалиёт раҳбари, муассаса маъмурияти ва ходимларига мурожаат қилиши;
- амалиёт мазмуни ва унинг ташкил этилишини такомиллаштириш юзасидан таклифларни илгари суриш;
- таълим муассасасида уюштириладиган конференция ва йиғилишларда иштирок этиш;
- университет ва амалиёт базаси бўлган муассасанинг ахборот-ресурс маркази хизматидан, фан кабинетлари, техник воситалардан фойдаланиш

**Амалиётчи-талабаларнинг ташкилий фаолият бўйича мажбуриятлари:**

- педагогик амалиёт моҳияти ва мазкур жараёнда бажариладиган вазифалардан хабардор бўлиш;
- педагогик амалиётнинг бошланғич босқичида педагогика, психология ва ихтисослик фанлари бўйича топшириқларни олиш;
- ўз фаолиятини таълим муассасасининг Устави асосида ташкил этиш;
- таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларига бўйсуниш;
- муассасада техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;
- таълим муассасаси маъмурияти, педагогик амалиёт раҳбарларининг талабларини бажариш;
- сабабсиз педагогик амалиётдан четланмаслик;
- педагогик амалиётдан четлашиш зарурияти юзага келса, бу ҳақида гуруҳ раҳбарини хабардор қилиш, унинг ёки амалиёт учун масъул шахслардан бирининг рухсатини олиш;
- амалиётни ташкил этишда қийинчиликлар юзага келса, у ҳолда бу ҳақида гуруҳ раҳбари билан маслаҳатлашиш, уларни бартараф этиш йўлида амалий ҳаракатни олиб бориш

**Амалиётчи-талабаларнинг педагогик фаолият бўйича мажбуриятлари:**
- илғор таълим ва тарбия технологияси асосларидан етарли даражада хабардор бўлиш;
- педагогик фаолиятни олиб боришда таълимнинг янги турлари, интерфаол методлардан самарали фойдаланиш;
- амалиёт даврида турли (педагогика, психология, ўқитиш методикаси каби) фанлар ўртасида интеграцияни юзага келтириш;
- ўқувчилар шахсига доир психологик-педагогик маълумотлар банки билан яқиндан танишиш;
- таълим олувчиларни эркин, мустақил шахс сифатида ривожлантириш;
- ўқув муассасаси томонидан ташкил этиладиган ўқув ва тарбиявий ишларнинг мавжуд аҳволини ўрганиш;
- педагогик таълим муаммоларига доир илмий-методик журналлар, нашр маҳсулотлари, матбуот материаллари билан доимий танишиб бориш

Амалиёт даврида муайян таълим муассасасига жалб этилган талабалар гуруҳига улар орасидан бир нафар гуруҳбоши (староста) тайинланади. Гуруҳбоши маълум мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Яъни:

**Гуруҳбоши (староста)нинг мажбуриятлари:**
- гуруҳдошларининг амалиёт жараёнида узлуксиз иштирок этишларини қайд этиб бориш;
- гуруҳ аъзоларининг таълим муассасасидаги педагогик фаолиятини ташкиллаштириш;
- гуруҳдошларни университет ва таълим муассасасида ташкил этиладиган маслаҳат ва семинарлардан, педагогик амалиёт раҳбарининг топшириқларидан хабар қилиш

Узрли сабабларга кўра амалиёт дастурини бажармаган талабалар амалиётга иккинчи марта дарсдан бўш вақтларда юборилади. Икки ҳафта мобайнида узрсиз сабабларга кўра педагогик амалиёт жараёнида иштирок этмаган, амалиёт дастурини бажармаган ёки қониқарсиз баҳоланган амалиётчи-талаба ундан бутунлай четлаштирилади. Борди-ю, амалиётчи-талаба асосий ва қўшимча вақт мобайнида педагогик амалиёт топшириқларини бажармаса у ҳолда олий таълим муассасасининг Уставида белгиланган тартибда, академик қарздор сифатида талабалар сафидан чиқарилади.

Амалиётчи-талабалар бу даврда ўз фаолиятларининг муайян тамойилларга мувофиқ амалга оширилишига эътибор қаратишлари лозим. Уларнинг амалиёт давридаги педагогик фаолиятлари қуйидаги тамойилларга мувофиқ ташкил этилади:

**Амалиётчи-талаба педагогик фаолиятининг устувор тамойиллари:**

- ўқувчи шахси, унинг шаъни, манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларининг олий қадрият эканлиги;
- ҳар бир ўқувчига нисбатан индивидуал ёндашув;
- педагогик амалиёт даврида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, қобилият ва қизиқишларини инобатга олиш;
- ўқувчиларнинг эркин фикрлашлари ва мустақил бўлишлари учун қулай муҳитни ҳосил қилиш;
- амалиётни ташкил этишда ижодий ва технологик ёндашув;
- амалиётчи сифатида ўқувчилар билан таълимий ҳамкорликни қарор топтириш;
- мавжуд назарий билимларни амалиётда бевосита қўллай олиш;
- педагогик амалиёт даврида ўрта махсус таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларига бўйсуниш

Ўқув фаолиятининг муҳим шакли сифатида педагогик амалиёт жараёнида талабаларда маълум касбий педагогик малакалар шакллантирилади. Яъни:

**Амалиёт даврида талабаларда шаклланадиган педагогик малакалар:**

- таълим муассасаси ўқув-тарбия жараённи таҳлил қилиш;
- ўқувчилар жамоасини, жамоа аъзоларининг ҳар бирини ўрганиш;
- таълим олувчи шахсини ўрганишда самарали методларидан фойдаланиш;
- мавзуси, моҳияти, йўналиши ва тарбиявий вазифалари турлича бўлган педагогик тадбирлар (истиқболли, жорий, қисқа ёки тезкор муддатда амалга ошириладиган ва ҳ.о.) режасини тузиш, лойиҳаларни ишлаб чиқиш;
- турли гуруҳларга мансуб ўқувчилар билан индивидуал алоқа ўрнатиш;
- ўқувчилар шахсига берилган тавсифномалар асосида тўғри қарорлар қабул қилиш;
- тарбиявий жараённи режалаштириш (синф раҳбарининг иш тажрибасини ўрганиш, ўқувчилар билан маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга доир индивидуал иш режасини ишлаб чиқиш, иш режани ишлаб чиқишда манбаларига таяниш, тарбиявий тадбирларга ўқувчиларни фаол жалб этиш);
- тўгараклар, музейлар ёки спорт секцияларида машғулотларни ташкил этишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини ўрганиш

Шунингдек, педагогик амалиёт жараёнида битирувчи курс талабалари муайян амалий кўникма ва малакаларни ҳам ўзлаштира олишлари лозим. Яъни:

**Амалиёт даврида талабаларда шакллантириладиган кўникма ва малакалар:**

- синф раҳбарининг иш тажрибаси билан яқиндан танишиш ва уни батафсил ўрганиш;
- ташхис харитаси воситасида синф жамоасини ўрганиш;
- ўқувчилар жамоасига, алоҳида ўқувчиларга нисбатан педагогик вазифаларни қўйиш;
- ўқувчиларнинг ёшини, тарбияланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий фаолиятни режалаштириш;
- ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш малакаларини ўзлаштириш ва бошқалар

Педагогик амалиёт бир неча йўналишларда ташкил этилади. Улар қуйидагилардир:

**Педагогик амалиётнинг асосий йўналишлари:**

1. Таълим муассасасида таълим ва маънавий-маърифий ишлар жараённинг ташкил қилиниши билан танишиш.
2. Гуруҳ жамоасини, алоҳида ўқувчиларни педагогик-психологик жиҳатдан ўрганиш.
3. Амалиёт даврида мақсадни аниқ қўйиш кўникмаларини ўзлаштириш.
4. Педагогик фаолиятни самарали ташкил этишни тўғри режалаштириш технологияси асослари билан яқиндан танишиш.
5. Ўқувчилар жамоаси ва уларнинг ота-оналари билан тарбиявий ишларни самарали олиб бориш тажрибаларини ўзлаштириш.
6. Ихтисослик фани бўйича ўқув машғулотлари ва синфдан ташқари ишларни педагогик, психологик ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш кўникмаларини ривожлантириш.
7. Тажрибали ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини умумлаштириш.
8. Амалиёт даврида педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш юзасидан ижодий ва илмий-методик изланишлар олиб бориш.
9. Ўзи томонидан маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш йўлида олиб борилган педагогик фаолиятни мустақил баҳолаш

## ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИНГ ТАХМИНИЙ МАЗМУНИ

Педагогик амалиётнинг асосий мазмунини талабаларнинг ўқувчилар билан олиб борадиган амалий таълимий ишлари ташкил этади. Амалий таълимий ишлар талабалар томонидан амалга ошириладиган барча турдаги педагогик фаолият қамраб олади.

Амалиёт даврида талабалар томонидан амалга ошириладиган амалий таълимий ишларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин (4-расм):




**4-расм. Амалиёти-талаба томонидан олиб бориладиган амалий педагогик ишлар**

**Таълим муассасаси фаолияти (иши)ни ўрганиш**

- амалиёт базаси бўлган таълим муассасаси педагогик жамоаси билан учрашув-суҳбат ташкил этиш;
- таълим муассасасининг раҳбари, раҳбар ўринбосари билан муассаса хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалиётчи томонидан олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишларнинг мазмуни ҳақида суҳбатлашиш;
- муассасанинг псхологик, тиббий ва бошқа хизматлар бўйича олиб борадиган фаолияти билан танишиш;
- таълим муассасасининг ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш органлари таркибий тузилиши ва асосий йўналишларидан хабардор бўлиш;
- муассаса ҳужжатларини ўрганиш;
- ўқув хоналарининг жиҳозланиши билан танишиш;
- таълим муассасасининг санитар-гигиеник ҳолатини ўрганиш;
- муассаса ахборот-ресурс маркази фаолияти билан танишиш;
- таълим муассасасида ташкил этиладиган педагогик жараён билан танишиш;
- ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятларини ўрганиш

**Ўқув-тарбиявий ишлар:**
- ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш;
- турли типдаги дарсларни кузатиш ва уларни таҳлил қилиш;
- педагогика, психология ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш;
- турли таълимий тизимлар, таълим муассасаси педагогик жамоаси томонидан яратилган илғор технологиялар ва муаллифлик дастурлари билан танишиш;
- тематик ва ўқув ишлари режасининг ишлаб чиқиш;
- ўқув машғулотларини ташкил этиш ва уларни таҳлил қилиш;
- таълим муассасасининг режаси ёки ўқув фани бўйича дарсдан ташқари оммавий тадбирлар (кечалар, фан ҳафталиклари, олимпиада ва танловлар)ни ташкил этиш;
- ўқув жараёни ва тарбиявий тадбирнинг дидактик ва методик таъминотини ишлаб чиқиш;
- курс иши (лойиҳаси), илмий мақола ёки битирув-малакавий иши учун далилий материаллар тўплаш

**Гуруҳ раҳбарилиги (гуруҳ раҳбари сифатида фаолият юритиш):**
- гуруҳ раҳбарининг иши билан танишиш (гуруҳ раҳбари билан гуруҳ жамоаси, жамоа олдида турган асосий тарбиявий масалалар тўғрисида суҳбатлашиш);
- гуруҳ раҳбарининг тарбиявий ишлар режаси билан танишиш асосида педагогик амалиёт даври учун шахсий иш режани тузиш;
- гуруҳда жамоавий ижодий тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш;
- гуруҳ ва таълим муассасаси бўйича навбатчиликни ташкил этиш жараёнида қатнашиш;
- гуруҳ соатини тайёрлаш ва ўтказиш;
- ўқувчилар билан индивидуал тарбиявий ишларни олиб бориш;
- ота-оналар йиғилиши лойиҳасини ишлаб чиқиш ва йиғилишни ўтказишда қатнашиш, унда педагогик мавзуларда маърузалар ўқиш;
- ота-оналар йиғилишларини ташкиллаштириш, ота-оналар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар тажрибасини ўрганиш;
- гуруҳ ўқувчиларининг уйларига ташриф буюриш;
- гуруҳ ўқувчилари оилаларининг таркибини ўрганиш ва ўқувчиларнинг оилалари билан индивидуал ишларни амалга ошириш

**Талабанинг амалиёт давридаги илмий-тадқиқотчилик фаолияти:**
- ўқувчиларнинг таълим олганлик ва тарбияланганлик даражасини ташхислаш методларини танлаш бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш;
- ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмаларини таҳлил қилиш, мавзулар бўйича дарслар тизимини ишлаб чиқиш ва назарий асослаш;
- курс иши ва битирув-малакавий ишларнинг мавзулари бўйича кичик тадқиқотлар олиб бориш;
- таълим муассасасида долзарб муаммолари бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар мониторинги натижаларини ўрганиш;
- фан ўқитувчилари ва гуруҳ раҳбарларининг иш тажрибаларини ўзлаштириш;
- ўқув-тарбия жараёнига тажриба элементларини олиб кириш;
- педагогик тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш, уларни олинган натижаларни изчил қайта ишлаш асосида ўқув-тарбиявий ишлар режасига киритиш

Педагогик амалиётни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин. Улар (5-расм):

Босқичлар

| **Бошланғич босқич** | **Асосий босқич** | **Якуний босқич** |
|---|---|---|
| Бириктирилган гуруҳ бўйича дарслар ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларда иштирок этиш; ўқувчилар билан танишиш, гуруҳ раҳбари ва ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш; педагогик амалиётнинг умумий даври учун индивидуал режани ва ихтисолик фани бўйича ташкил этиладиган дарслар графигини тузиш, биринчи мустақил дарсга тайёрланиш | Индивидуал режа асосида фаолият юритиш; дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш; дарсдан ташқари тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш; амалиётчилар томонидан ўтказилган дарслар, дарсдан ташқари тадбирларни кузатиш ва уларнинг таҳлилида иштирок этиш | Индивидуал режа бўйича педагогик фаолиятни якунлаш; ҳисобот тайёрлаш; таълим муассасасида педагогик амалиётни олиб боришга доир ҳужжатларни расмийлаштириш |

**5-расм. Педагогик амалиёт босқичлари**

## ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ ТОПШИРИҚЛАРИ

### 1. Умумий топшириқлар

| № | Асосий топшириқлар | Ҳал қилинадиган вазифалар | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1. | Гуруҳ раҳбари ва гуруҳ жамоаси билан танишиш | Ташхис харитаси воситасида ўқувчилар ҳақидаги маълумотларни тўплаш | Гуруҳ раҳбари билан танишиш, гуруҳ жамоасини ҳар томонлама ўрганиш |
| 2. | Гуруҳнинг таълим муассасасидаги навбатчилиги тартиби ва вазифалари билан танишиш | Ҳар бир ўқувчи учун навбатчилик бўйича индивидуал топшириқларни ишлаб чиқиш | Ўқувчининг ички имкониятидан самарали фойдаланишга эътибор қаратиш |
| 3. | Амалиёт даври учун фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича гуруҳ ўқувчилари билан ишлашга оид режа тузиш | Режага ўқувчиларнинг севимли машғулотларини киритиш; ўқувчилар томонидан режада белгиланган вазифалар ҳал этилишини таъминлаш | Режа вазифаларини бажаришда ўқувчиларнинг махсус малакалари, қобилиятларини инобатга олиш |
| 4. | Ота-оналар йиғилиши учун мавзулар танлаш | Танланган мавзу бўйича саволлар тузиш | Мавзуни танлашда ота-оналарнинг фикрларини ўрганиб, уларни қизиқтирувчи долзарб масалаларга эътиборни қаратиш |
| 5. | Гуруҳ йиғилишини ўтказиш | Йиғилишни ташкил этиш ва ўтказишда гуруҳ фаолари ёрдамига таяниш | Йиғилишнинг методик жиҳатдан тўғри ташкил этилишини таъминлаш |
| 6. | Ихтисослик бўйича тўгарак фаолиятини юритишга кўмаклашиш | Тўгаракда ўрганиладиган мавзулар бўйича ишланмалар тайёрлаш | Тўгарак фаолиятини юритишда ижобий ташаббус кўрсатиш |
| 7. | Ўқувчиларга ўз-ўзини ривожлантириш дастурини тузишга методик жиҳатдан ёрдам бериш | Ўқувчилар томонидан дастур талабларини бажариш ҳолатини назорат қилиш | Ўқувчилар томонидан ўз-ўзини ривожлантириш дастурини тузишда методик жиҳатдан кўмаклашиш |

| 1 | 2 | 3 | 4 |
|---|---|---|---|
| 8. | Гуруҳ раҳбарлари, фан ўқитувчилари томонидан ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этишда ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиниши ҳолатини ўрганиш | Кузатишлар асосида бу борадаги ютуқ ва камчиликларни қайд этиб бориш | Ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ўрганишда муаллифлик методикаларидан фойдаланиш |
| 9. | Гуруҳда тарбиявий соатни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш | Тарбиявий соат учун ўқувчиларнинг қизиқиш, эҳтиёж ва ҳаётий интилишларига таяниб, мавзу танлаш | Тарбиявий соат мавзусини танлашда ўқувчиларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олиш |
| 10. | Гуруҳ раҳбарининг “тарбияси қийин” ўқувчиларга бўлган ёндашувини ўрганиш | Гуруҳ раҳбарининг бу борада қўллаётган тарбиявий таъсир шакл, метод ва воситалари билан танишиш | “Тарбияси қийин” (улар мавжуд бўлса) ўқувчиларни яқиндан ўрганиш |
| 11. | Гуруҳ раҳбарининг гуруҳни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этишга оид иш тажрибасини ўрганиш | Гуруҳ раҳбарининг бу борада қўллаётган тарбиявий таъсир шакл, метод ва воситалари билан танишиш | Гуруҳ жамоасига ижтимоий-фойдали меҳнатнинг аҳамиятини тушунтириш, ўқувчиларда ижтимоий-фойдали меҳнатга ижобий муносабатни шакллантириш |
| 12. | Гуруҳ дуч келаётган муаммоларни аниқлаш | Гуруҳ ўқувчилари олдида турган муаммоларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш | Мавжуд муаммо моҳиятини чуқур ўрганиш ва уларни бартараф этишга оид таклифларни илгари суриш |

| 1 | 2 | 3 | 4 |
|---|---|---|---|
| 13. | Гуруҳ ўқувчилари билан маънавий-ахлоқий мавзуда суҳбат ташкил этиш | Гуруҳ жамоасининг ривожланганлик ва тарбияланганлик ҳолатидан келиб чиқиб, суҳбат мавзуси, ҳал қилинувчи вазифалар ва кутиладиган ечимни белгилаш | Суҳбат мавзусининг ўқувчилар қизиқиши, эҳтиёжларига мос келишига эътиборни қаратиш |
| 14. | Гуруҳ жамоасига, ўқувчиларга уларнинг ёш, психологик ва физиологик имкониятларидан келиб чиқиб, умумий ҳамда индивидуал тавсифномалар тайёрлаш | Тавсифномада гуруҳ жамоасининг ўқувчи шахсининг шаклланишига таъсири, ўқувчининг гуруҳ жамоасидаги ўрни ва ролига баҳо бериш | Тавсифномани тайёрлашда гуруҳ жамоаси ва алоҳида ўқувчи шахсига хос хусусиятларнинг батафсил очиб берилишига эришиш |
| 15. | Педагогик амалиёт юзасидан якуний ҳисоботни тайёрлаш | Ҳисоботда амалиёт даврида амалга оширилган педагогик фаолият (дарсларни ташкил этиш, дарс кузатиш, маънавий-маърифий тадбирларнинг сценарийларини ишлаб чиқиш ва тадбирларни ташкил этиш, ота-оналар билан иш олиб бориш ва ҳоказолар)нинг умумий моҳиятини очиб бериш | Ҳисоботда баён этилаётган фикрларнинг аниқлиги, далилларга бойлиги, мантиқий жиҳатдан тўғри бўлишига эътиборни қаратиш |

## 2. Индивидуал топшириқлар

| № | Топшириқлар | Ҳал қилинадиган вазифалар |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1. | Ўқитувчининг дарсни ташкил қилиш тажрибасини ўрганиш | - дарснинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари билан танишиш;<br>- босқичлар бўйича ташкил этилишини кузатиш;<br>- ўқувчилар фаолиятининг назорат қилиш метод ва усуллари билан танишиш;<br>- ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг аҳамиятини таҳлил қилиш;<br>- ўқувчилар фаолиятини назорат шакллари билан танишиш;<br>- кузатишлар асосида якуний хулосалар чиқариш |
| 2. | Ўқитувчининг ўқувчиларда янги билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш тажрибасини ўрганиш | - ўқувчиларнинг билимларни мустаҳкамлаш мақсадида қўлланилаётган шакл, метод ва воситаларни аниқлаш;<br>- фанни муваффақиятли ва қийналиб ўзлаштираётган ўқувчиларга муносабатларини ўрганиш;<br>- мустақил таълимни қўлланилишини ўрганиш;<br>- мустақил таълим самарадорлигини баҳолаш;<br>- кузатишлар асосида хулоса чиқариш |
| 3. | Ўқувчилар томонидани педагогик талабларнинг бажарилишини таҳлил қилиш | - ўқувчиларнинг дарсга қатнашишларини назорат қилиш;<br>- уй вазифаларининг бажарилишини таҳлил қилиш;<br>- дарсда фаол иштирок этиш кўникмаларига эгаликларини аниқлаш;<br>- дарсда тартибнинг сақланиш ҳолатини баҳолаш;<br>- кузатишлар асосида хулоса чиқариш |
| 4. | Ўқитувчининг педагогик техникасини ўрганиш | - ўқитувчининг педагогик техникасини ўрганиш, бунда қуйидагиларга эътибор қаратилади:<br>- мимика ва пантомимикадан фойдаланиши;<br>- ҳис-туйғуларини ифодалай олиши;<br>- ҳиссий жиҳатдан ўз-ўзини бошқара олиши;<br>- нутқ техникаси (нафас олиш, овозни ростлаш, урғуни тўғри бериш, нутқ суръатини маҳорат билан таъминлаш)дан самарали фойдалана олиши;<br>- кузатишлар асосида хулоса чиқариш |
| 5. | Ўқитувчининг ўқувчиларга индивидуал ёндашиш тажрибасини ўрганиш | - ўқитувчи фаолиятини диққат билан кузатиш;<br>- ўқитувчининг гуруҳ жамоаси ва ҳар бир ўқувчи фаолиятини назорат қилиш усулларини ўрганиш;<br>- ўқитувчининг ўқувчиларга индивидуал ёндашуви айнан қайси ҳолатлар (билимларни текшириш ва баҳолаш, уй вазифаларини текшириш, ўтилган мавзуни такрорлаш, билимларни мустаҳкамлаш)да намоён бўлишини аниқлаш |

| 1 | 2 | 3 |
|---|---|---|
| 6. | Ўқитувчининг уй вазифаларини текшириш ва ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш тажрибасини ўрганиш | - бириктирилган гуруҳда 2-3 та дарсни кузатиш асосида ўқитувчининг уй вазифаларининг бажарилишини таҳлил қилиш ва ўтилган материални такрорлашга қаратилган хатти-ҳаракатларини ўрганиш;<br>- уй вазифалари текширилаётганда ўқувчиларнинг қанчалик эътиборли бўлишларини аниқлаш;<br>- ўқитувчи томонидан уй вазифасининг бажарилиши юзасидан изоҳларига диққатни қаратиш;<br>- уй вазифаларини текширишда ўқитувчи томонидан қўлланилган метод ва воситаларни аниқлаш;<br>- кузатишлар асосида хулосалар чиқариш |
| 7. | Фан ўқитувчилари нинг маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш тажрибаларини ўрганиш | - бириктирилган гуруҳда 2-3 та дарсни кузатиш орқали мазкур жараёнда ўқитувчининг ўқувчиларга тарбиявий таъсирини ўрганиш;<br>- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот услуби, ўзаро алоқа хусусиятлари, ўқувчиларда ахлоқий сифатларни тарбиялашга таъсирини таҳлил қилиш;<br>- ўқитувчининг тарбиявий таъсир кучини баҳолашда унинг ташқи кўриниши, дарсда ўзини тутиши, фаоллиги, ҳис-туйғуларини намоён этиши (вазминлиги, дадиллиги, қатъиятлилиги, кўтаринки кайфиятга эгалиги), ўқувчиларга муносабати (зийраклиги, сезгирлиги, муомала маданияти қоидаларига амал қилиши, уларга ҳурмат билан ёндашиши, ўқувчилар фаолиятини баҳолашга нисбатан объективлиги, ўқувчиларга ёрдам кўрсата олиши), ўқувчиларнинг ўқитувчига муносабатлари (уни ҳурмат қилишлари, унга нисбатан хушмуомала, миннатдор бўлишлари, унга бўйсунишлари ва ишонч билдиришлари);<br>- ўқувчиларга муносабатда инсонпарварлик ғояларига таяниб иш кўриши, уларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олишига эътиборни қаратиш |

### 3. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этилишини ўрганиш юзасидан топшириқлар

| № | Асосий топшириқлар | Ҳал қилинадиган вазифалар |
|---|---|---|
| 1. | Таълим муассасасининг маънавий-маърифий ишлар тизими билан танишиш | Таълим муассасасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича йиллик ва ярим йиллик иш режалари билан танишилади |
| 2. | Гуруҳ раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар режаси билан танишиш | Гуруҳ раҳбари томонидан гуруҳ учун ишлаб чиқилган йиллик ва ярим йиллик маънавий-маърифий ишлар режаси билан танишилади |
| 3. | Гуруҳ раҳбарининг маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, ўқувчиларга тарбиявий таъсир этиш метод ва усулларини ўрганиш | Гуруҳ раҳбари томонидан гуруҳ учун ишлаб чиқилган йиллик ва ярим йиллик маънавий-маърифий ишлар режасининг самарадорлиги баҳоланади, белгиланган метод ва усулларнинг таъсирчанлиги ўрганилади |
| 4. | Дарсдан ташқари маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш тажрибасини ўрганиш | Таълим муассасасида ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар умумий ёки муайян гуруҳ томонидан ташкил маънавий-маърифий тадбирлар индивидуал ҳолда ўрганилади |
| 5. | Дарсдан ташқари маънавий-маърифий тадбирларда қатнашиш | Дарсдан ташқари маънавий-маърифий тадбирларда қатнашиш асосида ўқувчиларнинг тадбирларга бўлган муносабатлари, тадбирларнинг самарадорлиги таҳлил қилинади |
| 6. | Мустақил равишда мутахассислик фани бўйича 1-2 та маънавий-маърифий ишлар сценарийсини ишлаб чиқиш ва тадбирни ташкил этиш | Ишлаб чиқилган сценарий асосида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади |

## ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Амалиётчи-талабалар ўзларига бириктирилган гуруҳлар билан ишлашда юқорида баён этилган топшириқларни бажарар эканлар, ана шу мақсад йўлида ташкил этилаётган педагогик фаолиятнинг методик жиҳатдан тўғри ва самарали бўлишига эътиборни қаратишлари талаб этилади. Топшириқларни бажаришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг пухта ўйланган механизмга

асосланиши кутилган натижаларни қўлга киритиш имконини беради. Қуйида асосий топшириқлар юзасидан педагогик фаолиятни ташкил этиш механизмлари тўғрисида сўз юритилади:

### I. Гуруҳ жамоаси билан яқиндан танишиш

<table>
<tr><td>1-босқич</td><td>Гуруҳ раҳбари билан гуруҳ ўқувчилар ҳақида суҳбатлашиш</td><td rowspan="6">Суҳбат, савол-жавоб, анкета, жамоа фикрини ўрганиш, таълим муассасаси ҳужжатларини ўрганиш методлари, ўқувчиларнинг ташхис хариталари асосида гуруҳ жамоаси билан танишиш</td></tr>
<tr><td>2-босқич</td><td>Ота-оналар билан ўқувчилар (уларнинг фарзандлари) ҳақида суҳбатлашиш</td></tr>
<tr><td>3-босқич</td><td>Таълим муасасасининг педагогик жамоасининг гуруҳ ўқувчилари тўғрисидаги фикрларини ўрганиш</td></tr>
<tr><td>4-босқич</td><td>Таълим муассасаси раҳбариятининг гуруҳ ўқувчиларига бўлган муносабатини ўрганиш</td></tr>
<tr><td>5-босқич</td><td>Таълим муассасаси “Камолот” бошланғич ташкилоти фаолларининг гуруҳ ўқувчилари тўғрисидаги фикрлари билан танишиш</td></tr>
<tr><td>6-босқич</td><td>Гуруҳ ўқувчилари тўғрисида параллел гуруҳлар ўқувчиларининг фикрлари билан қизиқиш</td></tr>
</table>

### II. Педагогик фаолият мақсади ва вазифаларининг моҳиятини ёритиш

<table>
<tr><td>1-босқич</td><td>Таълим муассасасининг мавжуд шарт шароитлари билан яқиндан танишиш</td><td rowspan="11">Таълим муассасаси ҳужжатларини ўрганиш, муассасанинг моддий шарт-шароити билан танишиш, қарор қабул қилиш ва таҳлил методларини қўллаш асосида педагогик фаолият мақсади, вазифаларини белгилаш, уларни амалга ошириш, баҳолаш</td></tr>
<tr><td>2-босқич</td><td>Педагогик жараёнида муайян вазифаларни бажаришга имкон берувчи омилларни аниқлаш</td></tr>
<tr><td>3-босқич</td><td>Педагогик жараёнида муайян вазифаларни бажариш имконияти мавжудлигини башоратлаш</td></tr>
<tr><td>4-босқич</td><td>Таълим фаолият мақсадларини белгилаш</td></tr>
<tr><td>5-босқич</td><td>Таълим жараёнида бажариладиган педагогик вазифаларни аниқлаш</td></tr>
<tr><td>6-босқич</td><td>Тарбиявий фаолият мақсадларини белгилаш</td></tr>
<tr><td>7-босқич</td><td>Тарбия жараёнида бажариладиган педагогик вазифаларни аниқлаш</td></tr>
<tr><td>8-босқич</td><td>Таълимий фаолият мақсадларининг амалга ошганлигини таҳлил қилиш</td></tr>
<tr><td>9-босқич</td><td>Таълимий мазмунга эга педагогик вазифаларнинг бажарилганлигини баҳолаш</td></tr>
<tr><td>10-босқич</td><td>Тарбиявий фаолият мақсадларининг амалга ошганлигини таҳлил қилиш</td></tr>
<tr><td>11-босқич</td><td>Тарбиявий мазмунга эга педагогик вазифаларнинг бажарилганлигини баҳолаш</td></tr>
</table>

## III. Педагогик жамоанинг навбатчилик вақтидаги вазифалари билан танишиш

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич | Гуруҳ раҳбарининг муассаса бўйича навбатчилик қилиш вазифалари билан танишиш | Суҳбат, кузатиш, таҳлил асосида гуруҳ навбатчилигининг моҳиятини англаш, ижодий ёндашув ва ўзаро ҳамкорликка таяниб эсталиклар тайёрлаш, таҳлил ёрдамида самарали йўлларни аниқлаш, ўқувчиларга индивидуал, гуруҳли ва жамоавий топшириқлар бериш |
| 2-босқич | Гуруҳ жамоаси томонидан таълим муассасасидаги навбатчилик вақтида амалга ошириладиган вазифалар ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлиш | |
| 3-босқич | Гуруҳ раҳбари ва фаоллари билан биргаликда жамоа аъзоларининг ҳар бири учун навбатчилик топшириқларини ўзида акс эттирадиган эсдаликларни ишлаб чиқиш ва уни ўқувчиларга тақдим этиш | |
| 4-босқич | Навбатчиликни самарали ташкил этиш йўлларини белгилаш | |
| 5-босқич | Навбатчилик даврида ўқувчиларда ижтимоий вазифаларга ташкилотчи, моҳир ижрочи ва ижодкор сифатида ёндашиш қобилиятини ривожлантириш | |

## IV. Амалиёт даврида ташкил этиладиган педагогик фаолият иш режасини тузиш ва уни амалга ошириш:

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич | Гуруҳ ўқувчиларининг қизиқишлари, хоҳиш-истаклари, эҳтиёжларини ўрганиш | Суҳбат, кузатиш, таҳлилни ташкил этиш, ўқувчиларнинг ташхис хариталари билан танишиш, шахсга самарали таъсир кўрсатиш методларини қўллаш асосида уларни шахс сифатида ривожлантириш |
| 2-босқич | Иш режасида ўқувчиларнинг фаол иштирокда бажариладиган тадбирларнинг ўрин олишини таъминлаш | |
| 3-босқич | Гуруҳ жамоасига иш режасига киритилган тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти ва уларни бажариш заруриятини тушунтириш | |
| 4-босқич | Ўқув машғулотлари ва тарбиявий тадбирларда гуруҳдаги ўқувчиларнинг барчасини фаол иштирок этишига эътибор қаратиш | |
| 5-босқич | Педагогик фаолиятни ташкил этишда ўқувчиларда ўзаро ёрдам, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳиссини тарбиялаб бориш | |
| 6-босқич | Дарслар ва тадбирларни ташкил этишда ўқувчиларнинг дунёқараши, билим даражаси, қобилияти ва амалий кўникма-малакаларини янада ривожлантириш | |
| 7-босқич | Дарслар ва тарбиявий тадбирларнинг ўқувчиларни шахс сифатида тарбиялашга ижобий таъсирини ўрганиш | |

## V. Ота-оналар билан ишлаш

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич | Гуруҳ ўқувчиларининг ота-оналари билан яқиндан танишиш | Суҳбат, савол-жавоб, анкета, қарор қабул қилиш ва таҳлил методлари ёрдамида режани ишлаб чиқиш, амалиётга тўла татбиқ этиш |
| 2-босқич | Ота-оналарнинг гуруҳ ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги имкониятларини ўрганиш | |
| 3-босқич | Ота-оналарнинг педагогик эҳтиёжларини ўрганиш | |
| 4-босқич | Гуруҳ ўқувчиларининг ота-оналари билан ишлаш режасини ишлаб чиқиш | |
| 5-босқич | Режа вазифаларининг ота-оналар педагогик эҳтиёжлари асосида белгиланишини таъминлаш | |
| 6-босқич | Ота-оналар билан самарали ишлашга имкон берадиган шакл, метод ва воситаларни танлаш | |
| 7-босқич | Режа вазифаларини бажаришга ота-оналарни фаол жалб этиш, улар билан яқин ҳамкорликка эришиш | |
| 8-босқич | Режада вазифаларининг изчил бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш | |
| 9-босқич | Режа вазифаларининг тўла бажарилганлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш | |

## VI. Гуруҳ йиғилишини ўтказиш

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич | Гуруҳ йиғилишлари учун ҳафтанинг бир кунини қатъий белгилаш | Лойиҳалаш, самарали шакл, метод ва воситаларни танлаш, амалий фаолиятни ташкил этиш, педагогик кузатиш, таҳлил ва шахсга самарали таъсир кўрсатиш методларини қўллаш асосида гуруҳ йиғилишларини ташкил этиш |
| 2-босқич | Гуруҳ йиғилишлари учун камида бир ойлик мавзуларни белгилаш | |
| 3-босқич | Мавзулар бўйича гуруҳ йиғилишларининг лойиҳаси (технологияси)ни ишлаб чиқиш | |
| 4-босқич | Гуруҳ йиғилишларини самарали бўлишини таъминловчи шакл, метод ва воситаларни танлаш | |
| 5-босқич | Ҳар бир йиғилишнинг аниқ мақсад ва пухта ишланган лойиҳа (технология) асосида ташкил этилишига эришиш | |
| 6-босқич | Гуруҳ йиғилишларининг фаоллари иштирокида самарали ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлаш (гуруҳ фаолларига тўла мустақиллик бериш, зарур ўринларда педагогик маслаҳат ва таклифларни бериш мақсадга мувофиқдир) | |
| 7-босқич | Гуруҳ йиғилишларида ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш | |
| 8-босқич | Гуруҳ йиғилишларининг изчил ва узлуксиз ўтказилишини назорат қилиб бориш | |
| 9-босқич | Ҳар бир гуруҳ йиғилишининг самарадорлигини таҳлил қилиб борилиши ва баҳоланишига эътиборни қаратиш | |

## VII. Ихтисослик ёки ўқувчиларнинг қизиқишлар асосида тўгарак фаолиятини йўлга қўйиш

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич | Ўқувчиларнинг қизиқишлари, эҳтиёжларини ўрганиш асосида тўгарак йўналишини белгилаш | Тўгарак ларни ташкил этишга оид меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, суҳбат, кузатиш, таҳлил, ўқувчилар нинг ташхис хариталари билан танишиш асосида уларни шахс сифатида |
| 2-босқич | Тўгарак Низоми ва иш фаолияти режасини ишлаб чиқиш | |
| 3-босқич | Тўгаракка жамоа аъзоларини фаол жалб этиш | |
| 4-босқич | Тўгарак фаолиятининг изчиллигини ва унда ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларини назорат қилиб бориш | |
| 5-босқич | Тўгарак фаолияти самарадорлигини муайян муддатларда таҳлил қилиб борилишини таъминлаш | |
| 6-босқич | Тўгаракнинг биринчи машғулоти учун нутқ тайёрлаш (нутқда тўгаракни ташкил этишдан кўзланган мақсад, амалга ошириладиган вазифалар, тўгарак аъзоларининг фаолиятига қўйиладиган талаблар, тўгаракда ўрганиладиган мавзулар ёритилиши лозим) | |
| 7-босқич | Тўгарак фаолияти юзасидан ярим йиллик, йиллик ҳисоботларни тайёрлаш | |
| 8-босқич | Тўгарак фаолиятини мустақил баҳолаш | |
| 9-босқич | Тўгарак фаолияти юзасидан муассаса раҳбарияти, педагогик жамоа ва тўгарак аъзоларининг фикрларини ўрганиб бориш | |
| 10-босқич | Тўгаракнинг бир йиллик фаолияти юзасидан якуний хулосага келиш ва истиқбол режаларини ишлаб чиқиш | |

## VIII. Ўқувчилар томонидан ўз-ўзини тарбиялаш дастурининг ишлаб чиқилишини таъминлаш

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич | Ўқувчиларга ўз-ўзини тарбиялаш дастурига эга бўлишнинг аҳамиятини тушунтириш | Суҳбат, савол-жавоб, кузатиш, шахсга таъсир ўтказиш методлари ёрдамида ўқувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш дастурига эга бўлишларини таъминлаш |
| 2-босқич | Ўқувчиларда ўз-ўзини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантириш | |
| 3-босқич | Ўқувчиларга ўз-ўзини тарбиялаш дастурининг ишлаб чиқишда педагогик ёрдам кўрсатиш | |
| 4-босқич | Ўқувчилар томонидан ўз-ўзини тарбиялаш дастурида асосий йўналишларни белгилашга кўмаклашиш | |
| 5-босқич | Ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш дастурида белгиланган вазифаларни бажаришларини муҳокама қилиш | |

## IX. Фан ўқитувчилари ва гуруҳ раҳбари томонидан ўқув ва тарбиявий ишларини ташкил этишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олинишини кузатиш

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич | Фан ўқитувчиларининг ўқув ва тарбия жараёнидаги фаолиятларини ўрганиш | Суҳбат, кузатиш ва таҳлилни ташкил этиш, ўқувчиларнинг ташхис хариталари билан танишиш, шахсга самарали таъсир кўрсатиш методларини қўллаш |
| 2-босқич | Фан ўқитувчилари томонидан ўқув ва тарбия жараёнида ўқувчилар ёш хусусиятларининг инобатга олиниши қандай кўринишларда намоён бўлганлигини аниқлаш | |
| 3-босқич | Гуруҳ раҳбарининг ўқув ва тарбия жараёнидаги фаолиятларини ўрганиш | |
| 4-босқич | Гуруҳ раҳбарлари томонидан ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ёш хусусиятлариинобатга олиниши нинг метод ва воситаларини аниқлаш | |
| 5-босқич | Фан ўқитувчилари ва гуруҳ раҳбари томонидан ўқув-тарбия жараёнларида ўқувчилар ёш хусусиятларининг инобатга олинганлигини таҳлил қилиш | |
| 6-босқич | Мустақил равишда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқувчилар ёш хусусиятларини инобатга олишга эътиборни қаратиш | |

## X. Тарбиявий соатларни ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич | Тарбиявий соатларни ташкил этиш учун ҳафтада муайян бир вақтни белгилаш | Суҳбат, савол-жавоб, таҳлил, шахсга самарали таъсир кўрсатиш ва қарор қабул қилиш, методларини қўллаш асосида тарбиявий соатларни самарали ташкил этиш |
| 2-босқич | Тарбиявий соатларнинг фақат ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилишдан иборат бўлиб қолмаслиги, балки, уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, жамоада аҳилликни қарор топтиришга хизмат қилишини таъминлаш | |
| 3-босқич | Тарбиявий соатларда ҳал этиладиган масалаларнинг бир ойлик тахминий лойиҳаларини ишлаб чиқиш | |
| 4-босқич | Тарбиявий соатларда ўқувчиларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини доимий ўрганиб бориш | |
| 5-босқич | Тарбиявий соатларда ўқувчилар жамоасининг, ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжлари тўғрисида сўз юритишга имконият яратиш | |
| 6-босқич | Муайян мавзудаги тарбиявий соат мисолида асосий, хусусий мақсадга эришилганликни таҳлил қилиш | |
| 7-босқич | Тарбиявий соатларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш | |

## XI. Гуруҳ раҳбарининг “тарбияси оғир” ўқувчилар ишлаш фаолиятини ўрганиш

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич | Гуруҳ раҳбарининг “тарбияси оғир” ўқувчилар билан ишлашга оид иш режаси билан танишиш | Суҳбат, кузатиш, таҳлил, ўқувчиларнинг ташхис хариталари билан танишиш, шахсга самарали таъсир кўрсатиш методларини қўллаш асосида “тарбияси оғир” ўқувчилар билан иш олиб бориш |
| 2-босқич | Иш режасида белгиланган педагогик фаолият шакллари, методлари самарадорлигини мустақил таҳлил қилиш | |
| 3-босқич | Гуруҳ раҳбарининг “тарбияси оғир” ўқувчилар билан ишлашга қаратилган фаолиятини кузатиш | |
| 4-босқич | Гуруҳ раҳбари томонидан “тарбияси оғир” ўқувчилар ишлаш йўлида олиб борилаётган фаолиятига таянган ҳолда хулоса чиқариш | |
| 5-босқич | “Тарбияси оғир” ўқувчилар билан ишлашга доир шахсий режани ишлаб чиқиш | |
| 6-босқич | Ушбу режани амалиётга татбиқ этиш йўлида ҳаракатлар олиб бориш | |

## XII. Гуруҳ раҳбари томонидан ўқувчиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида қўлланиладиган метод ва воситаларни ўрганиш

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич | Ўқувчиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида гуруҳ раҳбари томонидан қўлланилаётган методларни ўрганиш | Суҳбат, кузатиш, таҳлил, ўқувчиларнинг ташхис хариталари билан танишиш, шахсга самарали таъсир кўрсатиш, шахснинг тарбияланган лик даражасини аниқлаш методларини қўллаш асосида уларни шахс сифатида ривожлантириш |
| 2-босқич | Гуруҳ раҳбари томонидан ўқувчиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишда қўлланилаётган воситаларни ўрганиш | |
| 3-босқич | Гуруҳ раҳбари томонидан ўқувчиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида қўлланиладиган метод ва воситалар самарадорлигини таҳлил қилиш | |
| 4-босқич | Ўқувчиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш жараёнида фаол иштирок этиш | |
| 5-босқич | Гуруҳ раҳбари бошчилигида мустақил равишда ўқувчиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш | |
| 6-босқич | Гуруҳ жамоаси ва ҳар бир гуруҳ аъзосининг ижтимоий-фойдали меҳнатга муносабатини ўрганиш | |
| 7-босқич | Гуруҳ аъзоларининг ижтимоий-фойдали меҳнатда фаол иштирок этишларини таъминлаш | |

## XIII. Гуруҳ жамоаси фаолиятидаги камчилик ва низоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларни белгилаш

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич | Гуруҳ фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш | Суҳбат, савол-жавоб, кузатиш, таҳлил, ўқувчиларнинг ташхис хариталари билан танишиш, шахсга самарали таъсир кўрсатиш, шахснинг тарбияланган лик даражасини баҳолаш методларини қўллаш асосида уларни шахс сифатида ривожлантириш |
| 2-босқич | Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилаш | |
| 3-босқич | Гуруҳ жамоаси фаолиятида низолар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўрганиш | |
| 4-босқич | Гуруҳ жамоаси фаолиятида низоларнинг характерини аниқлаш | |
| 5-босқич | Ижобий мазмунга эга низоларни ривожлантириш йўлларини белгилаш | |
| 6-босқич | Салбий мазмунга эга низоларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш | |
| 7-босқич | Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш йўлларини излаш | |

## XIV. Гуруҳ жамоасининг ривожланганлик ва тарбияланганлик даражасини баҳолаш

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич | Таълим муассасаси раҳбарияти билан лойиҳа асосида гуруҳ жамоасининг ривожланганлик ва тарбияланганлик даражаси тўғрисида суҳбат ташкил этиш | Суҳбат, кузатиш, анкета, жамоа фикрини ўрганиш, таҳлил, баҳолаш методларини қўллаш асосида гуруҳ жамоасининг ривожлан-ганлик ва тарбияланган лик даражасини баҳолаш |
| 2-босқич | Таълим муассасасининг педагогик жамоаси билан лойиҳа асосида гуруҳ жамоасининг ривожланганлик ва тарбияланганлик даражаси тўғрисида суҳбатлар ташкил этиш | |
| 3-босқич | Муассасанинг фан ўқитувчилари билан лойиҳа асосида гуруҳ жамоасининг ривожланганлик ва тарбияланганлик даражаси тўғрисида суҳбатлар ташкил этиш | |
| 4-босқич | Синф раҳбари билан лойиҳа асосида гуруҳ жамоасининг ривожланганлик ва тарбияланганлик даражаси тўғрисида суҳбатлар ташкил этиш | |
| 5-босқич | Гуруҳ ўқувчилар билан лойиҳа асосида гуруҳ жамоасининг ривожланганлик ва тарбияланганлик даражаси тўғрисида суҳбатлар ташкил этиш | |
| 6-босқич | Суҳбатлар жараёнида тўпланган маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш | |
| 7-босқич | Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш асосида гуруҳ жамоасининг ривожланганлик ва тарбияланганлик даражасини баҳолаш | |

## XV. Гуруҳ жамоаси ва жамоа аъзоларидан бирига тавсифнома тайёрлаш

<table>
<tr><td>1-босқич</td><td>Гуруҳ ўқувчиларнинг ташхис хариталари билан яқиндан танишиш</td><td rowspan="7">Суҳбат, савол-жавоб, анкета, кузатиш, таҳлил, жамоа фикрини ўрганиш, шахсга самарали таъсир ўрсатиш, шахс (жамоа)нинг ривожланганлик, тарбияланганлик даражасини баҳолаш методлари асосида гуруҳ жамоаси ва алоҳида ўқувчига тавсифнома тайёрлаш</td></tr>
<tr><td>2-босқич</td><td>Таълим муассасасининг раҳбарияти, педагогик жамоа, фан ўқитувчилари, синф раҳбари ва гуруҳ ўқувчиларидан гуруҳнинг уюшганлиги тўғрисидаги ёки алоҳида ўқувчи шахсини ёритувчи маълумотларни олиш</td></tr>
<tr><td>3-босқич</td><td>Гуруҳ жамоаси ва алоҳида танланган бир нафар ўқувчи тўғрисида қўшимча маълумотларни йиғиш</td></tr>
<tr><td>4-босқич</td><td>Гуруҳ жамоасини ва алоҳида танланган бир нафар ўқувчини ҳар томонлама ўрганиш</td></tr>
<tr><td>5-босқич</td><td>Гуруҳ жамоаси ва алоҳида танланган бир нафар ўқувчига тавсифнома тайёрлаш</td></tr>
<tr><td>6-босқич</td><td>Гуруҳ раҳбарининг гуруҳ жамоаси ва алоҳида танланган ўқувчига тайёрланган тавсифнома тўғрисидаги фикрини ўрганиш</td></tr>
<tr><td>7-босқич</td><td>Зарур ўринларда тавсифномани маълумотлар билан бойитиш ёки тавсифномада келтирилган далилларни қайта таҳлил қилиш</td></tr>
</table>

Амалиётчи-талабалар томонидан педагогик фаолият вазифаларининг юқорида келтирилган лойиҳалар ва механизмлар асосида ташкил этилиши уларнинг методик жиҳатдан тўғри уюштирилишини таъминлабгина олмай, шу билан бирга самарали бўлишига ҳам ёрдам беради. Қолаверса, келтирилган лойиҳа ва механизмлар бўлажак ўқитувчиларда педагогик вазифаларни бажаришга нисбатан масъулиятли ёндашувни қарор топтиради.

## ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ ДАВРИДА ЮРИТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

Талабаларнинг педагогик амалиётдаги фаолияти жорий тарзда ҳар кунги методик йиғилишларни ташкил этиш ёки маслаҳатлар бериш вақтида ҳисобга олинади. Педагогик амалиёт даврида талабалар оралиқ аттестациядан ўтказилиб борилади. Талабанинг педагогик амалиётидаги фаолиятига қўйиладиган умумий балл амалиёт якунларига кўра унинг рейтинг дафтарида қайд этилади.

Талаба педагогик амалиёт якунларига кўра амалиёт раҳбарига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

**Педагогик амалиёт якунида тақдим этиладиган ҳужжатлар:**
1. Педагогик амалиёт даври учун тузилган талабанинг шахсий режаси.
2. Талаба томонидан ихтисослик фани бўйича тузилган ўқув иш режаси.
3. Амалиётчи-талабанинг академик гуруҳ раҳбари сифатида тузган тарбиявий ишлар режаси.
4. Кундалик дафтар.
5. Педагогик амалиёт даврида талаба томонидан ташкил этилган тарбиявий тадбирларнинг сценарийлари, дарсдан ташқарида ташкил этилган маънавий-маърифий, ижтимоий-фойдали ишларнинг лойиҳалари.
6. Амалиётчи-талаба томонидан ўзаро кузатиш асосида олиб борилган ўқув машғулотлари, тарбиявий тадбирларнинг бир нечтаси юзасидан амалга оширилган педагогик-психологик ва услубий таҳлил.
7. Бир нафар ўқувчи шахси, академик гуруҳ жамоасига амалиётчи-талаба томонидан тайёрланган психологик-педагогик тавсифнома.
8. Педагогик амалиёт ташкил этилган умумий ўрта махсус таълим муассасаси маъмурияти томонидан амалиётчи-талабага берган тавсифнома.
9. Амалиёт бўйича талабанинг касбий-педагогик фаолияти юзасидан ҳисобот

Педагогик амалиёт ҳужжатлари талаба томонидан мазкур жараёнда унинг зиммасига юклатилган касбий-педагогик вазифаларни амалга оширишга доир топшириқлар, уларни ижобий ҳал этиш йўлида ташкил этилган амалий ҳаракатлар, қўлга киритилган ютуқлар, дуч келинган қийинчиликлар, якуний натижалари тўғрисида маълумот берувчи ҳужжатлар мажмуи саналади. Мазкур ҳужжатлар амалиётчи-талабанинг касбий-педагогик фаолияти натижасини ташхислашга имкон берадиган воситалар сифатида ҳам эътироф этилади. Зеро, уларнинг қандай юритилиши амалиётчи-талабанинг касбий педагогик фаолиятни бевосита ташкил этишга қай даражада тайёрлигидан далолат беради. Шу сабабли қуйида мазкур ҳужжатларнинг аҳамияти, моҳияти ва тузилмаси ҳақида сўз юритилади.

**I. Педагогик амалиёт даври учун тузилган талабанинг шахсий режаси.** Унда амалиёт даврида бажариладиган ўқув-тарбиявий характерга эга ишлар мазмуни, уларнинг бажарилиш муддатлар, амалиётчи-талаба томонидан олиб борилган касбий-педагогик фаолият кўринишлари (асосий ишлар) юзасидан амалиёт раҳбари, гуруҳ методисти, талаба бириктирилган ўқитувчи каби масъул шахсларнинг баҳолари, эътирозлари, талабанинг шахсий педагогик ва

тарбиявий фаолиятини мустақил таҳлил этишига доир қайдлари ифодасини топади (1-жадвал):

**1-жадвал. Педагогик амалиёт даври учун талаба индивидуал иш режасининг намунавий шакли**

Ф.И.О. ______________________________

Ихтисослик йўналиши ______________________________

Ўқув фанининг номи ______________________________

Умумий ўрта махсус таълим муассасаси ______________________

Академик гуруҳ босқичи ______________________________

| № | Ишлар мазмуни | Бажарилиш муддати | Педагогик амалиёт ўқитувчиси, гуруҳ методисти, факультет педагогик амалиёти раҳбари | Амалиётчи-талабанинг педагогик ва тарбиявий фаолиятини мустақил баҳолаши (ўз-ўзини таҳлил) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |
| ... | | | | |

**II. Талаба томонидан ихтисослик фани бўйича тузилган ўқув иш режаси.** Маълумки, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритувчи таълим муассасаларида ўқитиш ишлари режа ва дастур асосида ташкил этилади. Ўқув режаси – барча таълим муассасаларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат ҳужжати саналиб, у барча ўқув фанлари бўйича ишлаб чиқилади. Мазкур ҳужжатда узлуксиз таълим тизимининг қандай босқичи эканлигидан келиб чиқиб, синфлар (умумий ўрта таълим мактабларида), академик гуруҳлар (умумий ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида) бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув предметлари, улар учун ажратилган ҳафталик соатлар ҳажми кўрсатилади. Ўқув режаси муайян босқич, тур ва йўналишдаги таълим муассасалари учун умумий саналади. Ўқитувчилари умумий ўқув режаси асосида ўқув фанлари бўйича режаларга эга бўладилар. Ўқув режалари таълим муассасаларининг ихтисослик кафедралари, Республика Таълим маркази томонидан ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ тайёрланган ўқув дастурлари билан бирга тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланади. Умумий ўқув режаларида муайян йўналиш, босқичдаги таълим муассасаларида ўқитиладиган предметлар, уларни ўқитиш учун ажратилган соатлар ҳажми кўрсатилса, ҳар бир ўқув фани учун ҳам режалар мавжуд бўлиб, уларда мазкур фан бўйича ўқитиладиган мавзулар, машғулотларнинг турли ва уларга ажратилган соатлар миқдори берилади.

Педагогик амалиёт даврида талабаларга ихтисослик фани бўйича амалиёт базасида амал қилинаётган ўқув режасига мувофиқ ўқув иш режасини ишлаб чиқиш топшириғи ҳам берилади. Бундан бўлажак ўқитувчиларни ўқув режаси билан яқиндан таништириш, унинг талабларини қатъий бажариш кўникма, малакаларини шакллантириш мақсади кўзланади. Амалиётчи-талаба ўқув фани

бўйича амалиёт базаси амалиётида қўлланилаётган ўқув режаси асосида мустақил равишда ўқув ишчи режани ярата олиши лозим. Бу ўринда у мавзуларнинг мураккаблиги, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини инобатга олган ҳолда фан бўйича ажратилган соатларни мавзулар бўйича қайта тақсимлаб чиқиши мумкин.

Амалиётчи-талабалар томонидан ўқув ишчи режаси тузишлари учун қуйидаги схема тавсия этилади (2-жадвал):

**2-жадвал. Амалиётчи-талаба томонидан ишлаб чиқиладиган ўқув иш режасининг намунавий шакли**

Ф.И.О. ______________________________

Ихтисослик йўналиши ______________________________

Ўқув фанининг номи ______________________________

Умумий ўрта махсус таълим муассасаси ____________________

Академик гуруҳ босқичи ______________________________

| № | Бўлимлар ва мавзулар | Соатлар ҳажми (жами ХХХ) | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ўқув машғулотлари | Мустақил таълим | I семестр | II семестр |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| ... | | | | | |
| | Жами | | | | |

Сўнгги йилларда таълим муассасаларида мустақил таълимга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақил таълим ўқувчиларни изланишга, манбалар билан ишлашга, муаммони ўзининг билимларига таяниб ҳал қилишга ўргатади. Шу сабабли педагогик амалиёт даврида талабалар ихтисослик фани бўйича ўқув ишчи режани ишлаб чиқишда мустақил таълим учун ажратиладиган мавзуларни белгилаш, уларни бажаришга оид топшириқлар тизимини яратиш, мавзулар бўйича мустақил ўқиб-ўрганиш учун энг мақбул муддатларни белгилаш, ҳар бир мавзу учун вақт ҳажмини аниқлаш каби ўқув-педагогик вазифаларни ҳал қилишга эътиборни қаратишлари мақсадга мувофиқдир.

Амалиётчи-талабалар учун ихтисослик фани бўйича мустақил таълим мавзуларини аниқлаштириш ва уларни бажаришга оид қуйидаги схема тавсия этилади (3-жадвал):

**3-жадвал. Талабалар мустақил таълимининг мазмуни ва ҳажми**

| № | Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари | Мустақил таълимни ташкил этишга оид топшириқ ва тавсиялар | Бажариш муддати | Соатлар ҳажми |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |
| 4. | | | | |
| ... | | | | |

**III. Амалиётчи-талабанинг гуруҳ раҳбари сифатида тузган тарбиявий ишлар режаси.** Ҳар қандай таълим муассасаси фаолиятида икки йўналиш: таълим ва тарбия жараёни асосий таркибий қисмлар саналади. Таълим муассасаларида ўқув ва тарбия жараёни учун педагогик жамоа бирдек масъул. Бироқ, ўқув фанларининг самараси ва сифати асосан, фан ўқитувчиларининг зиммаларида бўлгани каби академик гуруҳлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар, уларнинг натижалари, қолаверса, гуруҳ ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари учун гуруҳ раҳбари асосий масъулиятли шахс ҳисобланади. Ўқувчиларни ҳар томонлама камол топтириш, уларда энг юксак инсоний фазилат, маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашда гуруҳ раҳбари қуйидаги шартларга амал қилиши керак:

- гуруҳ жамоаси, унга хос хусусиятлар, имкониятларидан тўла хабардор бўлиш;
- гуруҳнинг ҳар бир аъзосини яқиндан билиш, уларнинг шахсий хислатлари, психологик хусусиятлари, билим даражаси тўғрисида аниқ маълумотларни қўлга киритиш;
- жамоанинг умумий қизиқишлари, мақсад-интилишлари, ҳар бир аъзонинг қизиқиши, эҳтиёжи, қобилиятини тўғри баҳолай олиш;
- гуруҳ жамоасининг фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари, турли фанлар асосларини чуқур ўзлаштириш бўйича эришган ютуқлари, уларнинг асосларидан хабар бўлиш;
- жамоа ҳаёти, фаолиятига жиддий таъсир ўтказадиган омилларни аниқлаш;
- гуруҳ аъзолари мулоқотда бўладиган шахслар, уларнинг тоифалари тўғрисида умумий маълумотга эга бўлиш;
- жамоа аъзоларининг оилавий аҳволи билан яқиндан танишиш.

Таълим муассасалари амалиётида гуруҳ раҳбарининг “уч хил режаси ўзини оқлади, булар истиқболли режалар (узоқ муддатга мўлжаллаб тузилади, у айни пайтда гуруҳ, ундаги ҳар бир шахсни тарбиялашнинг умумий дастури ҳам бўлиб хизмат қилади), тақвим режа (одатда бир ой учун тузилиб, шу ойнинг ҳар бир куни учун мўлжалланадиган аниқ ишларни ўзида акс эттиради), алоҳида тарбиявий тадбир учун тузиладиган режа (баённома, баъзан у тарбиявий тадбирнинг сценарийси ҳам деб юритилади).

Режа қандай бўлишидан қатъий назар тарбиявий фаолият мазмунини, гуруҳ ўқувчилари жамоасининг ривожланиш истиқболини акс эттириши керак”[3].

Педагогик амалиёт даврида талабаларга бериладиган топшириқлардан бири – бу гуруҳ раҳбари сифатида тарбиявий ишлар режасини ишлаб чиқиш саналади. Амалиётчи-талабалар томонидан гуруҳ раҳбарининг маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга йўналтирилган фаолияти мазмуни билан танишиш, унинг тарбиявий ишлар режасини ўрганиш асосида муқобил режанинг ишлаб чиқилиши учун қуйидаги амалий тавсияларни бериш мақсадга мувофиқдир:

---

[3] Ҳайитов А. Синф раҳбари / Ўрта мактабларнинг синф раҳбарлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2008. – 38-бет.

**Гуруҳ раҳбари сифатида тарбиявий ишлар режасини ишлаб чиқиш юзасидан амалий тавсиялар:**

1. Гуруҳ раҳбарининг тарбиявий ишлар режаси билан яқиндан танишиб чиқинг.
2. Режада белгиланган тадбирларнинг гуруҳ ўқувчиларининг ёш, психологик ва шахсий хусусиятларига мослигини таҳлил қилинг.
3. Режага киритилган тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти, тадбирлар ўртасидаги ўзаро изчиллик, алоқадорлик мавжудлигини баҳолашга уриниб кўринг.
4. Гуруҳ ўқувчиларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятларини батафсил ўрганишга эътибор қаратинг.
5. Ўқувчиларнинг оилавий шароитлари билан танишиш.
6. Гуруҳ жамоасига хос хусусиятларни аниқлаш.
7. Ўқувчиларининг қизиқиш ва эҳтиёжлари билан қизиқинг.
8. Тўплаган маълумотларни таҳлил қилинг.
9. Таҳлил асосида гуруҳ жамоасининг умумий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тарбиявий ишлар режасини ишлаб чиқинг.
10. Тузган режангиз ҳақида педагогик амалиёт ва академик гуруҳ раҳбарлари билан фикр алмашинг

Амалиётчи-талабалар тарбиявий ишлар режасини ишлаб чиқишда қуйидагилар шартларни инобатга олишлари лозим[4]:

**Тарбиявий ишлар режасини ишлаб чиқишда амал қиинадиган шартлар:**

1. Режанинг мазмунига кўра ғоявий-сиёсий, ижтимоий-фойдали йўналишга қаратилганлигига, яъни, жамият ва бошқариш учун аҳамиятли тадбирларнинг ўрин олишига алоҳида эътибор бериш.
2. Режадаги ишларнинг аниқ, умумий мақсадга бўйсундирилган, бажарувчилари, вақти, иш шакли кўрсатилган бўлиши.
3. Тарбиявий фаолият йўналишлари, ўқувчиларга таъсир этиш воситаларини мақсадга мувофиқ танлаш, яъни, режада мўлжалланаётган ишларнинг нимага ва кимга қаратилганлигини аниқлаш.
4. Режада тадбирларни белгилашда ўқувчиларнинг бўш вақтларини, уларнинг ёш, психологик хусусиятларини инобатга олиш.
5. Тадбирларни белгилашда ўқувчиларнинг қизиқишлари, эҳтиёжларидан келиб чиқиш.
6. Мўлжалдаги ишларни бажаришда бутун жамоа ва алоҳида ўқувчилар иштирокини ҳисобга олиш.
7. Бажариладиган ишларнинг аввалдан гуруҳ жамоасига маълум қилиниши

[4] Юқорида кўрсатилган манба. – 38-бет.

Педагогик амалиётни ташкил этишда талабалар томонидан гуруҳ раҳбари сифатида тарбиявий ишлар режасининг самарали ишлаб чиқилиши учун уларнинг эътиборларига қуйидаги схемани тавсия этиш мақсадга мувофиқдир (4-жадвал):

**4-жадвал. Амалиётчи-талабанинг гуруҳ раҳбари сифатида тузган тарбиявий ишлар режасининг схемаси**

| № | Бажариладиган ишлар мазмуни ёки тадбирлар номи | Шакли | Бажарилиш муддати | Масъул шахс | Тадбир таҳлили ва педагогик хулоса |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| 3. | | | | | |
| ... | | | | | |

**IV. Кундалик дафтар.** Амалиётчи-талабанинг амалиёт давридаги педагогк фаолиятига хос барча жиҳатларни ёритишда муҳим восита саналади, унда педагогик фаолиятмазмуни аниқ белгилиланган талабларга мувофиқ ёритилади. Кундалик дафтар нашр маҳсулоти бўлиб, унда аниқ мезонлар ўз аксини топган. Қуйида кундалик дафтарда ёритиладиган асосий ҳолатлар юзасидан маълумотлар берилади (5-жадвал):

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Тарих факультети

**ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ КУНДАЛИГИ**

_______________________________________________

(Фамилияси, исми, отасининг исми)

______ босқич _______гуруҳ

**Педагогик амалиёт кундалигининг бош саҳифаси**

1. Фамилияси ________________________________________________
2. Исми_____________________________________________________
3. Отасининг исми _____________________________________________
3. Факультет ________________________________________________
4. Босқич ___________________________________________________
5. Гуруҳ____________________________________
6. Амалиёт олиб борилган таълим муассасаси ___________________
7. Педагогик амалиёт раҳбари _________________________________
8. Факультет раҳбари __________________________________________
9. Амалиёт олиб борилган муассаса раҳбари ___________________
10. Амалиёт олиб борилган муассаса
раҳбарининг ўринбосари ________________________________
11. Академик гуруҳ раҳбари _________________________________
12. Ўқув режаси бўйича амалиёт муддати:
2011 йил “____”_____________дан “____”_______________гача

**Педагогик амалиёт кундалигининг иккинчи саҳифаси**

1. Ўқув муассасасидаги қўнғироқлар жадвали
2. Академик гуруҳ дарсларининг жадвали
3. Академик гуруҳ ўқувчиларининг рўйхати
4. Педагогик амалиёт даври учун ишлаб чиқилган индивидуал режа
5. Амалиётчи-талаба ишининг ҳафталик ҳажми
6. Ихтисослик фани бўйича яратилган ЎММнинг қисқача таҳлили
7. Ихтисослик фани хонасининг жиҳозланиши юзасидан таҳлил
8. Ихтисослик фани бўйича кузатилган дарслар таҳлил
9. Ихтисослик фани бўйича амалиётчи-талаба томонидан ташкил этилган дарс лойиҳаси
10. Амалиётчи-талаба томонидан дарсдан ташқарида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбир лойиҳаси (сценарийси)
11. Бажарилган ишларнинг қисқача мазмуни
12. Педагогик амалиётни ташкил этилиши юзасидан хулоса ва тавсиялар

Педагогик амалиёт раҳбарининг имзоси: __________________

**Педагогик амалиёт кундалигининг мазмуни**

**5-жадвал. Амалиёт даврида бажарилган ишларнинг қисқача мазмуни**

| Сана | Бажарилган ишлар мазмуни | Бажарилган ишлар таҳлили |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |

Педагогик амалиёт кундалигида талабалар томонидан ташкил этилган синов ва очиқ дарсларнинг лойиҳалари, машғулот учун тайёрланган кўргазмали қуроллар (плакатлар, стендлар, макетлар, моделлар, суратлар, график ишлар ва бошқалар), овозли ёзувлар, визуал материаллар (видео ёзувлар, диафильмлар, слайдлар, тақдимот)нинг қисқача моҳияти ҳам ёритилади.

**V. Педагогик амалиёт даврида талаба томонидан ташкил этилган тарбиявий тадбирларнинг сценарийлари, дарсдан ташқарида ташкил этилган маънавий-маърифий ва ижтимоий-фойдали ишларнинг лойиҳалари.** Юқорида айтиб ўтилганидек, тарбиявий ишлар жараёни ҳар қандай таълим муассасаси фаолиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, уни ташкил этишга нисбатан масъулиятли ёндашув талаб этилади.

Амалиётчи-талабаларнинг дарсдан ташқари шароитларда ташкил этиладиган педагогик фаолиятлари муайян методик талабларга жавоб бера олиши лозим. Педагогик амалиётнинг бошланғич босқичидаёқ талабалар бу борадаги методик талаблар билан яқинлан таништириладилар. Дарсдан ташқари шароитда педагогик фаолиятни олиб боришда талабалар қуйидаги методик талабларга риоя этишлари лозим:

**Дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этишга қўйиладиган талаблар:**

1) дарс ва дарсдан ташқари фаолият ўртасида ўзаро алоқани таъминлаш;
2) тадбирлар учун мавзуларни янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мос келишига эътиборни қаратиш;
3) дарсдан ташқари тадбирлар мавзуларини аниқлашда ўқувчиларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олиш;
4) ўқувчиларнинг дарсдан ташқари тадбирларда ҳеч қандай мажбурловларсиз, ихтиёрий қатнашишларига эришиш;
5) тадбирларнинг юксак ижтимоий-ғоявий мазмунга эга, уларда фойдаланилган материалларнинг ахборотларга бой бўлишини таъминлаш;
6) тадбирларнинг қизиқарли шаклларда уюштириш;
7) тадбирларга гуруҳ ўқувчиларининг барчасини фаол жалб этиш, улар томонидан зиммаларига юклатилган вазифаларнинг тўла бажарилишини назорат қилиш;
8) ҳар бир тадбирнинг аниқ мақсадга мувофиқ ташкил этилишига эришиш ва унинг йўналтирилганлигини таъминлаш

Юқорида баён этилган талаблардан бири дарсдан ташқари тадбирларнинг турли шаклларда қизиқарли ташкил этилишидир. Амалиётчи-талабалар дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этишда мазкур талабни инобатга олишлари зарур. Педагогик амалиётнинг бошланғич босқичида университет педагогика кафедралари томонидан бириктирилган мутахассислар талабаларнинг дарсдан ва таълим муассасасидан ташқари шароитларда ташкил этиладиган амалий-тарбиявий фаолият шакллари тўғрисидаги мавжуд билимларни мустаҳкамлашлари лозим. Бу ўринда мутахассис амалиётчи-талабаларни қуйидаги маълумотлар билан таништиради:

**Дарсдан ташқари тадбирларнинг ташкилий шакллари**

Дарсдан ташқари тадбирлар ташкил этилишига кўра оммавий, гуруҳли ва индивидуал характерга эга бўлиб, турли шаклларда уюштирилади

Оммавий тадбирлар икки гуруҳга бўлинади:
1) эпизодик (доимий бўлмай, баъзан ташкил этиладиган) ва даврий (маълум тарихий саналар муносабати билан ташкил этиладиган);
2) доимий ташкил этиладиган.

**Эпизодик ва даврий оммавий тадбирлар:** фан ҳафталиклари, кечалар, фан олимпиадалари, викториналар, кўриклар, танловлар, спорт мусобақалари, конференциялар, “Қувноқлар ва зукколар” ўйини, битирув кечалари ва ҳоказолар

**Доимий ташкил этиладиган оммавий тадбирлар:** барча (алоҳида) академик гуруҳларнинг йиғилишлари, муассаса радиосидан узатиладиган эшиттириш, барча гуруҳлари ўртасида ташкил этиладиган ойлик танловлар ва бошқалар

Тадбирларнинг шакллари уларнинг мавзуси, йўналиши, мақсади, ташкил этилиш учун шароитлар мавжудлигидан келиб чиқиб белгиланади, бироқ, улар доимий ташкилий таркибий тузилмага эга бўлмайди; тадбирларнинг мавзуси муҳим саналар, фан ёки ижодий тўгаракларнинг ҳисоботи, факультатив машғулотлар, бадиий кечалар, таълим муассасаси ёки академик гуруҳлар учун аҳамиятли бўлган анъаналар асосида танланади; айрим эпизодик ва даврий тадбирлар (мас., фан олимпиадалари ва ҳафталиклари) доимий тадбирлар сифатида ташкил этилиши ҳам мумкин

**Гуруҳли оммавий тадбирлар:** тўгараклар, клублар, илмий жамиятлар, спорт жамоаларининг фаолияти, гуруҳ жамоасига хос анъаналарни нишонлаш, гуруҳ бўлиб экскурсия, саёҳатларга чиқиш, деворий газета чиқариш, давра суҳбатлари, дебатлар ташкил этиш

**Индивидуал оммавий тадбирлар:** ихтисослик фани ёки педагогик мавзуларда маъруза, реферат ёки мақола тайёрлаш, ўйинларда иштирок этиш учун ролни ёдлаш, республика, вилоят, туман ва шаҳар миқёсида ташкил этиладиган турли танловларга тайёргарлик кўриш

**Дарсдан ташқари тадбирларнинг**
**ташкилий-технологик тузилмаси**

1. Тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан таълим муассасасининг маъмурияти, академик гуруҳ раҳбари, гуруҳ методисти билан маслаҳатлашиш.
2. Тадбирнинг мавзуси ва уюштириладиган санани белгилаш.
3. Тадбирнинг дидактик, тарбиявий ривожлантрувчи мақсадларини белгилаш.
4. Тадбирнинг ўтказилиш шаклини аниқлаш.
5. Тадбирнинг лойиҳаси (сценарийси)ни ишлаб чиқиш.
6. Тадбирни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитани сайлаш.
7. Тадбирда фойдаланиладиган материаллар (дидактик материаллар тўплами)ни тўплаш.
8. Ўқувчилар ўртасида ролларни тақсимлаш, уларга зарур топшириқларни бериш.
9. Тадбир ташкил этиладиган жойни безатиш (жиҳозлаш).
10. Тадбирга таклиф этиладиган меҳмонларни аниқлаштириш ва таклифномаларни тайёрлаш.
11. Агарда зарур бўлса, стендларни тайёрлаш.
12. Тадбир якунини ташкил этиш юзасидан аниқ қарорга келиш (иштирокчиларга миннатдорчилик билдириш, фаол иштирокчиларни тақдирлаш, совғалар улашиш).
13. Тадбирнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши юзасидан таҳлилни амалга ошириш
14. Тадбир якунлари умумий хулосага келиш

Таълим муассасаларида уюштириладиган ҳар қандай тадбирнинг самарадорлиги унинг ташкилий-методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштирилиши ва ўтказилишига боғлиқ. Амалиётчи-талабалардан маънавий-маърифий ва ижтимоий-фойдали тадбирларни ташкил этишда ички имкониятни, шунингдек, таълим муассасаси эга бўлган шарт-шароитларни инобатга олишлари талаб қилинади. Қолаверса, улар дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этишда оммавий, гуруҳли ва индивидуал шакллардан фойдаланишлари мумкин. Тадбирларнинг шакли факультет талабаларининг ўзаро кенгашишлари, қабул қилинган якуний қарорга мувофиқ ташкиллаштирилади. Педагогик амалиётнинг бошланғич ва асосий босқичда амалиётчи-талабалар ўзлари бириктирилган гуруҳлар билан бирга алоҳида-алоҳида тадбирларни уюштирсалар ҳам амалиёт базаси бўлган таълим муассасасида мазкур жараённинг якунланиши муносабати билан оммавий равишда якуний тадбирни

ташкил этишлари мақсадга мувофиқдир. Оммавий тадбирларни ташкил этиш масъулиятли, мураккаб жараён бўлганлиги сабабли уларни уюштиришга нисбатан жиддий ёндашишлари талаб қилинади. Бу ўринда амалиётчи-талабаларга қуйидаги методик тавсияларни бериш зарур:

**Дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар:**

1. Тадбир мавзусини танлашда унинг долзарблигига эътибор қаратинг.
2. Танланган мавзунинг ўқувчилар қизиқишлари, ёш хусусиятлари, ихтисослик фани бўйича билим даражаси ёки ижтимоий-педагогик масалалар моҳиятини қанчалик тушунишларини инобатга олинг.
3. Тадбирнинг имкон қадар ихтисослик фани ўқув дастурига мос келишини таъминланг.
4. Гуруҳ ўқувчиларини тадбирни тайёрлаш ва ўтказишга оммавий, фаол жалб этиш чора-тадбирларини белгиланг.
5. Танланаётган шакл, метод ва воситаларнинг тадбир мақсадига ўзаро мувофиқ келишига эътибор қаратинг.
6. Қўйилган асосий ва хусусий мақсадларнинг барчасини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур шароитни яратинг.
7. Муҳокама асосида тадбир самарасининг ўқувчилар, таълим муассасаси педагогик жамоаси ва педагогик амалиёт методистлари томонидан баҳоланишига эришинг

Методик қўлланманинг кейинги ўринларида амалиётчи-талабалар учун тарбиявий тадбирлар сценарийлари, дарсдан ташқарида ташкил этилган маънавий-маърифий машғулотларнинг ишланмаларидан намуналар келтирилади.

**VI. Амалиётчи-талаба томонидан ўзаро кузатиш асосида олиб борилган ўқув машғулотлари, тарбиявий тадбирларнинг бир нечтаси юзасидан амалга оширилган педагогик-психологик ва услубий таҳлили**. Дарсни методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш амалиётчи-талабанинг педагогик фаолиятига қўйиладиган муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Мазкур талабни бажара олишлари учун талабалар ихтисослик фани бўйича таълим муассасаси ўқитувчиларининг дарсларини бир неча марта кузатишлари керак. Чунки, дарсни кузатиш ва уни таҳлил қилиш жараёнида чиқарилган хулосалар амалиётчи-талабаларга мустақил дарс ташкил этишлари учун “пойдевор” бўлади. Бу ўринда талабаларнинг эътиборларига дарсни таҳлил қилишга оид

қуйидаги схема тавсия этилади:

**Кузатиш асосида дарсларни таҳлил қилиш:**

1. Дарснинг ташкил этилиш санаси ва унинг мавзулар рўйхатидаги ўрни.
2. Дарс мавзуси. ва дарсда ўқувчиларга бериладиган ўқув материали.
3. Дарснинг тури (шакли).
4. Дарснинг мақсади.
5. Дарсда ҳал этиладиган вазифалар.
6. Дарс босқичлари ва уларнинг давомийлиги:

а) ташкилий босқич;

б) уй вазифаларини текшириш;

в) янги мавзуни баён қилиш/ намойиш этиш;

г) янги мавзуни мустаҳкамлаш;

д) ўқувчиларнинг янги мавзуни пухта ўзлаштиришларини машқ қилиш;

е) дарс якуни, ўқувчиларни баҳолаш;

ж) уй вазифасини тушунтириш.

7. Дарснинг умумий муҳитини баҳолаш.
8. Ўқувчилар фаоллиги ва таълим усулларининг қўлланилишини баҳолаш.
9. Ўқитувчининг билим даражаси ва педагогик маҳоратини баҳолаш.
10. Қўйилган мақсадга эришилганлик хусусидаги хулосалар

Амалиёт даврида талабалар томонидан олиб бориладиган ўзаро дарс кузатиш ва кузатилган дарсларни назарий жиҳатдан тўғри таҳлил қилинишини таъминлаш мақсадида уларнинг эътиборларига қуйидаги тавсиялар ҳавола қилинади:

**Кузатилган дарсларни тўғри таҳлил қилиш юзасидан тавсиялар:**

1. Ўқувчиларнинг жавоблари асосида дарснинг хусусий ва жузъий мақларига эришилганлик, уларга мувофиқ равишда белгиланган педагогик вазифаларнинг бажарилганлигини баҳоланг.

2. Педагогик мақсадлар (таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи) характери ўртасидаги қонуниятларни, шунингдек, дарс вазифалари ва уларнинг мавзуни ўрганишдаги ўрнини аниқланг.

3. Дарс босқичларининг белгиланган мақсад ва вазифаларга мос келишини аниқланг.

4. Машқларнинг бажарилиш давомийлиги билан кўникма ва малакаларни шакллантириш босқичлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни белгиланг.

5. Машқларнинг мувофиқлигини қуйидаги ҳолатлар бўйича аниқланг:

а) таянч тушунчалар, муҳим қоида ва таърифлар моҳиятини англатишга йўналтирилувчи машқлар билан талабалар томонидан уларнинг назарий жиҳатдан таърифланишини таъминловчи машқлар ўртасида;

б) назарий билимларнинг ўзлаштирилишига хизмат қилувчи машқлар билан амалий кўникма, малакаларни ҳосил қилишга йўналтирилган машқлар ўртасида;

в) аввал ўзлаштирилган назарий билимларни мустаҳкамловчи машқлар билан янги мавзу моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи машқлар ўртасида;

г) аввал ўзлаштирилган кўникма, малакаларни янада мустаҳкамловчи машқлар билан янги кўникма ва малакаларни ҳосил қилувчи машқлар ўртасида.

6) дарсда вақтнинг қуйидаги ҳолатлар бўйича тақсимланишини таҳлил қилинг:

а) таълимий фаолиятнинг турли шакллари;

б) ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилган мулоқот:

в) белгиланган вазифаларнинг бажарилиши

Амалиёт даврида, шунингдек, талабаларнинг эътиборларига улар томонидан ташкил этилган дарсдан ташқари тадбирлар самарадорлигини таҳлил қилиш мезонлари ҳавола этилади. Улар қуйидагилардан иборат:

**Дарсдан ташқари тадбир самарадорлигини баҳолаш мезонлари:**

1. Тадбир мавзусининг долзарблиги.
2. Танланган мавзунинг ўқувчилар қизиқишлари, ёш хусусиятлари, ихтисослик фани бўйича билим даражасига мос келиши.
3. Тадбирнинг ихтисослик фани ўқув дастурига мос келиши.
4. Гуруҳ ўқувчиларининг тадбирни тайёрлаш ва ўтказишга оммавий, фаол жалб этилиши.
5. Танланаётган шакл, метод ва воситаларнинг тадбир мақсадига мувофиқ келиши.
6. Қўйилган мақсадларга эришиш учун шароитнинг мавжудлиги.
7. Тадбир самарасининг ўқувчилар, таълим муассасаси педагогик жамоаси ва педагогик амалиёт методистлари томонидан ижобий баҳоланиши

**VII. Бир нафар ўқувчи шахси ва академик гуруҳ жамоасига амалиётчи-талаба томонидан тайёрланган психологик-педагогик тавсифнома.** Таълим муассасасида фаолият юритувчи педагог кадрларнинг ҳар бир ўқувчи ва у мансуб бўлган жамоа тўғрисида муайян даражада маълумотларга эга бўлишлари лозим. Бироқ, академик гуруҳларнинг раҳбари фан ўқитувчиларидан фарқли равишда ўзи раҳбарликни олиб бораётган жамоа ва унинг аъзолари бўлган ўқувчилар тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлиши шарт. Жамоа, жамоа ўқувчилари тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлиш учун гуруҳ раҳбари педагогик кузатиш, суҳбат, савол-жавоб, шахсга хос сифатларни аниқлашга имкон берадиган ташхис методларидан самарали фойдаланади. Гуруҳ раҳбарининг бу борадаги педагогик фаолияти икки йўналишда ташкил этилади. Яъни: 1) кузатиш, суҳбат, савол-жавоблар, ташхис методларининг бевосита, шахсан гуруҳ раҳбари томонидан қўлланилиши; 2) жамоа, жамоа аъзоларининг гуруҳ раҳбари томонидан билвосита ўрганилиши, унда гуруҳ раҳбари жамоа, унинг аъзолари тўғрисидаги маълумотларни аввалги гуруҳ раҳбари, педагогик жамоа, таълим муассасаси раҳбарияти, ёшлар ташкилотининг фаоллари, ота-оналар ва тенгдошлар томонидан олиши мумкин; шунингдек, мазкур жараёнда таълим муассасасида сақанаётган жамоа ва унинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар ҳам самарали восита бўла олади.

Амалиёт даврида талабаларга гуруҳ раҳбари сифатида жамоа, унинг аъзоларини ўрганиш топшириғи ҳам берилади. Топшириқни бажариш учун талабаларнинг эътиборларига қуйидаги схемани тавсия этиш улар томонидан

ёзиладиган тавсифномаларнинг мантиқий мазмунга эга бўлишини таъминлайди:

**Гуруҳ жамоасига ёзиладиган тавсифнома схемаси**

**1. Гуруҳ жамоасининг таълим муассасаси жамоасида тутган ўрни.**

**2. Гуруҳ жамоасининг таркибий тузилмаси** (гуруҳ фаоллари, етакчиси ва жамоатчи ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар).

**3. Гуруҳ жамоасининг ўқув фаолияти** (гуруҳ аъзоларининг давомати, таълим олишга бўлган муносабатлари, таълим жараёнида эришаётган ютуқлари, муаммолар ва уларни ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлар мазмуни).

**4. Гуруҳ жамоасининг ижтимоий-фойдали меҳнат жараёнидаги иштироки** (ижтимоий-фойдали меҳнат жараёнидаги уюшқоқлик, ўзаро ёрдамнинг кўрсатилиши, ягона мақсад сари интилиш).

**5. Гуруҳ жамоасининг мавжуд тартиб-қоидаларга амал қилиши** (таълим муассасасига ўқув формасида келиш, одоб-ахлоқ меъёрлари ва ички тартиб-интизом қоидаларига риоя қилиш).

**6. Гуруҳ жамоасининг ижтимоий мақсадлари** (ҳар бир аъзо эҳтиёжининг жамоа манфаатлари билан уйғунлиги, жамоа фикрининг ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги).

**7. Жамоадаги психологик муҳит моҳияти** (жамоанинг ўз анъаналарига эгалиги, умумий кайфияти, ягона бирликнинг мавжудлиги, ўқувчилар намуна оладиган субъектлар номи).

**8. Гуруҳ жамоасида мусобақа кайфиятининг мавжудлиги** (жамоанинг ҳар бир ўқувчига нисбатан таъсири, салбий рақобат (гуруҳбозлик, бир-бирларини алдаш, кўра олмаслик, ёлғон гапларнинг кўп гапирилиши, бузғунчилик каби ҳолатларнинг мавжудлиги).

**9. Жамоа аъзоларининг шахсига қисқача тавсиф** (айрим ўқувчилар шахсига тавсиф бериш, гуруҳ ўқувчиларининг жамоада тутган ўрни, ўқувчилар томонидан бажариладиган ижтимоий роллар таҳлили, айрим ўқувчиларнинг жамоага бўлган таъсири).

**10. Гуруҳ жамоасининг ёш, психологик хусусиятлари** (ўспиринларга хос хусусиятларни намоён этишлари, улар феъл-атворидаги ижобий жиҳатлар ва салбий нуқсонлар).

**11. Жамоадаги шахслараро муносабатлар мазмуни** (ўртоқлик, дўстликнинг ривожланганлиги, доимо бир-бирларига ёрдам кўрсатишга тайёр туриш, жамоада соғлом рақобатнинг мавжудлиги).

**12. Гуруҳ жамоасига ижтимоий муҳит, ота-оналар ҳамда жамоатчиликнинг таъсири** (ижтимоий муҳит, ота-оналар ҳамда жамоатчиликнинг гуруҳ ҳаётига фаол таъсир кўрсатиши, улар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг мавжудлиги).

**13. Гуруҳ жамоасига хос бўлган энг муҳим хусусиятла**р (энг муҳим ижобий ва салбий хусусиятлар).

**14. Жамоа ёки жамоа ўқувчиларининг ижтимоий фаоллик даражаси** (таълим муассасасининг ижтимоий ҳаёти (турли тадбирлар, шанбаликлар)да фаол иштирок этишлари.

**15. Гуруҳ жамоаси фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар.**

## Ўқувчи шахсига ёзиладиган тавсифнома схемаси

**1. Ўқувчи тўғрисидаги умумий маълумотлар** (ўқувчининг фамилияси, исми, туғилган йили, ўқийдиган гуруҳи, умумий жисмоний ривожланиш ҳолати, соғлиги даражаси).

**2. Оилавий шароити** (оиланинг ҳаёти, турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари).

**3. Ўқувчининг таълим муассасаси ва жамоага муносабати** (жамоа билан ўзаро, шунингдек, таълим муассасаси ва таълим олишга бўлган муносабати.

**4. Ўқувчининг жамоадаги ўрни ва роли** (гуруҳдошлари томонидан шахс сифатида тан олинганлиги, жамоада обрў-эътиборга эгалиги, жамоага тааллуқли масалалар юзасидан қарор қабул қилишдаги иштироки, жамоа фаолиятига кўрсатадиган таъсири, гуруҳ жамоада обрў-эътиборга эгалигининг асослари).

**5. Қобилиятининг намоён бўлиши** (ижтимоий, гуманитар ёки табиий фанларни ўзлаштиришга бўлган қобилият, спортнинг маълум тури (футбол, баскетбол, волейбол, сузиш, кураш, бадиий гимнастика ёки енгил атлетика), бадиий ҳаваскорликнинг муайян йўналиши (бадиий сўз санъати (назм ёки насрда ижод қила олиш), рассомлик, рақс, театр, чолғу, қўшиқ ёки цирк ижрочилиги), ҳунармандчилик (каштачилик, зардўзлик, дурадгорлик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик) бўйича қобилиятга эгаликни намоён эта олиши).

**6. Характернинг умумий сифатлари:**

1) иродавий сифатлари (кучли иродага эгалик, қатъиятлилик, барқарорлик, ўзини тута билиш, дадиллик, матонатлилик, ўзига нисбатан талабчанлик, ўз кучи ва имкониятига ишонч, ташаббускорлик, ташкилотчилик, масъулият ҳисси ва оптимистик кайфиятга эгалик);

2) ахлоқий сифатлари (одоб-ахлоқ меъёрлари, таълим муассасасининг ички қоидаларига риоя қилиши, жамоа манфаати учун кураша олиши, тенгдошларига ёрдам кўрсатиши, очиқ кўнгиллиги, муомала маданиятига эгалиги, ростгўйлик, жамоа ва Ватан манфаатлари учун курашиш, самимийлик, меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, ўз-ўзини баҳолай олиши, ўз қадрини билиши, камтарлик, хушмуомалалик ва ҳоказолар).

**7. Шахс йўналиши (**касбий йўналишнинг тўғри танлаганлиги, касбий лаёқат ва қобилиятга эгалик**).**

**8. Психик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари** (сезги, ҳиссиёт, диққат, мрода, идрок, хотира ва тафаккурнинг ривожланганлик даражалари).

**9. Шахс тузилишининг биологик асоси** (асаб тизимининг мустаҳкамлиги, юрак, қон-томир, суяк-таняч тизимининг мўътадил ривожланганлиги, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш органлари фаолиятининг мўътадил ишлаши).

**10. Таълим олиш даражаси:** 1) фанларни ўзлаштира олиши, билим даражаси; 2) билим доираси, кўп ўқиши.

**11. Интизомлиги** (давомати, таълим жараёнида ўзини тутиши, берилган топшириқларни ўз вақтида бажариши, ижтимоий-фойдали меҳнат жараёнидаги иштироки).

**VIII. Педагогик амалиёт ташкил этилган умумий ўрта махсус таълим муассасаси маъмурияти томонидан амалиётчи-талабага берган тавсифнома**. Талабанинг амалиёт давридаги педагогик фаолияти у бириктирилган гуруҳ раҳбари томонидан баҳоланиб, тавсифнома шаклида олий таълим муассасасига тақдим этилади. Амалиётчи-талабага берилган тавсифнома таълим муассасасининг раҳбари томонидан имзоланади ва мухр билан тасдиқланади. Талабага бериладиган тавсифномада қуйидаги ҳолатларнинг инобатга олиниши муҳимдир:

**Амалиётчи-талабага бериладиган тавсифнома**

1. Талабанинг педагогик амалиёт жараёнидаги иштироки (таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларига риоя этиши, таълим муассасасига белгиланган кунларда ўз вақтида келиши ва кетиши, тартиббузарлик ҳолатларини содир этган ёки этмаганлиги).
2. Талабанинг ўқув машғулотларини ташкил этишга ёндашуви, дарсларни методик жиҳатдан тўғри ташкил этиши, дарсларда замонавий педагогик технологияларидан фойдалана олиши.
3. Талабанинг дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни ташкил этиш қобилияти, тадбирларни ташкилий-технологик ва методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштириши.
4. Талабанинг ўзаро дарс кузатишдаги фаоллиги, кузатилган дарслар таҳлили жараёнида ўз фикрларини баён эта олиши.
5. Талабанинг дарсдан ташқари тадбирлар таҳлилини ташкил этишдаги мустақиллиги, фаоллиги ва таклифлар билдира олиши.
6. Талабанинг гуруҳ жамоаси ва ҳар бир ўқувчи билан муносабати, улар билан ишлашдаги эркинлиги ва ташаббускорлиги.
7. Талабанинг гуруҳ раҳбари фаолиятини яқиндан ўрганганлиги.
8. Талабанинг таълим муассасаси ҳужжатлари билан яқиндан танишганлиги.
9. Талабанинг мустақил равишда ўқув ва тарбиявий ишлар режасини технологик жиҳатдан ишлаб чиқа олиши.
10. Талабанинг педагогик фаолиятга нисбатан ижодий ёндашуви

**IX. Амалиёт бўйича талабанинг касбий-педагогик фаолияти юзасидан ҳисобот**. Ҳисобот талаба томонидан амалиёт даврида олиб борилган умумий педагогик фаолият мазмунини ёритувчи, педагогик топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида тўлиқ, батафсил маълумот берувчи муҳим ҳужжат саналади. Ҳисобот ўз моҳиятига кўра талабанинг педагогик амалиёт давридаги ҳар бир педагогик фаолият, методик ишларини қамраб олади. Ана шу жиҳатига кўра у талаба фаолиятини объектив баҳолашга имкон берадиган муҳим воситалардан бири саналади. Шу сабабли ҳисоботни тайёрлаш талабадан масъулиятли ёндашувни талаб этади.

Амалиёт даврида педагогика, психология ва ихтисослик фани методистлари талабаларга ҳисоботни тайёрлаш юзасидан зарур маслаҳатларни беришлари лозим. Айни ўринда амалиётчи-талаба томонидан тайёрланадиган ҳисоботнинг намунавий схемаси тақдим этилади:

**Педагогик амалиётнинг ташкил этилиши тўғрисидаги ҳисобот**

1. Амалиётчи-талабанинг фамилияси________________________________
2. Исми______________________________________________________
3. Отасининг исми _____________________________________________
4. Факультет _________________________________________________
5. Босқич ____________________________________________________
6. Амалиёт олиб борилган таълим муассасасининг номи ______________
7. Педагогик амалиёт муддати ____________________________________
8. Амалиётчи-талаба ташкил этган ўқув машғулотларининг сони, машғулотлар олиб борилган ўқув дастурининг бўлимлари ________________
9. Дарсларни ташкил этишда амалиётчи-талаба дуч келган қийинчиликлар, уларнинг сабаблари ____________________________________
10. Амалиётчи-талаба томонидан дарсдан ташқари машғулотларнинг сони, тадбирларни ташкил этишда мақсадга эришилганлик даражаси ______
11. Гуруҳ раҳбарининг ҳамкорлиги ёки мустақил равишда ўқувчилар билан олиб борилган тарбиявий ишлар _________________________________
12. Таълим муассасасининг ўқитувчилар, тенгдошлари томонидан ташкил этилган дарсларни кузатиш натижаси ва таҳлили _________________
13. Кузатилган дарслар таҳлилини амалга оширишда дуч келинган қийинчиликлар, уларнинг сабаблари ____________________________________
14. Гуруҳ жамоаси ва жамоа аъзолари шахсини ўрганишда ўзлаштрилган янги билим, кўникмалар _______________________________
15. Амалиётчи-талаба томонидан ўрганилган ҳужжатлар ______________
16. Фаолияти ўрганилган ўқувчилар ташкилотининг номи, ташкилот фаолиятини ўрганишда иш кўрилган мезонлар, ўзлаштирилган тарбиявий ишлар технологияси ____________________________________________________
17. Педагогик амалиётнинг амалиётчи-талаба томонидан касбий сифатларни ўзлаштиришдаги ўрни, роли ва аҳамияти тўғрисидаги умумий хулосалар ______________________________________________________________
18. Амалиётчи-талабанинг педагогик амалиёт дастурини, университет ва амалиёт базаси бўлган таълим муассасасининг педагогик жамоаси томонидан олиб бориладиган раҳбарликни такомиллаштириш юзасидан шахсий фикр-мулоҳазалари _______________________________________________
19. Ҳисобот тайёрланган сана ва амалиётчи-талабанинг имзоси ________

Педагогик амалиёт сўнггида ҳисоботни тайёрлашгина эмас, балки уни расмийлаштириш ҳам муҳим саналади. Ҳисоботни расмийлаштиришда қуйидаги шартларга риоя этиш мақсадга мувофиқдир:

**Ҳисоботни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар:**

1. Ҳисобот компьютерда 14 ўлчамли шрифтда тайёрланиши ва унинг ҳажми 5-7 саҳифадан кам бўлмаслиги керак.

2. Ҳисоботда амалиётчи-талабанинг ўзи томонидан мустақил ташкил этилган дарс таҳлили ва ихтиёрий равишда тенгдошлари томонидан ташкил этилган дарслардан бирини кузатиш таҳлили илова сифатида берилиши мумкин

## ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ ДАВРИДА ТАЛАБАЛАРДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ ЗАРУР БЎЛГАН МАЛАКАЛАР

Педагогик амалиёт даврида талабалар томонидан олий таълим муассасаларида ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётга бевосита татбиқ этиш, ҳосил қилинган кўникмаларнинг малакаларга айланишини таъминлаш, янги малакаларни шакллантириш учун беқиёс имконият яратади. Шу боис мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш асосий вазифалардан бири бўлиши лозим. Амалиёт даврида талабаларда мустаҳкамланадиган ва янгидан шаклланадиган амалий малакалар мавжуд манбаларда қуйидаги гуруҳлар[5]га ажратилади:

**Педагогик амалиёт даврида талабаларда мустаҳкамланадиган ва ҳосил бўладиган малакалар гуруҳлари:**

1) билишга оид (гностик) малакалар;
2) лойиҳалаш малакалари;
3) ижодий-амалий (конструктив) малакалар;
4) тадқиқотчилик малакалари;
5) мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) малакалари;
6) ташкилотчилик малакалари;
7) изчилликни таъминловчи (процесссуал) малакалар;
8) техник-технологик малакалар

[5] Талабалар малакавий амалиётини ташкил қилиш, назорат этиш ва баҳолаш методикаси / Методик қўлл. Б.Ҳасанова ва бошқ. – Тошкент: 2008. – 35-43-бетлар; Программа непрерывной педагогической практики студентов 1-3 курсов / Автор-составитель: Э.Р.Юзликаева. – Ташкент: ТГПУ им. Низами. 2009. – С. 30-35; http://www.bgpu.ru/site/content/docs/snd/18.html

Амалиётчи-талабаларнинг юқорида кўрсатилган гуруҳлар негизида намоён бўладиган малакаларни етарли даражада намоён эта олишлари ўз-ўзидан уларнинг касбий-педагогик фаолиятга ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тайёр эканликларидан далолат беради. Хўш, амалиётчи-талабалар томонидан ташкил этиладиган қандай амалий хатти-ҳаракатлар уларнинг юқорида кўрсатилган малакаларга эгаликларини тасдиқлайди. Қуйида бу ҳақида батафсил сўз юритилади.

**Билишга оид (гностик) малакалар:**

- ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, жамоанинг ижтимоий-психологик ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ўқув-тарбиявий вазифаларни аниқ белгилаш;
- замонавий таълим талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув-тарбия жараёнини дидактик, психологик ва методик жиҳатдан режалаштириш ва таҳлил қилиш;
- таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларни асосли равишда танлай олиш;
- ўқувчилар томонидан ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда материалларни ўзлаштирганлик натижаларини, ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини аниқлай билиш;
- ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқиш, эҳтиёж ва фаолликларини ривожлантириш бўйича турли кўринишдаги ишларни олиб бориш;
- дарсда, дарсдан ташқари шароитларда, куни узайтирилган гуруҳларда, тўгарак, клуб ёки жамиятларда турли тарбиявий ишларни олиб бориш;
- ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан индивидуал ишларни амалга ошириш;
- ўқувчиларда соғлом турмуш кечиришга бўлган эҳтиёжни шахсий ва умумий гигиенага амал қилиш кўникмаларини, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш малакаларини шакллантириш;
- таълим жараёнида турли кўрсатмали қуроллар, замонавий техник воситалар, ахборот ва илғор педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш;
- дидактик материал ва кўрсатмали қуролларни ишлаб чиқиш;
- ота-оналарни педагогик билимлар асослари, болаларнинг асосий ёш хусусиятлари, психологик ўзига хосликлари, турли ёш босқичларида фарзандлар билан ота-оналар ўртасида кечадиган муносабатлар моҳиятидан хабардор қилиш;
- ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва шахсий фаолиятда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш

**Лойиҳалаш малакалари:**

- дарс ёки тарбиявий тадбирларнинг лойиҳаларини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик харитасини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбир моҳиятини босқичма-босқич ёритиш;
- таълимий ёки тарбиявий фаолият мақсадини аниқ белгилаш;
- мақсадга мос келадиган вазифаларни аниқлаш;
- ўқув материалининг дидактик, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини баён этиш;
- ўқув ёки тарбиявий характердаги материал мазмунини шакллантириш;
- ўқув ёки тарбиявий материал мазмунини очиб берадиган бир қанча маълумотлар ўртасидаги ўзаро изчилликни таъминлаш;
- ўқувчиларни мустақил фикрлашга рағбатлантирувчи саволлар тизимини ишлаб чиқиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг методик тузилишини асослаш;
- дарс ёки тарбиявий тадбир жараёнида бажариладиган педагогик топшириқлар тизимини аниқлаш;
- янги материални баён этишда турли замонавий ёндашувларни қўллаш;
- муайян изчилликка эга тест топшириқларини ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг билим даражасини ташхислаш жараёнини асослаш;
- ўқувчилар жамоаси ҳамда алоҳида ўқувчининг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини баҳолаш механизмини яратиш

**Ижодий-амалий (конструктив) малакалар:**

- алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш;
- ўқув материалини турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш;
- ўзига хос, оргинал ўқув материалини тайёрлаш;
- мустақил равишда янги методни асослаш;
- ўқув машғулоти (дарс) ва тарбия тадбир учун кўрсатмали қуроллар тўпламини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик паспорти, харитасини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирда фойдаланиш учун мультимедия материалларини яратиш;
- ўқув материалининг тақдимот вариантини тайёрлаш;
- турли мавзулардаги тарбиявий тадбирлар учун ўқувчиларнинг фаол иштирокида видео роликлар яратиш;
- дарс конспектини тайёрлаш;
- турли шакл ва методларга асосланган синов топшириқлари (савол, топшириқ, масала, мисол, машқ, тест), баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- назорат ишларини ташкил этишга ижодий ёндашиш

**Тадқиқотчилик малакалари:**
- илмий изланиш олиб бориш метод ва воситаларини танлаш;
- манбалар билан ишлаш (назарий таҳлил, муҳим маълумотни топиш, тезис, конспект, реферат, картотека билан ишлаш, адабиётлар рўйхатини тузиш);
- нашр манбалари ва ахборот технологиялари (Интернет) материаллари билан танишиш;
- анкета сўровини ташкил этиш;
- замонавий педагогик муаммоларни аниқлаш, долзарблигини асослаш;
- мавжуд манбалар асосида муаммонинг ишланганлик даражасини ўрганиш;
- педагогик тажриба олиб бориш методикасини ишлаб чиқиш;
- уч (ёки тўрт) босқичли педагогик тажрибани илмий-методик ташкил этиш;
- илмий мақола, ахборот ва ҳисобот тайёрлаш;
- илмий мақолаларни нашрга тайёрлаш;
- педагогик тажриба натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
- таҳлил натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш;
- статистик таҳлил натижаларига кўра хулоса чиқариш ва илмий-тавсияларни илгари суриш;
- педагогик тажриба натижаларини муҳокама қилиш (саволлар қўйиш, шахсий фикрни билдириш, танқидий фикрларни айта олиш, амалий таклифлар бериш)

**Мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) малакалари:**
- ўқувчилар, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарияти, ҳамкасблар билан мулоқотда турли шакл, методлардан фойдаланиш;
- педагогик амалиётнинг барча иштирокчилари билан амалий, ишчанлик ёки шахсий муносабат ўрнатиш;
- ўқувчиларга маълумотларни етказишнинг самарали йўл ва воситаларини топиш;
- топшириқлар юзасидан ўқувчининг жавоби ёки шахсий фикрларини тинглай билиш;
- педагогик жараёнларда юзага келадиган низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш ёки ривожлантириш;
- жамоа ва турли босқичдаги ўқувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;
- жамоада соғлом рақобатга асосланган муҳитни қарор топтириш;
- ўқувчиларнинг фаолиятларини рағбатлантириш;
- ўқувчи жавобидаги хато ёки хатти-ҳаракатидаги камчиликларга муносабат билдириш;
- ўқувчилар билан таълимий ҳамкорликка эришиш

**Ташкилотчилик малакалари:**
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш;
- ўқувчиларда илмий билимларни ўзлаштириш
кўникма, малакаларини шакллантириш;
- дарс жараёнида вақтни тўғри тақсимлаш ва режани самарали бажариш;
- ўқувчилар билан индивидуал ишларни ташкил этиш;
- гуруҳ жамоаси билан жамоавий ёки гуруҳли ишларни олиб бориш;
- ўқувчиларда таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига
риоя этиш кўникмаларини шакллантириш;
- ўқувчиларга ўқув ва ижтимоий топшириқларни бериш;
- ўқувчиларнинг диққатини бошқариш;
- ўқувчилар ўртасида баҳс-мунозара ташкил этиш ва уни бошқариш;
- дарсларда ўйин технологияларидан фойдаланиш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолликларини ошириш,
уларнинг мустақиллигини таъминлаш;
- кичик гуруҳларни шакллантириш асосида
топшириқлар бажарилишини таъминлаш;
- ўқувчилар билан ҳамкорликда тарбиявий
ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш

**Изчилликни таъминловчи (процесссуал) малакалар:**
- ўқув материали мазмунини баён қилишда
нутқий изчилликни таъминлаш;
- оғзаки ва ёзма нутқни баён қилишда
ўзаро изчилликни қарор топтириш;
- ўқувчиларнинг мавжуд билимлари билан янги ўзлаштириладиган
билимлар ўртасида муайян изчилликни юзага келтириш;
- ўқувчиларнинг мавжуд ҳаётий қарашларини
янги ғоялар билан бойитиш;
- дарсда ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлаарда
ўқувчиларни фаол фаолиятга ундовчи методлардан
фойдаланишда муайян изчилликка эришиш;
- ўқувчилар БКМ даражасининг ДТС талабларига
мувофиқ келишида маълум изчилликка эришиш;
- гуруҳ жамоасининг ижтимоий-психологик
ҳолатини ўрганиш методларидан фойдаланишда
педагогик фаолият изчиллигини таъминлаш;
- ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик
даражасини баҳолашда доимий изчилликка эришиш

**Ташкилотчилик малакалари:**
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш;
- ўқувчиларда илмий билимларни ўзлаштириш кўникма, малакаларини шакллантириш;
- дарс жараёнида вақтни тўғри тақсимлаш ва режани самарали бажариш;
- ўқувчилар билан индивидуал ишларни ташкил этиш;
- гуруҳ жамоаси билан жамоавий ёки гуруҳли ишларни олиб бориш;
- ўқувчиларда таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига риоя этиш кўникмаларини шакллантириш;
- ўқувчиларга ўқув ва ижтимоий топшириқларни бериш;
- ўқувчиларнинг диққатини бошқариш;
- ўқувчилар ўртасида баҳс-мунозара ташкил этиш ва уни бошқариш;
- дарсларда ўйин технологияларидан фойдаланиш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолликларини ошириш, мустақилликларини таъминлаш;
- кичик гуруҳларни шакллантириш асосида топшириқлар бажарилишини таъминлаш;
- ўқувчилар билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш

**Техник-технологик малакалар:**
- таълим жараёнига замонавий техник воситаларини татбиқ этиш;
- дарс жараёни мазмунини технологик паспорт ва технология харита ёрдамида ёритиш;
- ўқув материали мазмунини ёритувчи слайдларни тайёрлаш;
- ўқув машғулотларини ахборот технологиялари, интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш;
- ихтисослик фани хусусиятидан келиб чиққан ҳолда турли техник воситалардан фойдаланиш;
- дарсларда проекторни қўллай олиш;
- ўқув материалларини аудио ва видео ёзувлари, тақдимот асосида баён қилиш;
- ўқувчиларда ўқув материалини мустаҳкамлаш ва ўқув топшириқларини беришда ахборот технологияларини қўллаш;
- компьютер имкониятларидан фойдаланишга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни компьютер асосида ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг билим олганлик ва тарбияланганлик даражаларини ташхис қилишда компьютер ёрдамига таяниш ва б.ш.

## ТАЛАБАЛАРГА АМАЛИЙ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ МАЛАКАЛАРИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН БЕРИЛАДИГАН ТОПШИРИҚЛАР

Юқорида айтиб ўтилганидек, амалиёт даврида талабалардан муайян даражада амалий педагогик малакаларни ўзлаштира олиш талаб этилади. Зеро, амалий педагогик малакалар зарур даражада ўзлаштирилмас экан, у ҳолда талабани келгуси касбий фаолиятга тайёр деган хулосага келиш мумкин эмас. Бу эса ўз навбатида амалиёт даврида масъул шахсларнинг талабаларда юқорида келтирилган гуруҳлар таркибига кирувчи амалий педагогик малакаларга эга бўлишларига жиддий эътибор қаратишни тақозо қилади. Бу борадаги эҳтиёжни қондириш учун педагогик амалиёт даврида талабаларга кундалик фаолиятда амал қилиш лозим бўлган тавсияларни бериб бориш мақсадга мувофиқдир:

### 1. Билишга оид (гностик) малакаларни ривожлантириш учун:

Ўқувчининг уй вазифаларини таҳлил қилинг. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқланг. Ўқувчининг уй вазифасини баҳоланг.

Уй вазифаларини текширишда гуруҳ ўқувчиларига хос хато ва камчиликлар нималардан иборат эканлигини таҳлил қилинг. Уй вазифаларини бажаришда гуруҳ ўқувчилари томондан тез-тез йўл қўйиладиган хато ва камчиликларнинг сабаблари нималардан иборатлигини аниқлашга уринг.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини назорат қилинг, назорат натижаларини баҳоланг.

Ўқувчилар томонидан бажарилган тест синовлари натижаларини таҳлил қилинг, уларнинг БКМни ўзлаштириш даражаларини аниқланг.

Янги мавзу бўйича ўқув материали мазмунини таҳлил қилинг. Таҳлил натижаларига таянган ҳолда ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ўқув материали мазмунини ўқувчиларга самарали етказишнинг метод, усул, воситаларини аниқланг.

Ўқув материали билан ўқувчиларни таништиришнинг бир неча йўлларини кўриб чиқинг. Ўқувчиларга янги ўқув материалини самарали етказишнинг Сиз фойдалана олмайдиган йўллари ҳам борми? Улар ҳақида ўйлаб кўринг.

Гуруҳ ўқувчилар ихтисослик фани бўйича уй вазифаларни бажаришлари учун қанча вақт сарфлашлари билан қизиқинг. Уй вазифаларини самарали бажаришга доир йўллардан бирини уларга таклиф қилинг.

Ўзаро дарсларни кузатиш жараёнида вақт тақсимотининг тўғри тақсимланишини таҳлил қилинг. Дастлабки вазиятларда тахминан чамалашга ҳаракат қилинг. Кейинчалик бу ҳаракатни соат воситасида амалга оширинг. Натижаларни ўрганиб, вақтни ҳис қилиш лаёқатингиз ривожланганлигини баҳоланг.

Сизни қизиқтираётган жиҳатлар бўйича ўқувчилар ва гуруҳ жамоасини ўрганишнинг ўзига хос усулини ишлаб чиқинг. Амалий ҳаракатни сўровнома, технологик харита, муаллифлик методикалари ёрдамида амалга оширинг.

Тарбиявий тадбирларни ташкил этишнинг ўзига хос оргинал йўл, метод,

усул ва воситаларини асослашга уринг. Улар асосида тарбиявий тадбир лойиҳасини ишлаб чиқинг. Уни амалиётга татбиқ этишга уриниб кўринг. Тадбир самарадорлигини шахсан ўзингиз таҳлил қилинг. Бунинг учун дастлаб мезонларни аниқлаб олинг ва таҳлилни улар ёрдамида амалга оширинг.

**2. Лойиҳалаш малакаларини ривожлантириш учун:**

Таълимий характердаги педагогик муаммолар рўйхатини тузинг.

Ўқувчиларни ривожлантиришга оид педагогик муаммолар рўйхатини шакллантиринг.

Ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга доир педагогик муаммолар рўйхатини ишлаб чиқинг.

Дарснинг технологик жараёни (уй вазифасини текшириш, янги материални баён этиш, янги билимларни мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг БКМни баҳолаш, уйга вазифа бериш)ни самарали ташкил этиш муаммоларини ёритувчи рўйхатни шакллантиринг.

Шахсни ривожлантирувчи таълим турлари (муаммоли таълим, модул таълими, интерфаол таълим, табақалаштирилган таълим, масофавий таълим, дастурий таълим, интеграл таълим, ҳамкорлик таълими, ўйин технологиялари ва бошқалар)дан бири асосида дарс технологиясини ишлаб чиқинг.

Шахсни ривожлантирувчи таълим турлари бўйича дарс мақсадини асослашга ҳаракат қилинг.

Ихтиёрий мавзуда муайян дарс учун ёзув тахтасида кўргазмали қуроллар ва ёзувларни жойлаштириш тартибини белгиланг.

Қуйидаги ҳоллар учун дарс мақсадини асосланг: 1) кўргазмали қуроллардан фойдаланиб дарсни ташкил этиш; 2) ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб дарсни ташкил этиш; 3) ахборот технологиялари ёрдамида дарсни ташкил этиш; 4) тарқатма дидактик материаллардан фойдаланиб дарсни ташкил этиш; 5) кўргазмали қуроллар, ўқитишнинг техник воситалари, ахборот технологиялари, тарқатма дидактик воситалардан биргаликда фойдаланиб дарсни ташкил этиш.

Дарсда ўқув материали юзасидан маълумотларни етказиш, топшириқ (масала, мисол, тест ва ҳ.о.лар)ни ечиш усулларини тушунтириш, кўрсатмалар бериш тартибини ишлаб чиқинг.

Қуйидаги дарсларнинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг: 1) анъанавий дарс; 2) ўйин технологияларига асосланган дарс; 3) интеграциялашган дарс; 4) муаммоли дарс.

Шахсга йўналтирилган таълим турлари бўйича ташкил этиладиган дарсларда уйга бериладиган вазифалар мақсадини ишлаб чиқинг.

Дарслар жараёнида ўқувчилар кўп ҳоллар (масалан, уй вазифасини бажариш, янги мавзуни ўзлаштириш ва бошқалар)да дуч келадиган қийинчиликларни аниқланг, уларни бартараф этиш усулларини таклиф қилинг.

Ўқув материали мазмунини компьютер технологияси хизматидан фойдаланган ҳолда ёритиш технологиясини ишлаб чиқинг.

Ўқув фани бўйича компьютерда бажариладиган топшириқларни ишлаб чиқинг.

### 3. Ижодий-амалий (конструктив) малакаларни ривожлантириш бўйича:

Муаммоли дарснинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Модул дарсининг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Дастурий таълимга асосланган дарснинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Ўйин технологиялари асосидаги дарс технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Ҳамкорлик таълимига асосланган дарснинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Интерфаол дарснинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Табақалаштирилган дарснинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Масофавий таълимга асосланган дарснинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Интеграл таълим асосидаги дарснинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланишга асосланган дарснинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Қуйидаги мазмундаги суҳбатларни ташкил қилинг: 1) репродуктив (маҳсулдор); 2) эвристик; 3) назорат қилувчи ва бошқалар.

Саҳна кўринишига асосланган дарснинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Экскурсия дарсининг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Ихтисослик фани бўйича дарсдан ташқарида ташкил этиладиган тарбиявий тадбирнинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Ихтисослик фани бўйича кўргазмали қуролларни тайёрланг.

Тест топшириқларининг вариантлари тайёрланг.

Ўқув материалини ўзлаштириш учун билим даражаси турлича бўлган ўқувчилар учун топшириқларни тайёрлаш.

Муайян мавзу бўйича индивидуал топшириқларни ишлаб чиқинг.

Кичик гуруҳларда ишлаш учун топшириқларни ишлаб чиқинг.

Жамоада ишлаш учун топшириқларни ишлаб чиқинг.

Турли босқичларида топшириқларни беришга асосланган дарснинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Фанни қийин ўзлаштириадиган ўқувчилар учун топшириқларни ишлаб чиқинг.

Фанга қизиқиши кучли бўлган ўқувчилар учун топшириқларни ишлаб чиқинг.

Ихтисослик фани бўйича тўгаракда ташкил этиладиган топшириқларни ишлаб чиқинг.

Муайян мавзу бўйича таянч конспект тузинг.

Дарснинг турли босқичларида бериладиган топшириқлардан иборат карточкалар мажмуини яратинг.

Бирор мавзуда дидактик ўйиннинг технологик лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Дарсликда берилган матн юзасидан саволлар тузинг.

Янги билимларни намоён этиш усулларини таклиф қилинг (ёки танланг).

**4. Тадқиқотчилик малакаларини ривожлантириш бўйича:**

Таълим муассасасида олиб борилаётган педагогик илмий-тадқиқот йўналишлари ва мавзуларини аниқланг.

Фан ўқитувчилари томонидан илмий тадқиқотларни олиб боришда қўлланилаётган методлар билан танишинг.

Илмий тадқиқот олиб бораётган ўқитувчилар бу жараёнда қандай воситалардан фойдаланаётганликлари билан қизиқиб кўринг.

Таълим муассасасида амалга оширилган қайси илмий тадқиқотларнинг натижалари амалиётга самарали татбиқ этилганлигини аниқланг.

Илмий-тадқиқот ишларининг таълим муассасаси методик бирлашмасида қандай тартибда муҳокама қилиб борилишини ўрганинг.

Долзарб педагогик муаммоларни аниқлашга ҳаракат қилинг ва рўйхат тузинг.

Амалиёт даврида педагогика, психология йўналишларида битирув малакавий ишларини олиб бориш режасини тузинг.

Битирув малакавий ишнинг асосланмасини тайёрлаб, мундарижасини тузинг.

Илмий-тадқиқот режаси ва дастурини ишлаб чиқинг.

Фойдаланиладиган адабиётларни ажратинг ва рўйхатни шакллантиринг.

Манбалар билан ишлаш тартибини белгиланг. Асосий манбалардан иқтибос (сноска)ларнинг тўғри олинишига эътиборни қаратинг.

Тўпланган назарий маълумотларни умумлаштиринг ва таҳлил қилинг.

Тажриба-синов ишларининг мазмуни ва механизмини ишлаб чиқинг.

Синов ишининг самарали шаклларини таҳлилий ўрганинг.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш методларини аниқланг.

Синов ишларининг самарадорлигини таъминловчи воситаларни асосланг.

Тажриба-синов ишларининг асосий босқичларини белгиланг.

Турли босқич тажриба ишлари натижаларини умумлаштиринг, уларни таҳлил қилинг ва ўзаро солиштиринг.

Якуний босқич тажриба иши натижаларини статистик таҳлил қилиш асосида синов ишларининг самарадорлигини баҳоланг.

Илмий тадқиқот натижалари юзасидан умумий хулосани шакллантиринг. Чиқарилган хулосага асосланиб, илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқинг.

Тўпланган назарий маълумотларя. амалий тажриба натижалари асосида битирув малакавий ишини шакллантиринг ва расмийлаштиринг.

Битирув малакавий ишини ҳимоя қилишга тайёрлик кўринг. Тадқиқот ишининг асосий мазмунини ёритувчи тақдимотни тайёрланг. Иш юзасидан тақризлар олиш ва уларни расмий тасдиқланишини таъминланг.

**5. Мулоқотга кирувчанлик малакаларини ривожлантириш бўйича:**

Фан ўқитувчилари, тенгдошларингиз томонидан ташкил этилган дарсларни кузатиб, уларнинг мулоқот усулларини аниқланг.

Бирор фан мисолида бир соатлик дарсни таҳлил қилинг ва дарснинг турли босқичлари (уй вазифасини текширишда, янги мавзуни ўтишда, мустақил ишни бажаришда ва ҳ.о.)да ўқитувчининг мулоқотга киришувчанлик фаолиятини баҳоланг. Ўқитувчининг мулоқотга киришувчанлик қобилияти қайси босқичда яхши самара бера олди? Бунинг сабабларини аниқланг.

Мавзу бўйича дарслик матнини ўрганиб чиқинг. У асосида ўқувчиларни мавзу билан тўла таништирадиган кичик матн тайёрланг. Матнни тайёрлашда унинг ўқувчиларга осон тушунарли бўлишига эътибор беринг ва илмийлик, тушунарлилик, назариянинг ҳаёт билан боғлиқлиги, кўргазмалилик каби таълим, шунингдек, психологик тамойилларни инобатга олинг.

Дарс жараёнида ўқувчиларнинг кайфиятларини кўтаришга ёрдам берадиган усулларни cананг. Имкон қадар иккита-учта усулдан фойдаланинг. Аниқ ҳолатларда қайси усул самаралироқ бўлиши мумкин? Бу нимага боғлиқ?

Фаолиятда Сизга муваффақият келтирадиган усуллардан фойдаланинг.

**6. Ташкилотчилик малакаларини ривожлантириш бўйича:**

Аудиторияда интизомни ўрнатишга имкон берадиган усул, методларни танланг ва ўқитувчиларга, амалиётчи-талабаларга таклиф қилинг.

Танланган усул, методлардан шахсан ўзингиз ҳам фойдаланинг, улар орасидан самаралиларини ажратинг.

Қуйидаги ҳолатларда ўқитувчи ўқувчиларни жалб эта олиши мумкин бўлган усулларни аниқланг: 1) дарснинг боши; 2) янги мавзуни баён қилишда; 3) ўқувчиларнинг янги мавзу бўйича билимларини мустаҳкамлашда; 4) уй вазифаларини бериш ва уларни тушунтиришда; 5) топшириқларнинг бажарилишини текширишда; 6) ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини баҳолашда.

Ўқитувчининг: 1) дарс бошида; 2) дарснинг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтишда; 3) ҳар бир ўқув фани бўйича ташкил этиладиган дарсларнинг бошида ўқувчиларга мурожаат қилиш усулларини танланг. Мурожаат усуллари рўйхатини тузинг ва улардан ўз дарсларингизда фойдаланинг. Ўқувчиларни мурожаатингизга таъсирини ўрганинг. Улар ёрдамида қўйган мақсадларингизга эришдингизми?

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда турли усуллар (саволни қўйиш, топшириқни бериш, карточкалар асосида саволларни бериш, муаммоли вазиятларни яратиш ва б.ш.)дан фойдаланинг. Улар орасидан самаралисини аниқланг. Қандай шароитларда мустақил ишларни ташкил этиш самарали эканлиги тўғрисида мушоҳада юритинг.

Ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун самарали усулларни танланг. Улардан ўз дарсларингизда фойдаланинг. Қайси усул янада самарали эканлигини аниқланг.

Ўқувчилар томонидан дарснинг турли босқичларида ўзлаштирилган БКМни умумлаштириш ишларини ташкил этиш вариантларини таклиф қилинг. Уларни қўлланг ва самарадорлигини текширинг.

Дарснинг бир босқичидан иккинчи босқичига мантиқий ўтиш усулларини текширинг. Бу жараёнда ўқувчиларга мақсадни тушунтириш усулларини танланг.

Дарснинг якуний босқичини самарали тугатиш усулларини танланг. Бунда эътибор бериш лозим бўлган жиҳатларни аниқланг.

Дарсни якунлашда ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилишга ўргатинг. Қандай натижаларга эришиш мумкинлигини таҳлил қилинг.

Ўқувчиларга савол беришда мурожаат қилиш усулларини аниқланг. Ўқувчилар саволларга жавоб бера олмасалар қандай йўл тутасиз? Шу ҳақида ўйлаб кўринг.

Ўқувчиларнинг мустақил равишда саволларни қўйиш усуллари тўғрисида ўйлаб кўринг. Бу борада бир неча вариантларни таклиф қилинг. Қандай натижаларга эришдингиз?

Дарсда ўқувчиларнинг ўзаро бир-бирларини назорат қилишлари учун шароит яратинг. Бир ўқувчининг топшириқ юзасидан фаолиятини текширишда бошқа ўқувчиларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш лозимлиги тўғрисида ўйлаб кўринг. Ўқувчилар ўртасида ўзаро назоратни ташкил этинг.

**7. Техник-технологик малакаларни ривожлантириш бўйича:**

Фан ўқитувчилари, тенгдошларингиз томонидан таълим жараёнида замонавий техник воситалардан фойдаланиш даражасини ўрганинг. Улар томонидан қўлланилаётган техник воситалар рўйхатини тузинг.

Таълим жараёнларида замонавий техник воситаларнинг қай даражада самарали қўлланилишини баҳоланг.

Муассаса педагогик жамоасининг технологик малакаларга эгалигини ўрганинг. Уларнинг бу борадаги малакалари қай даражада?

Педагогик жамоанинг техник малакаларга эгалиги нималарда кўринади?

Фан ўқитувчилари, тенгдошларингиз томонидан тайёрланган муайян мавзудаги дарснинг технологик паспорти ва харитаси билан танишинг.

Ўқитувчилар, тенгдошларингиз томонидан тайёрланган слайдлар билан

танишиб, мавзунинг мантиқий изчилликда очиб берилганлигини аниқланг.

Ўзингиз ташкил этадиган дарслардан бирини ахборот технологиялари ёрдамида ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқинг.

Дарслардан бирини проектор ёрдамида ташкил этинг.

Муайян мавзу бўйича дарсда ўқув материали мазмунини ёритишда аудио ва видео ёзувларидан фойдаланиш чораларини белгиланг.

Фан ўқитувчилари, тенгдошларингизнинг дарсни тақдимот асосида ташкил этишларини кузатинг. Усул қанчалик самара берганлигини таҳлил қилинг. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг мавзуни ўрганишга бўлган муносабатларини ўрганинг.

Ўзаро дарс кузатиш жараёнида ўқувчиларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларига эгаликларини аниқланг ва баҳоланг.

Компьютердан фойдаланишга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқинг.

Фан ўқитувчиларининг ўқувчилар БКМни баҳолашда компьютер ёрдамидан фойдаланишларини ўрганинг.

Компьютер ёрдамида ўқувчиларнинг билим олганлик ва тарбияланганлик даражаларини ташхислаш учун хизмат қиладиган харитани яратинг. Мазкур харитани амалиётда қўлланг ва самарадорлигини баҳоланг.

Педагогик амалиёт даврида талабалардан ўзларида индивидуал сифатларни шакллантириш, ўз-ўзини ривожлантириш мақсадида амалий ҳаракатларни олиб бориш ҳам талаб этилади. Бу жараён талабаларда педагогик фикрлаш қобилияти, педагогик рефлексия ва ҳиссий сифатларни ривожлантиришга ёрдам беради. Айни ўринда “педагогик фикрлаш қобилияти”, “педагогик рефлексия” тушунчаларининг моҳияти ва педагог қиёфасида акс этиши муҳим бўлган ҳиссий сифатлар тўғрисида тўхталиб ўтилади.

**Педагогик фикрлаш қобилияти** – ўқитувчи (ёки бўлажак ўқитувчи)нинг педагогик жараёнларда рўй берган, рўй бераётган муносабатлар моҳиятини тўғри англаш, рўй бериши мумкин бўлган жараёнларни ўз онгида моделлаштира (андозалаштира) олиш қобилиятига эгалиги.

**Педагогик рефлексия** – ўқитувчи (ёки бўлажак ўқитувчи)нинг ўз руҳий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва фикрларини қайта кўриб чиқиш (таҳлил қилиш) орқали ўз-ўзини англаши.

**Ҳиссий сифатлар** – ҳис-туйғу, ҳиссиётлар (хоҳиш-истак, интилиш, яхши-ёмон кайфият, қувонч, қайғу, қўрқув, хавотир кабиларнинг йиғиндиси.

Маълумки, талабалар педагогик амалиёт даврида, энг аввало, ихтисослик фанлари бўйича ўқув машғулотлари – дарслар, факультатив курслар, амалий ва лаборатория ишларини илмий-назарий, ташкилий-амалий жиҳатдан тўғри ташкил этиш бўйича педагогика, психология ва ихтисослик фанларини ўқитиш методикасидан ўзлаштирган БКМни таълим амалиётида бевосита қўллаш имкониятига эга бўладилар. Бироқ, олий таълим муассасаси аудиторияларида ўзлаштирилган БКМни бевосита таълим амалиётига татбиқ этиш осон кечмайди. Бу жараён талабалардан нафақат назарий-амалий тайёргарликка эга

бўлишни, балки руҳий жиҳатдан таълим муассасаларининг муҳитига мослаша олишни ҳам талаб этади. Яъни, талаба ўз руҳиятини бошқара олиши: ортиқча ҳаяжонланмаслиги, хавотирга берилмаслиги, маълумотларни унутиб қўйишдан ташвишга тушмаслиги зарур. Бу каби ҳолатларни бартараф қилишнинг бир неча йўллари мавжуд. Улар орасида энг самаралиси қуйидаги йўл саналади:

Хаёлда дарс ташкил этиш жараёнини бир неча бор гавдалантира олиш → Шарти → Хаёлда дарсга тайёргарлик кўришдан, то унинг муҳокамаси ташкил этилгунга қадар бўлган жараённи босқичма-босқич гавдалантира олиш лозим

Юқорида келтирилган автотренинг амалиётчи-талабаларга гуруҳ ўқувчиларига тез мослаш, дарсни барча методик талаблар бўйича тўғри ташкил этишларига ёрдам беради.

Педагогик фаолиятни муваффақиятли ташкил этишда ўқитувчиларнинг педагогик фикрлаш қобилияти, педагогик рефлексия ва ҳиссий сифатларга эгаликлари муҳим аҳамиятга эга. Хўш, педагогик фикрлаш қобилияти, педагогик рефлексия ва касбий хусусиятларни намоён этадиган ҳиссий сифатлар нималардан иборат. Қуйида ана шулар тўғрисида сўз юритилади.

**1. Педагогик фикрлаш қобилияти:**

- ихтисослик фани хусусиятини бадиий образлар, адабий талқин асосида ёритиш, улардан дарсда, дарсдан ташқари тадбирларда фойдаланиш;
- мавзулар моҳиятини расм, чизма, тасвир, схема, модел, диаграмма ва жадвалларда ифодалаш;
- ноанъанавий дарс лойиҳаларини тайёрлай олиш;
- янги мавзулар бўйича ўқув материалини ўқувчиларга етказишнинг ўзига хос усулини ўйлаб топиш;
- фан ўқитувчилари, тенгдошлар, шахсий фаолиятни кузатиш орқали муаммоли вазиятларни аниқлаш, улар ёрдамида муаммоли саволларни тузиш;
- шахсий тажриба ва фантазияга таяниб, дидактик ўйинларни ўйлаб топиш;
- ихтисослик фани бўйича ўзига хос кўргазмали қурол тайёрлаш;
- дарс ва дарсдан ташқари тадбирларнинг самарали ўтишига “замин” яратувчи рағбатлантирувчи шиорларни ўйлаб топиш;
- ихтисослик фани бўйича ташкил этиладиган ноанъанавий дарс, дарсдан ташқари тадбирлар учун мақсадлар тизимини яратиш;
- икки нафар ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган дарснинг асосий мақсадини асослаш;
- ижодий имкониятларга таяниб янги таълим технологиясини яратиш;
- ёзув тахтасидан самарали фойдаланишнинг ўзига хос қоидаларини асослаш;
- мавзу бўйича саволлар тизимини ишлаб чиқиш, ўқувчиларга саволларни беришнинг бир неча вариантларини ўйлаб топиш

**3. Ҳиссий сифатлар:**
- дарсдан аввал қўрқувни босишнинг самарали усулларидан фойдаланиш;
- дарсни ўтиб бўлгач, жараён давомида қандай кечинмалар (қўрқув, ўзига ишонмаслик, қувонч, афсусланиш, ўзига бўлган ишонч, дадиллик, эркинлик, ноқулайлик кабилар)ни ҳис қилганликни аниқлаш;
- дарсни ташкил қилишда кўтаринки кайфиятда эканлигига ўзини ишонтириш; ўзини болаларча эркин ҳис қилиш; ўзини гўё хафа экандай намойиш қилиш;
- ўқувчилар билан суҳбатда ўзини завқланаётгандек тутиш;
- ўқитувчи столи устига гуруҳ жамоаси ва ўзи учун кўтаринки кайфият бағишлайдиган, рағбатлантирадиган жумла ёки сўз (масалан, "баҳор", "ям-яшил дала", "кўм-кўк осмон", "зилол сув", "ёқимли мусиқа", "илиқ ёмғир", "паға-паға қор", "чексиз уммон", "баланд қоя", "ёрқин юлдуз" ва ҳ.о.)дан фойдаланиш;- дарсдан аввал, дарсдан кейин ўқувчилар иштирокида кайфиятни "Рангли ташхис" методи ёрдамида ифодалаш, натижани ўрганиш

Педагогик амалиёт талабаларда педагогик фикрлаш қобилияти, педагогик рефлексия ва касбий моҳиятга эга ҳиссий сифатларни ривожлантириш учун қулай шароитларга эга. Шу сабабли педагогик амалиёт даврида ҳам талабаларда мазкур сифатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Талабаларнинг зиммаларига ўзларида ана шу каби сифатларни мустақил ривожлантиришга оид топшириқлар юклаш ана шу эътиборнинг ёрқин кўриниши саналади.

Амалиёт даврида бу йўналишда талабаларга қуйидаги топшириқлар берилади:

**1. Педагогик фикрлаш қобилиятини ривожлантириш бўйича:**

Ихтисослик фани хусусиятини ёритувчи эртак тўқинг. Ундан дарсда ва дарсдан ташқари тадбирлар жараёнида фойдаланинг. Эртакнинг дарс ва дарсдан ташқари тадбирлар натижаларига таъсирини таҳлил қилинг.

Дарслик мавзулари мазмунини ифодаловчи расмлар, чизмалар, тасвирлар, схемалар, моделлар, диаграммалар, жадваллар яратинг.

Ноанъанавий дарс лойиҳаларини ишлаб чиқинг.

Янги мавзу материалини ўқувчиларга етказишнинг ўзига хос усулини ўйлаб топинг.

Фан ўқитувчилари, тенгдошларингиз, ўз фаолиятингизни кузатиш орқали муаммоли вазиятларни аниқланг, улар ёрдамида муаммоли саволларни тузинг.

Шахсий тажриба ва фантазиянгизга таянган ҳолда дидактик ўйин ғояларининг шакллантиринг, қоидаларини ишлаб чиқинг.

Ихтисослик фани бўйича ўзига хос кўргазмали қурол тайёрланг.

Дарс ва дарсдан ташқари тадбирларнинг самарали ўтишига "замин" яратувчи рағбатлантирувчи шиорлар ўйлаб топинг.

Ихтисослик фани бўйича ташкил этиладиган ноанъанавий дарс ва дарсдан ташқари тадбирлар учун мақсадлар тизимини яратинг.

Икки нафар ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган дарснинг асосий мақсадини асосланг.

Ижодий имкониятларингизга таяниб янги таълим технологиясини яратинг.

Ёзув тахтасидан самарали фойдаланишнинг ўзига хос қоидаларини асослашга уринингг.

Мавзу бўйича ўқувчиларга бериладиган саволлар тизимини ишлаб чиқинг, саволларни беришнинг бир неча вариантларини ўйлаб топинг.

**2. Педагогик рефлексияни ривожлантириш бўйича:**

Амалиёт даврида кундаликка ўзингизни ўзингиз танқид қилган ҳолатларни ёзиб боринг. Хатти-ҳаракатларингизнинг тўғрилиги, мақсадга мувофиқлигига шубҳаланишга Сизни нима мажбур қилганлигини баён этинг.

Дарснинг кичик лавҳаси асосида фан ўқитувчиси ёки тенгдошингизнинг педагогик рефлексияларини таҳлил қилинг. Сиз буни қандай аниқладингиз? Ўқитувчи ёки тенгдошингизнинг қайси хатти-ҳаракатлари педагогик рефлексиядан далолат беради? Дарсда педагогик рефлексия талаб қилинган, бироқ, ўқитувчи ёки тенгдошингиз томонидан эътибор қилинмаган вазиятлар рўй бердими?

Муайян мавзуда дарсни ташкил этиб, жараённи таҳлил қилинг. Дарс жараёнида педагогик рефлексияни тақозо этувчи вазиятлар юзага келдими?

Педагогик рефлексиянинг:
1) дарс бошида;
2) тарбиявий тадбирларнинг бирида;
3) ота-оналар билан суҳбатлашиш чоғида;
4) гуруҳ раҳбари сифатида гуруҳ ўқувчилари билан ташкил этган суҳбатда;
5) университет ўқитувчиси билан ташкил этилган суҳбатда;
6) тенгдошлари билан амалиёт давридаги суҳбатда ўзингиз намоён қилган белгиларини кўрсатинг.

**3. Ҳиссий сифатларни ривожлантириш бўйича:**

Дарсни ташкил этишдан аввал қўрқув, хавотир, ҳадик, ҳаяжонланишни босишнинг бирор усулларидан фойдаланинг. Усуллар Сизга қандай ёрдам берганлигини кундаликда қайд этинг.

Дарсни ўтиб бўлгач, ўзингизни қандай ҳис қилганлигингизни баён этишга ҳаракат қилинг. Дарс вақтида кўпроқ қўрқув, ўзига ишонмаслик, қувонч, афсусланиш, ўзига бўлган ишонч, дадиллик, эркинлик, ноқулайлик кабилардан қай бирини ҳис қилдингиз?

Дарсни ташкил қилганингизда қуйидагиларни ўзингизда синаб кўринг:
1) кайфиятингиз кўтаринки эканлигига ўзингизни ишонтиринг;
2) ўзингизни болаларча эркин тутинг;

3) ўзингизни хафа ҳолатда кўрсатинг.

Натижаларни кундаликда қайд этиб боринг.

Ўқувчилар билан суҳбат чоғида ўзингизни завқланаётгандек тутинг. Бу ҳолатнинг ўқувчиларга таъсири ва натижасини кундаликда қайд этинг.

Дарсни, дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этишда ўқувчиларни ижодий фаолиятга рағбатлантиришга уриниб кўринг. Рағбатлантирувчи сўзларингизнинг ўқувчиларга таъсирини ўрганинг ва натижани таҳлил қилинг.

Таълим жараёнида дарсга халақит берган ўқувчиларга қандай муносабатда бўлиш самарали эканлигини синаб кўринг:

1) уларни койиш ва жазолаш;

2) уларга хатти-ҳаракатлари нотўғри эканлигини ҳазил сўзлар билан тушунтириш;

3) уларнинг хатти-ҳаракатларини эътиборсиз қолдириш. Қайси ҳолатда вазият ижобий томонга ўзгарганлигини кузатинг.

Дарс қизғин давом этаётган бир вақтда эшик очилиб, кечикиб қолган ўқувчиларингиздан бири рухсат сўраб, бироқ, Сизнинг жавобингизни кутмай хонага кириб келди. Унга Сиз қандай таъсир кўрсатасиз? Вазиятни таҳлил қилинг.

Ўқитувчи столи устига гуруҳ жамоаси ва ўзингиз учун кўтаринки кайфият бағишлайдиган, рағбатлантирадиган жумла ёки сўз (мас., “баҳор”, “ям-яшил дала”, “кўм-кўк осмон”, “зилол сув”, “ёқимли мусиқа”, “илиқ ёмғир”, “паға-паға қор”, “чексиз уммон”, “баланд қоя”, “ёрқин юлдуз” ва ҳ.о.) қайд этилган лавҳани қўйинг. Ёзувнинг Сизга, ўқувчилар кайфиятига таъсирини ўрганинг.

Ўқувчиларни дарсдан аввал ва дарсдан кейин ўз кайфиятларини ранглар ёрдамида (“Рангли ташхис” методи ёрдамида) ифодалашга унданг. Бир неча дарс ва тарбиявий тадбирлар давомида ўқувчилар билан ўз-ўзини ташхис қилишни ташкиллаштиринг. Қандай натижаларга эришилганликни ўрганинг. Олинган натижалар моҳиятини ёритинг.

Юқорида берилган топшириқларни бажариш асосида амалиётчи-талабалар ўз-ўзини ривожлантириш имкониятига эга бўладилар. Аммо талабаларнинг ўзлари мавжуд кўникмаларнинг малакаларга айланиши, малакаларнинг эса қанчалик ривожланишини баҳолай олишлари лозим. Бунда уларга ўз-ўзини индивидуал ривожлантириш дастури ёрдам беради. “Шахсни ривожлантириш дастури ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим амалиётида кенг, фаол ва самарали қўлланиб келинаётган бўлса-да, республикада ҳали бу борада тажрибалар тўпланган эмас”[6].

Одатда ривожланиш дастури ўзида педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш имконини берадиган билим, малакаларни акс эттиради. Айни ўринда ўз-ўзини индивидуал ривожлантириш дастурининг намунаси келтирилади (6-жадвал):

---

[6] Ҳолиқова З. Индивидуал ёндашув асосида бошланғич синф ўқитувчиларида инновацион фаолият малакаларини шакллантириш / Методик қўлл. – Тошкент: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2011. – 31-бет.

**6-жадвал. Ўз-ўзини индивидуал ривожлантириш дастури**

| Билим, малака ва шахсий сифатлар | Мавжуд даража | Истиқбол вазифалар |
|---|---|---|
| Педагогик билимлар | | |
| Психологик билимлар | | |
| Дидактик малакалар:<br>билишга оид (гностик)<br>лойиҳалаш<br>ижодий-амалий (конструктив)<br>тадқиқотчилик<br>мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив)<br>ташкилотчилик<br>изчилликни таъминловчи (процесссуал)<br>техник-технологик малакалар | | |
| Трабиявий ишларни ташкил этиш малакалари:<br>билишга оид (гностик)<br>лойиҳалаш малакалари;<br>ижодий-амалий (конструктив)<br>тадқиқотчилик<br>мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив)<br>ташкилотчилик<br>изчилликни таъминловчи (процесссуал)<br>техник-технологик малакалар | | |
| Руҳиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлар:<br>педагогик фикрлаш<br>тизимлилик<br>мослашувчанлик<br>мобиллик<br>ижодкорлик<br>ҳозиржавоблик<br>ҳиссий ривожланганлик<br>педагогик рефлексия | | |
| Ўз-ўзини ривожлантириш мақсадлари | | |
| Ўз-ўзини ривожлантириш учун топшириқлар | | |

## ТАЛАБАЛАР ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ

Талабаларнинг педагогик амалиёт давридаги фаолиятлари масъул шахслар томонидан назорат қилиб борилади. Назорат доимий, изчил равишда ташкил этилиши лозим. Зеро, доимийлик, изчиллик амалиётчи-талабалар томонидан

эришилаётган ютуқлар ва йўл қўйилаётган камчиликларни узлуксиз таҳлил қилиб бориш учун имкониятларни яратади.

Педагогик амалиёт даврида талабаларнинг амалий фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш 100 балли рейтинг тизими асосида амалга оширилади. Талабаларнинг педагогик фаолиятлари қуйидаги тарзида баҳоланади:

**Талабалар фаолиятини рейтинг тизими бўйича баҳолаш**
100-86 балл – аъло (“5” баҳо);
85-76 балл – яхши (“4”);
75-56 балл – қониқарли (“3”);
55 баллдан кам – қониқарсиз (“2”)

**Педагогик назорат шакллари:**
- индивидуал ва гуруҳ билан суҳбатларни уюштириш;
- амалиётчи-талабаларнинг ҳужжатларини изчил, доимий текшириб бориш;
- талабалар фаолиятининг ҳисобга олинишини таъминлаш;
- амалиётчи-талабалар томонидан ташкил этилаётган дарсларни ва гуруҳдан, таълим муассасасидан ташқари маънавий-маърифий тадбирларни кузатиш

Амалиётчи-талабаларнинг педагогик фаолиятларини назорат қилиш ва баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

**100-86 балл (аъло - “5” баҳо)**
- талаба ўқувчилар билан мустақил ишлайди, зиммасидаги вазифаларни тўғри англайди, мақсадни аниқ қўя олади;
- жамоа аъзоларнинг ёш, индивидуал хусусиятларини, улар билан ташкил этиладиган педагогик фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, ўқув ва маънавий-маърифий ишларнинг шаклларини, ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиш усулларини танлайди;
- ўқувчиларнинг ривожланганлик ва тарбияланганлик даражаларини ҳисобга олади;
- тарбиявий ишлар самарадорлигини таҳлил қилади;
- гуруҳ раҳбари сифатида ташкилотчилик қобилиятига, кенг дунёқарашга, бой тафаккурга, илғор иш тажрибалари, инновацион ғояларидан самарали фойдаланиш малакасига эга;
- фаолиятни ташкил этишда билишга оид, лойиҳалаш, ижодий-амалий, тадқиқотчилик, мулоқотга киришувчанлик, ташкилотчилик, изчилликни таъминлаш ва техник-технологик малакаларга эгаликни намоён этади

**85-76 балл (яхши - “4” баҳо)**
- талаба айрим ҳолларда тарбиявий иш назарияси ва методикаси бўйича етарлича билимга эга эмаслигини, жамоа билан ташкил этиладиган тадбирларни уюштиришга тайёрланиш ва ўтказишда мустақил, ижодкор эканлиги суст намоён қилади;
- тарбиявий фаолият мақсадларини аниқлашда, тарбия методларини танлашда кичик хатоларга йўл қўяди, мураккаб педагогик вазиятларда тўғри қарор қабул қилишда маълум қийинчиликларга дуч келади;
- фаолиятни ташкил этишда билишга оид, лойиҳалаш, ижодий-амалий, тадқиқотчилик, мулоқотга киришувчанлик, ташкилотчилик, изчилликни таъминлаш ва техник-технологик малакаларга эгаликни намоён этишга ҳаракат қилса-да, бироқ, маълум қийинчиликларга дуч келади

**75-55 балл (қониқарли - “3” баҳо)**
- талаба тарбия мақсади ва вазифаларини аниқлашда, таълим ва тарбия методларини танлашда қийинчиликларга дуч келади;
- тадбирларни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказишда хатоларга йўл қўяди;
- тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини етарли даражада ҳисобга олмайди;
- қўшимча методик қўлланмалардан фойдаланишда ташаббускорлик, фаоллик етишмайди;
- фаолиятни ташкил этишда билишга оид, лойиҳалаш, ижодий-амалий, тадқиқотчилик, мулоқотга киришувчанлик, ташкилотчилик, изчилликни таъминлаш, техник-технологик малакаларга эгаликни намоён этишда жиддий қийинчиликларга дуч келади

**55 баллдан кам (қониқарсиз - “2” баҳо)**
- талаба тарбиявий иш назарияси ва методикасини билмайди;
- зарур ташкилотчилик қобилиятларига эга эмас;
- жамоа фаолиятини бошқариш, истиқболли режаларни тузиш, ўқувчиларни жамоавий меҳнат фаолиятига жалб этиш, улар билан дўстона алоқа ўрнатиш малакаси шаклланмаган;
- умумий ва педагогик маданиятга юқори даражада эга эмас;
- амалиёт даврида фаоллик кўрсатмайди;
- педагогик фаолият жараёнини ўқув машғулотлари, маънавий-маърифий ишларнинг натижаларини таҳлил этолмайди;
- фаолиятни ташкил этишда педагогда намоён бўладиган зарур амалий малакаларни намоён эта олмайди

Амалиёт даврида талабаларнинг педагогик фаолиятларига рейтинг тизими бўйича қўйиладиган 100 балл педагогика, психология ва ихтисослик фанлари бўйича тўпланади. Педагогик амалиётга раҳбарлик қилаётган мутахассислар амалиётчи-талабаларга фанлар нисбати бўйича қуйидаги балларни қўядилар:

### 1. Педагогика фани бўйича

| Умумий балл – 25 балл | | | | |
|---|---|---|---|---|
| № | Бажариладиган ишлар мазмуни | Вазифалар сони | Бажариш муддати | Рейтинг баллари |
| 1. | Гуруҳ раҳбарининг тарбиявий ишлар режасини ўрганиш, бириктирилган гуруҳ учун тарбиявий ишлар режасини тузиш | 1 | 1 ҳафта | 2 |
| 2. | Тарбиявий тадбир лойиҳасини яратиш | 2 | Амалиёт давомида | 3 |
| 3. | Тарбиявий тадбирни ташкил этиш, унда иштирок этиш, тарбиявий тадбир юзасидан уюштириладиган муҳокамада қатнашиш | 1 | - | 3 |
| 4. | Гуруҳ жамоаси, бир нафар ўқувчига педагогик-психологик тавсифнома тайёрлаш | 2 | - | 3 |
| 5. | Дарс учун ўқув материалини тайёрлаш | 1 | - | 3 |
| 6. | Ота-оналар билан суҳбат ташкил этиш | 1 | - | 4 |
| 7. | Амалиётчи кундалигини юритиш | 1 | - | 3 |
| 8. | Ҳисобот | - | - | 2 |
| 9. | Тавсифнома | 1 | - | 2 |

### 2. Психология фани бўйича

| Умумий балл – 10 балл | | | | |
|---|---|---|---|---|
| № | Бажариладиган ишлар мазмуни | Вазифалар сони | Бажариш муддати | Рейтинг баллари |
| 1. | Таълим муассасаси, унинг педагогик жамоаси билан танишиш | - | 1 ҳафта | 1 |
| 2. | Таълим муассасасининг психологи билан танишиш | - | - | 1 |
| 3. | Педагогик-психологик тавсифнома тайёрлаш | - | Амалиёт давомида | 2 |
| 4. | Ўқувчиларнинг индивидуал ташхис харитасини ўрганиш ва тузиш | - | - | 2 |
| 5. | Ота-оналар билан суҳбат ташкил этиш | - | - | 2 |
| 6. | Зарур ҳужжатларни юритиш | - | - | 2 |

### 3. Гигиена фани бўйича

| Бажариладиган ишлар мазмуни | Вазифа лар сони | Бажариш муддати | Рейтинг баллари |
|---|---|---|---|
| Таълим муассасасининг санитария ҳолатини ўрганиш, мавжуд меъёрларга жавоб беришини аниқлаш | 1 | Амалиёт давомида | 5 |

### 4. Ихтисослик фани бўйича

| Умумий балл – 65 балл | | | | |
|---|---|---|---|---|
| № | Бажариладиган ишлар мазмуни | Вазифа лар сони | Бажариш муддати | Рейтинг баллари |
| 1. | Педагогик амалиётнинг йўналтирувчи конференциясида иштирок этиш | 1 | 1 ҳафта | 2 |
| 2. | Таълим муассасаси, унинг педагогик жамоаси билан танишиш | 2 | 1 ҳафта | 2 |
| 3. | Ихтисослик фани бўйича календар-тематик режани ўрганиш ва тузиш | 1 | 1 ҳафта | 2 |
| 4. | Мавзулар бўйича дарс лойиҳаларини ишлаб чиқиш | 2 | Амалиёт давомида | 7 |
| 5. | Дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш | 1 | - | 7 |
| 6. | Кўргазмали қуролларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш | 1 | - | 10 |
| 7. | Гуруҳда дарсларни ташкил этиш | 1 | - | 15 |
| 8. | Дарсдан ташқари тадбирлар (тўгарак фаолиятини йўлга қўйиш, ўқувчилар билан ишлаш, уларни фан олимпиадасига тайёрлаш, ихтисослик бўйича тадбирларни ташкил этиш) | 1 | - | 10 |
| 9. | Ҳужжатлар (кундалик, ҳисобот, ишланма, тавсифномалар)ни юритиш | 1 | - | 10 |

## ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

“Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг смарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи

методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда”[7].

Бугунги кунда талабалар ҳам педагогик амалиёт даврида дарсларни, дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни ташкил этишда ўқувчини фаолликка ундаш, унда мустақиллик, ижодий изланиш кўникмаларини ҳосил қилишда самарали саналган интерфаол методлардан фойдаланишга эътиборни қаратишлари лозим. Бу борада амалиётчи-талабаларнинг интерфаол методлар ва уларнинг моҳияти тўғрисидаги билимларга эгаликлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айни ўринда уларнинг интерфаол методлар ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида бу турдаги бир туркум методлар тўғрисида сўз юритиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Қуйида уларнинг турлари ва моҳияти тўғрисида тўхталиб ўтилади.

**1. “Рақамлар” методи** ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўп сонли (20, 30, 40 ва ҳ.о.) ўқувчи (талаба)ларни муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. Ушбу метод асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 4, 5 ёки 6 нафардан иштирокчи бўлган 4, 5 ва 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги гуруҳлардан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳи томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

**2. “Тақдимот” методи** ўрганиладиган мавзу моҳиятини компьютер хизматидан фойдаланилган ҳолда слайдлар мажмуаси ёрдамида очиб берилишини таъминлайди. Методни қўллашда мавзунинг асосий ғоялари, таянч тушунчалари, муҳим хусусиятлари кичик матн, жадвал, тасвир, схема, расм ва диаграммалар асосида ёритилади. Ушбу метод ўқувчи (талаба)ларда мавзу мазмунини образли, яхлит тарзда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиради.

**3. “Савол-жавоб” методи** мавзунинг ўқувчи (талаба)лар томонидан қандай ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун хизмат қилади. Бунда ўқитувчи моҳияти ёритилган мавзу юзасидан саволлар тайёрлайди ва уларни ўқувчи (талаба)ларнинг эътиборларига ҳавола этади. Ўқувчи (талаба)лар берилган саволларга жавоб қайтариш орқали мавзуни ўзлаштирганлик даражасини намойиш этадилар. Методни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

**4. “Менга сўз беринг” методи** талабаларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала ёки тадқиқ этилаётган муаммо бўйича шахсий фикр-мулоҳазаларини билдириш, фикрларини далиллар билан исботлаш, уларни ҳимоя қилиш, мантиқий хулосаларни илгари суриш кўникмаларини

---

[7] Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари / Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2006. – 66-бет.

шакллантиришга хизмат қилади. Метод ўқитувчи ва ўқувчи (талаба)лар ўртасидаги таълимий ҳамкорликни қарор топширишга ёрдам беради. Машғулот жараёнида методни қўллашда ўқувчи (талаба)лар дарснинг ташкилий жиҳатлари, самарадорлиги хусусида ўз фикрларини баён қилиш имкониятига эга бўладилар.

**5. "Блиц-сўров" (инглизча "blits" – тезкор, бир зумда) методи** берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Унга кўра ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган саволларни ишлаб чиқади ва ўқувчиларнинг эътиборларига ҳавола этади. Ўқувчи (талаба)лар берилган саволга қисқа муддатда, лўнда ва аниқ жавоб қайтара олишлари лозим. Гуруҳ ёки жуфтликда ишлашда бир нафар ўқувчи (талаба) берилган саволга жавоб қайтаради, унинг шериклари ёки гуруҳдошлари жавобни тўлдиришлари мумкин. Бироқ, фикрлар такрорланмаслиги лозим. Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти талабалар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.

**6. "Моделлаштириш" ("modulus" – ўлчов, меъёр) методи** талабаларда ўзлаштирилган мавзу, масала ёки ҳал қилинган муаммо юзасидан мантиқий фикрлаш, мавзу, масала ёки ҳал қилинган муаммонинг умумий моҳиятини модел (шартли белги)лар ёрдамида тасвир шаклида ифодалай олиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллашда танланган объект моҳиятини, муҳим хусусиятларини, устувор жиҳатларини тўла очиб беришга алоҳида эътибор қаратилади. Машғулотларда методдан фойдаланиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади: 1) ўқувчи (талаба)лар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини пухта англайдилар; 2) мавзу (масала, муаммо) моҳиятини тўлақонли ифода этадиган асосий жиҳатлар, таянч тушунчаларни ажратадилар; 3) улар ёрдамида умумий моделни яратадилар; 4) модел ёрдамида ўрганилган мавзу (масала, муаммо)нинг моҳияти тўғрисида жамоага маълумот берадилар; 5) таклиф этилган моделнинг мақсадга мувофиқ яратилганлиги, мавзу (масала, муаммо) моҳиятини очиб бера олиши жамоа томонидан муҳокама қилинади.

**7. "Тушунчалар тавсифи" методи** ўрганилаётган мавзуга доир таянч тушунчаларни ажратиш, уларнинг асосий жиҳат (хусусият, белги)ларини аниқлаш ва мазмунини ёритишга хизмат қилади. Методни қўллашда ўқувчи (талаба)ларга қуйидаги схема тавсия этилади:

| **"Тушунчалар тавсифи" методи** | | |
|---|---|---|
| Тушунча | Мазмуни | Муҳим белгилари |
| | | |
| | | |

**8. "Жадвал" методи** ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама этилаётган масала ёки муаммонинг назарий моҳиятини жадвал ёрдамида акс эттириш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллашда ўқувчи (талаба)лар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини оғзаки баён ёки ёзма

матн кўринишида эмас, балки асосий ғоя, таянч тушунча ва муҳим жиҳатларни жадвалда аниқ, қисқа ифодалаш кўникмаларини ўзлаштирадилар.

Методни қўллаш бўйича ўқувчи (талаба)ларга қуйидаги жадвал намунасини тақдим этиш мумкин:

| Моҳияти | Ижтимоий тарбия турлари | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Маънавий-ахлоқий тарбия | Ақлий тарбия | Жисмоний тарбия | Эстетик тарбия | Меҳнат тарбияси |
| Мақсади | | | | | |
| Вазифалари | | | | | |
| Ўзига хос жиҳатлари | | | | | |

**9. "Кластер" ("кластер" – ғунча, тўплам, боғлам) методи** пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчи (талаба)лар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

Методидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади: 1. Нимани ўйлаган бўлсангиз, уни қоғозга ёзинг. Фикрингизнинг сифати ҳақида ўйлаб ўтирмай, шунчаки ёзиб боринг. 2. Ёзувингизнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг. 3. Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунича, ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бирор бир ғояни ўйлай олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг. Бу ҳаракатни янги ғоя туғилгунига қадар давом эттиринг. 4. Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғлиқликни кўрсатинг.

Метод ёрдамида ўқувчи (талаба)лар топшириқ юзасидан фикрларини кластер (майда, алоҳида қисмлар) тарзида қуйидагича ифодалайдилар:



**10. Мулоқот тренинги** ўқувчи (талаба)ларда дарс жараёнида мустақил фикрлаш, ўз фикрини эркин баён этиш, баҳслашиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Унга кўра машғулотда ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бириккан ҳолда ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтарадилар. Ўқувчи (талаба)лар мавзу юзасидан материал, далил, фикрларини тасдиқловчи кўргазмали воситалар, имкони бўлса, видеофильм,

мақола, иқтибос ва бошқаларни тайёрлайдилар. Гуруҳнинг бир аъзоси ечимни жамоа эътиборига ҳавола қилади. Сўнгра рақиб жамоанинг топшириқ юзасидан фикри тингланади. Кейинги босқичда гуруҳлар бир-бирларига савол берадилар. Ўқитувчи ҳар икки томоннинг савол-жавобларини тинглагач, билдирилган фикрларни умумлаштиради, шахсий фикрини баён қилади ва ўқувчи (талаба)ларнинг саволларига жавоб беради.

**11. “ФСМУ” технологияси** ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: 1) ўқитувчи технология моҳиятини ёритиб, ўқувчи (талаба)ларни технологиядан фойдаланиш шартлари билан таништиради; 2) ҳар бир ўқувчи (талаба)га “ФСМУ” технологиясининг схемаси туширилган қоғозларни тақдим этади; 3) ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларга ушбу схема асосида мавзу моҳиятини ёритишга оид топшириқни беради; 4) ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларда топшириқни бажарадилар; 5) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага маълум қилади; 6) жамоа гуруҳларнинг ечимларини муҳокама қилади; 7) ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларнинг машғулот самарадорлиги борасидаги фикрларини тинглайди, машғулотга якун ясайди.

Ўқувчи (талаба)лар қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади:

| № | Тушунчалар | (Ф) | (С) | (М) | (У) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Таълим методлари | | | | |
| 2. | Таълим воситалари | | | | |
| 3. | Таълимни ташхис қилиш | | | | |
| Изоҳ: шартли белгилар қуйидаги мазмунни англатади:<br>(Ф) – фикрингизни баён этинг;<br>(С) – фикрингизни асословчи бирон сабабни кўрсатинг;<br>(М) – кўрсатилган сабабнинг асосли эканлигини исботловчи мисол келтиринг;<br>(У) – фикрингизни умумлаштиринг | | | | | |

**12. “Синдикат” методи** ўқувчи **(**талаба)ларда мавзу (масала, муаммо)ни ижодий ўрганиш, назарий билимларни умумлаштириш, тизимлаш асосида қисқа, аниқ баён қилиш қобилиятини тарбиялашга хизмат қилади. Методни қўллаш жараёнида ўқувчи (талаба)лар учта кичик гуруҳларга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ ягона топшириқни уч хил вариантда ҳал этишлари лозим. Масалан, тарбия жараёнининг моҳиятини 1-гуруҳ схема, 2-гуруҳ кластер, 3-гуруҳ эса жадвал тарзида очиб беришлари керак. Гуруҳлар топшириқни бажариб бўлишгач, улар томонидан тақдим этилган ечим (ишланма)лар жамоа томонидан муҳокама қилинади.

**13. “Давралар” методи** ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу юзасидан мустақил, мантиқий фикрлаш, бошқалар томонидан билдирилаётган фикрларни тинглай олиш, уларни тўлдириш, шахсий фикрларини асослаш ва хулоса чиқара олиш қобилиятини тарбиялашга хизмат қилади. Методни

қўллашда ўқувчи (талаба)лар давра қуриб ўтиришлари, ўртага ташланган савол юзасидан ўз тушунчаларини баён этишлари лозим. Бунда ўқувчи (талаба)лар ўзларига навбат келишини кутиб ўтирмасдан, мавзу (савол, масала, муаммо) юзасидан билганларини айта олишлари керак. Методни қўллашда ҳар бир ўқувчи (талаба)нинг иштироки таъминланиши, муҳокамага ўз ҳиссаларини қўшишлари муҳим саналади. Зеро, методнинг асл мақсади мавзу юзасидан ҳар бир ўқувчи (талаба)нинг фикрини билишдир. Ҳар бир ўқувчи (талаба) томонидан фикр билдирилаётганда унинг сўзини бўлиш, қўшимча қилиш ҳеч ҳеч кимга, ҳатто ўқитувчига ҳам рухсат этилмайди. Ўқитувчи муҳокаманинг якунида билдирилган фикрларни умумлаштириши, ўқувчи (талаба)ларнинг иштирокларини кўрсатиб ўтиши мумкин. Ушбу метод, одатда, машғулотнинг бошланиши ёки якунида қўлланилади.

**14. “Муаммоли вазият” методи** ўқувчи (талаба)ларни ўрганилаётган мавзу бўйича муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини ўрганиш ва ечимларини топишга ундаш орқали уларда муайян кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилади. Машғулотлар жараёнида “Муаммоли вазият” методини қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: 1) мавзу юзасидан муаммоли вазиятларни шакллантириш; 2) муаммоли вазият мазмуни билан ўқувчи (талаба)ларни таништириш; 3) ўқувчи (талаба)ларни кичик гуруҳ (жуфтлик)ларга ажратиш; 4) гуруҳ (жуфтлик)ларнинг муаммоли вазият ечимини топиш бўйича амалий фаолиятни ташкил этишлари; 5) гуруҳ (жуфтлик)лар томонидан муаммоли вазият юзасидан ўз ечимларини баён қилишлари; 6) гуруҳ (жуфтлик)ларнинг ечим борасидаги фикрларини умумлаштириш; 7) гуруҳ (жуфтлик)лар томонидан тақдим этилган ечимларнинг мақбуллик даражасини ўрганиш (оммавий муҳокама қилиш, экспертлар муҳокамасидан ўтказиш); 8) энг тўғри, мақбул ечимни аниқлаш.

**15. “Баҳс-мунозара” методи** икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вақт оралиғи ва қатъий қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳси бўлиб, ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу бўйича эркин, асосли фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқув машғулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишда мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади.

**16. “Заковатли зукко” методи** мавжуд билимларни пухта ўзлаштиришда ўқувчи (талаба)ларнинг фикрлаш, тафаккур юритиш лаёқатларига эгаликлари муҳим аҳамиятга эга. Метод ўқувчи (талаба)ларда тезкор фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга, уларнинг тафаккур тезликларини аниқлашга ёрдам беради. Методни қўллаш ўз хоҳишига кўра шахсий имкониятларини синаб кўриш истагида бўлган ўқувчи (талаба)лар учун қулай имкониятни яратади. Улар ўқитувчи томонидан берилган саволларга қисқа муддатларда тўғри ва аниқ жавоб қайтара олишлари зарур. Саволларнинг мураккаблик даражасига кўра ҳар бир саволга қайтарилган тўғри жавоб учун баллар белгиланади. Якуний балларнинг ўртача арифметик қийматини топиш асосида ўқувчи (талаба)ларнинг тафаккур тезлиги аниқланади.

**17. “Лойиҳалаш” методи** ўқувчи (талаба)лар томонидан индивидуал, гуруҳ ёки жамоа тарзида аниқ белгиланган вақт оралиғида ўрганилаётган мавзу бўйича ахборотларни йиғиш ва тадқиқ қилишга хизмат қилади. Машғулотларда мазкур методдан фойдаланиш ўқувчи (талаба)ларда режалаштириш, қарор қабул қилиш, фаолиятни амалга ошириш, маълумотларни қайта текшириш, мавжуд маълумотларга таянган ҳолда хулоса чиқариш, натижаларни баҳолаш кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беради. Методни қўллаш вақтида ўқувчи (талаба)лар мавзу бўйича янги лойиҳаларни ярата олишлари лозим. Лойиҳаларни яратишда таклиф этилган жараённинг моҳияти қисқа, аниқ фикр, белги, тавирлар ёрдамида ифодаланиши зарур. Методнинг дидактик имкониятлари қуйидагилар билан белгиланади: 1) ўқувчи (талаба)ларда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиради, ривожлантиради; 2) уларда мавзуларни мустақил ўрганиш эҳтиёжини қарор топтиради; 3) ўқувчи (талаба)ларда ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини шакллантиради.

**18. “Суҳбат” методи** машғулот жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи (талаба)лар ўртасида савол ва жавоб шаклида ташкил этиладиган диалогик таълим методи бўлиб, жонли мулоқотга асосланади. Методнинг афзаллиги суҳбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, ўқувчи (талаба)нинг фикрлашга ундаш имконияти мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (талаба)лар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради. Мазкур методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади: 1) ўқитувчи мавзу юзасидан ўқувчи (талаба)лар ўзлаштиришлари лозим бўлган масалаларга оид саволларни ишлаб чиқади; 2) ўқувчи (талаба)лар саволлар билан таништирилади; 3) улар саволлар юзасидан мулоҳаза юритиб, масала моҳиятини юритишга киришадилар; 4) агарда ўқувчи (талаба)ларнинг жавоблари қониқарли деб топилса, навбатдаги савол берилади; 5) борди-ю, жавоб қониқарли деб топилмаса, у ҳолда ўқитувчи ўқувчи (талаба)га айнан мана шу масалани ойдинлаштиришга ёрдам берадиган қўшимча савол беради; 6) ўрганилаётган масаланинг моҳияти тўла ёритилгач, суҳбат жараёнига якун ясалади.

**19. “6х6х6” методи** ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар ўқувчи (талаба)ни муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. Ушбу метод асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳи томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар, ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

Мазкур метод ёрдамида машғулотлар қуйидаги тартибда ташкил этилади:

1. Машғулотдан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қўйиб чиқилади.
2. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан 6 та гуруҳга бўлинадилар. Ўқувчиларни

гуруҳларга бўлишда ўқитувчи қуйидагича йўл тутиши мумкин: 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани қўйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит ҳамда акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир ўқувчи (талаба) ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди.

3. Ўқувчилар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқларни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этилади.

4. Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар кўрсатади, гуруҳлар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри ҳал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг гуруҳлардан мунозараларни якунлашларини сўрайди.

5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6 та гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчилар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосалар (топшириқ ечимлари)ни муҳокама қиладилар ва якуний хулосага келадилар.

**20. “Ижодий иш” методи** ўқувчи (талаба)ларни ижодий фаолликка ундаш орқали уларда ўзлаштирилган назарий билимлар асосида мавзу моҳиятини ёритиш, янгича талқин қилиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур методни қўллаш жараёнида ўқувчи (талаба)ларнинг эркинлиги таъминланади, мустақил фикрлашлари учун имконият яратилади. Улар мавжуд билимларига таянган ҳолда ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб берадилар. Ягона талаб ўқувчи (талаба)лар мантиқан тўғри фикрлай олишлари, шахсий мулоҳазаларини далиллар билан исботлай билишлари лозим.

**21. “Тест” (инглизча “синов”, “текшириш”) технологияси** шахснинг психофизиологик ва шахсий хусусиятлари, интеллектуал салоҳияти, қобилият, кўникма ва малакаларини текширишга хизмат қилади. Ушбу метод ўқувчи (талаба)лар томонидан муайян мавзу мазмуни ёки фан асосларининг қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлашда самарали ҳисобланади.

**22. “Дебат” (французча “debattere” сўзидан олинган бўлиб, “debats” – “баҳслашмоқ”) технологияси** йиғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қилади. Ўқув машғулотларида дебат қуйидаги тартибда уюштирилади: 1) ўрганилаётган мавзу юзасидан баҳс юритилиши зарур бўлган муаммо танланади; 2) баҳслашиш учун икки нафар ўқувчи (талаба, гуруҳ ёки жуфтликлар)нинг эътиборларига танланган муаммо ҳавола этилади; 3) ўқувчи (талаба, гуруҳ ёки жуфтликлар)нинг муаммо юзасидан

фикрлари тингланади; 4) экспертларнинг фикрлари ўрганилади; 5) дебатда билдирилган фикрлар юзасидан хулоса чиқарилади; 5) дебат якунланади.

**23. “Нилуфар гули” технологияси** дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бири бўлиб, шаклан нилуфар гули кўринишига эга. Ягона асос, унга бириккан тўққизта “гул барг” (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган мазкур метод ёрдамида етакчи муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади. Ўқувчи (талаба)ларда ҳал этилаётган масала юзасидан мантиқий, изчил фикрлаш, ички моҳиятини таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган мазкур методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади: 1) ҳал этиладиган масала аниқлаштирилади; 2) ўқувчи (талаба)лар топшириқ мазмуни ва уни ечиш шартлари билан таништириладилар; 3) ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳлар (ёки жуфтликлар)га бириктириладилар; 4) гуруҳ ёки жуфтлик аъзолари марказий тўрт бурчак (квадрат, айлана)да асосий муаммо (ғоя, вазифа)ни қайд этадилар; 5) мазкур масала ечими юзасидан фикр юритиб, марказий тўртбурчак (квадрат, айлана) атрофида саккизта худди шундай ёрдамчи чизмаларни ҳосил қиладилар, уларда масаланинг хусусий ечимларини баён этадилар; 6) ёрдамчи шаклларда ифодаланган ғояларни “гулнинг барглари”га, яъни алоҳида яна шундай мажмуага олиб чиқадилар (ўз навбатида уларнинг ҳар бири яна бир муаммо кўринишини олади); 7) ёрдамчи чизмаларда ҳам асосий муаммо (ғоя, вазифа) ёритилган чизма каби “гул барглар”да хусусий масала ва ечимлар акс эттирилади; 8) ўрганилаётган масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, бу жараён бир неча бор такрорланиши мумкин; 9) ҳар бир гуруҳ ёки жуфтликлар топшириқ юзасидан ўз ечимларини тақдимот тарзида баён этадилар; 10) гуруҳлар томонидан тақдим этилган ечимлар муҳокама қилинади ва энг тўғри вариант аниқланади.

Ўқувчи (талаба)ларга қуйидаги схема намуна сифатида тақдим этилади:




**24. “Схема” технологияси** ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала моҳиятининг асосий хусусият ёки белгиларига мувофиқ схема, тасвир ёки расм орқали ифодалашини таъминлайди. Технологияни қўллаш ўқувчи (талаба)дан масалага ижодий ёндашишни тақозо этади. Топшириқни бажариш жараёнида ўқувчи (талаба)лар ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича ўзлаштирган назарий билимларини ёдга олади, энг муҳим

хусусият, белгиларни аниқлайди, уларни умумлаштиради ёки таркибий қисмларга ажратган ҳолда схемани яратади. Ўқувчи (талаба)ларда фикрлаш, ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш, ривожлантиришга хизмат қилувчи ушбу метод ғоянинг қисқа, аниқ ифодаланиши учун шароит яратади.

**25. "Кичик эссе" (французча "essai" – синов, синаб кўриш, очерк, лотинча "exagium" - ўлчамоқ) технологияси** кичик ҳажмли, эркин баён усулига эга бўлиб, ўрганилаётган муаммо ёки таҳлил қилинаётган масала юзасидан шахсий таассурот, тасаввурларни ифодалашга хизмат қилади. Мазкур метод ўқувчи (талаба)лар томонидан ўрганилган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича эркин фикр билдириш, мазмун-моҳиятини қайта баён қилиш имконини беради. Кичик эссени яратиш жараёнида ўқувчи (талаба)лар мавзу ғояларини умумлаштириш, тизимлаштириш, туркумлаштириш, хулосаларни баён этиш имконига эга бўладилар. Машғулотлар чоғида мазкур методни қўллаш қуйидаги тартибда йўлга қўйилади: 1) ўқитувчи кичик эссени яратиш учун муаммо ёки масалани танлайди; 2) танланган муаммо, масала билан ўқувчи (талаба)ларни таништиради; 3) ўқувчи (талаба)лар муаммо, масаланинг умумий моҳияти юзасидан фикр юритадилар; 4) ўқувчи (талаба)лар шахсий фикрларини баён этиш усулини белгилаб оладилар; 5) кичик эссени яратадилар; 6) кичик эссе гуруҳ ўқувчи (талаба)ларининг эътиборларига ҳавола этилади; 7) гуруҳ аъзолари эссе юзасидан ўз фикрларини билдирадилар.

**26. "Т-жадвал" технологияси** ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини ёритиш мақсадида бир неча асосий белги, таянч тушунчаларнинг мазмуни уларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида очиб берилади. Кўп ҳолларда мазкур технология мавзу асосини ташкил этувчи бир неча ҳолатларнинг афзалликлари ёки камчиликларини, самарадорлик ва самарасизлик даражасини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади. Ушбу технологияни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: 1) ўқувчи (талаба)лар эътиборига ўрганиладиган мавзу, масала ёки топшириқ ҳавола этилади; 2) ўқувчи (талаба)лар "Т-жадвал" методини қўллаш шартлари билан таништириладилар; 3) ўқувчи (талаба)лар гуруҳ (жуфтлик)ларга бириктириладилар; 4) ажратилган вақт оралиғида гуруҳ (жуфт)ликлар жадвал шаклида берилган топшириқ моҳиятига кўра қиёсий таққослашни амалга оширади, яъни жадвалнинг чап ва ўнг томонларига масаланинг бир-бирига зид ҳолатларни баён этадилар; 5) гуруҳ (жуфтлик)лар томонидан тўлдирилган жадваллар ўзаро солиштирилади; 6) масаланинг ечими юзасидан якуний хулосага келиниб, ягона "Т-жадвал" шакллантирилади.

"Т-жадвал" методидан фойдаланиш учун қуйидаги схема тақдим этилади:

| Ўрганилаётган масала (ғоя, омил) | |
|---|---|
| Афзаллиги | Камчилиги |
| | |
| | |
| | |
| | |

**27. “Тавсиянома” технологияси** ўқувчи (талаба)ларда муайян йўналишда ташкил этиладиган педагогик фаолият самарадорлигини таъминлаш юзасидан муайян тавсияларни илгари суриш кўникмасини шакллантиради. Илгари сурилаётган тавсиялар мазмунан масаланинг ечимини топишга ёрдам бериши, илмий жиҳатдан педагогик амалиётга мос келиши талаб этилади. Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади: 1) ўқитувчи тавсиянома тайёрлаш талаб этилган масалани аниқлаштиради; 2) ўқувчи (талаба)ларга бу ҳақида эълон қилади; 3) улар фикрлаш орқали масаланинг ечимини топишга ҳаракат қиладилар; 4) масаланинг умумий моҳиятини қайта ёдга олиш орқали унинг муҳим жиҳатларини белгиланади; 5) белгиланган муҳим жиҳатларга таянган ҳолда муайян тавсиялар ишлаб чиқилади; 6) илгари сурилаётган тавсиялар ва уларнинг самарадорлиги муҳокама қилинади; 7) якуний хулосага келинади.

Технологияни қўллашда ўқувчи (талаба)лар гуруҳ (жуфтлик)ларга бирлашиб, ёки алоҳида фаолият юритишлари мумкин. Машғулот жараёнида ўқувчи (талаба)лар билдирган барча тавсиялар умумлаштирилади.

**28. “Вен диаграммаси” стратегияси** ўқувчи (талаба)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндошув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. Стратегия кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:




Стратегия ўқувчи (талаба)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ушбу стратегиядан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

“Вен диаграммаси” стратегияни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

1) ўқувчи (талаба)лар тўрт гуруҳга бўлинади;

2) ёзув тахтасига топшириқни бажариш моҳиятини акс эттирувчи схема чизилади;

3) ҳар бир гуруҳга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида топшириқлар берилади;

4) топшириқлар бажарилгач, гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади;

5) лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс этган диаграммани тўлдирадилар

Стратегиясини қўллаш жараёнида ҳар бир гуруҳ муайян мавзудаги топшириқни бажаради. Ўқувчи (талаба)лар учун қуйидаги жадвални тақдим этиш мумкин:

| Гуруҳлар | Диаграмманинг тартиб рақами | Топшириқлар мазмуни |
|---|---|---|
| 1- гуруҳ | 1-диаграмма | |
| | 2-диаграмма | |
| | 3-диаграмма | |
| 2-гуруҳ | 1-диаграмма | |
| | 2-диаграмма | |
| | 3-диаграмма | |
| 3-гуруҳ | 1-диаграмма | |
| | 2-диаграмма | |
| | 3-диаграмма | |
| 4-гуруҳ | 1-диаграмма | |
| | 2-диаграмма | |
| | 3-диаграмма | |

**29. “Слайд” технологияси** ўқувчи (талаба)ларда мавзу юзасидан ўзлаштирилган назарий билимларини компьютер воситасида намойиш этиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Технология ўқувчи (талаба)ларни ижодий фикрлашга ҳам ундайди. Слайдларни яратиш учун улар мавзу моҳиятини ёритувчи асосий ғоя ва тушунчаларни ажрата билиш, улар ўртасида ўзаро мантиқий боғлиқликни юзага келтириш лаёқатларига эга бўлишлари лозим. Машғулот жараёнида технологияни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: 1) ўқитувчи томонидан топшириқ учун мавзу, масала ёки муаммо танланади; 2) ўқувчи (талаба)ларга бу ҳиқида маълумот берилади; 3) улар берилган топшириқ бўйича ўзлари ўзлаштирган назарий билимларни муайян тартибда тизимлаштирадилар, асосий ғоя ва тушунчаларни белгилаб оладилар; 4) белгилаб олинган асосий ғоя ва тушунчаларнинг мазмуни, маъносини шарҳлайдилар; 5) мазкур шарҳлар компьютерда “Power Point” дастури бўйича алоҳида слайдларда акс эттирилади; 6) тайёрланган слайдлар намойиш этилади; 7) ўқувчи (талаба)лар томонидан индивидуал, гуруҳ ёки жуфтлик асосида тайёрланган слайдлар муҳокама қилинади; 8) якуний хулосага келинади; 9) ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни баҳолайди.

Ушбу технология асосида ишлашлари учун талабаларга намуна сифатида қуйидаги ишланма тақдим этилади:




**30. “Ажурли арра” (французча “ajour” – “бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган, икки томони очиқ”) методи** ўқувчи (талаба)ларга яхлит муайян мавзуни бир нечта қисмларга ажратиш орқали моҳиятини ёритиш имконини беради. Ўқувчи (талаба)лар тайёр матнлар билан ишлайдилар. Методни

машғулот жараёнида қўллаш қуйидаги тахлитда амалга оширилади: 1) ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни метод моҳияти билан таништиради; 2) уларни гуруҳларга ажратади; 3) ўзлаштириладиган материаллар матни бир нечта қисмларга ажратилган ҳолда қирқилади; 4) матнли материаллар жойлаштирилган пакет гуруҳларга тарқатилади; 5) гуруҳлар матнли материаллардан фойдаланиб, топшириқни бажарадилар; 6) топшириқ бажариб бўлингач, турлари гуруҳлардан матнни яхши ўзлаштирган ўқувчи (талаба)лар ажратиб олиниб, улардан иборат экспертлар гуруҳи шакллантирилади; 7) эксперт гуруҳи аъзолари ўзлари ўзлаштирган материал мазмунини бошқаларга етказиш режасини тузадилар; 8) экспертлар гуруҳи аъзолари ўзлари ўзлаштирган материал мазмунини бошқа гуруҳларга ҳам ўргатадилар.

Методни қўллашда ўқувчи (талаба)ларнинг мавзуни пухта ўзлаштирганликлари, ўзлари эга бўлган билимларни бошқаларга етказиб бериш лаёқатига эга бўлишлари муҳим саналади.

"Ажурли арра" методининг технологик модели қуйидагичадир:




**31. "Қарорлар шажараси" ("Қарор қабул қилиш") технологияси** методи муайян фан асослари борасидаги бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндошувдир. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хулоса)лар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукаммал тушунишга хизмат қилади.

Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш)да ўқувчи (талаба)лар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул, номақбул жиҳатларини муфассал таҳлил этиш имкониятини яратади. Машғулот жараёнида ўқувчи (талаба)лар қуйидаги чизма асосида тузилган жадвални тўлдирадилар (ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланадилар):




Мазкур технология қуйидаги шартлар асосида қўлланилади:

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулоса (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.

2. Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни 4 ёки 6 нафар кишилардан иборат гуруҳларга ажратади. Муаммонинг ҳал этилиши, у борада энг мақбул қарорнинг қабул қилиниши учун муайян вақт белгиланади.

3. Қарорни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик, номақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир вариантнинг афзаллик, ноафзаллик жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келиб оладилар.

4. Мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳи қарори борасида ахборот берадилар, Зарур ҳолларда ўқитувчи раҳбарлигида барча ўқувчи (талаба)лар билдирилган хулоса (қарор)ларни бир бири билан қиёслайдилар.

Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар борасида саволлар туғилгудек бўлса, уларга жавоблар қайтарилиб борилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади. Агарда барча гуруҳлар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди.

Технологиянинг ўзига хос жиҳати унинг бевосита маълум лойиҳа асосида қўлланилишидадир. Мазкур лойиҳа қуйидаги кўринишга эга:

| "ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ" методи | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| УМУМИЙ МУАММО | | | | | |
| 1-қарор варианти | | 2-қарор варианти | | 3-қарор варианти | |
| Афзаллиги | Камчилиги | Афзаллиги | Камчилиги | Афзаллиги | Камчилиги |
| | | | | | |
| ҚАРОР: | | | | | |

**32. "Ротация" методи** мавзуни кичик гуруҳларда ўрганиш, асосий ғояларни ёзма баён қилиш, гуруҳлар томонидан тақдим қилинган ишларни жамоа иштирокида таҳлил қилиш имконини беради. Машғулот жараёнида методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади: 1) ўрганилаётган мавзуга доир топшириқлар ёзма равишда баён қилиниб, ёзув тахтасига осиб қўйилади;

2) ўқувчи (талаба)лар топшириқлар сонига кўра гуруҳларга бириктириладилар; 3) гуруҳлар ихтиёрий равишда топшириқлар пакетини танлайдилар ва топшириқни бажаришга киришадилар; 4) топшириқнинг ечими ёзма баён қилинади ва гуруҳ ишининг ажратиб олиш осон бўлиши учун пакет устига махсус белгилар қўйилади; 5) топшириқнинг ечими баён қилинган пакетлар гуруҳлар ўртасида ўзаро алмаштирилади; 6) барча топшириқларнинг мазмуни гуруҳлар томонидан ўрганилиб бўлгач, топшириқлар пакетлари йиғиб олинади ва ечимлар умумлаштирилади; 7) ечимлар жамоада муҳокама қилиниб, энг тўғри жавоб танлаб олинади.

**33. "Баҳс-мунозара" методи** икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вақт оралиғи ва қатъий қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳси бўлиб, ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу бўйича эркин, асосли фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқув машғулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишда мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади. Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади: 1) баҳс-мунозара учун танланадиган мавзу ўқувчи (талаба)ларга олдиндан маълум қилинади; 2) жараён бошловчи томонидан бошқарилиб борилади; 3) ўқувчи (талаба)лар индивидуал, гуруҳ (жуфтлик) номидан баҳс юритилаётган масала бўйича шахсий мулоҳазаларни баён қиладилар; 4) баҳсда масаланинг моҳияти, ечими бўйича бир-бирига зид фикрлар илгари сурилади; 5) ечим бўйича асосий фикрни баён этадиган ўқувчи (талаба)ларга 10 минут, қўшимча қилиш истагида бўлганларга эса 5 минутдан вақт берилади; 6) бир ўқувчи (талаба)га икки марта сўзга чиқишга рухсат этилмайди; 7) бошловчи ўқувчи (талаба)ларнинг мавзудан четга чиқмасликларини қатъий назорат қилиб боради, борди-ю, шундай ҳолатлар содир этилса, сўзловчилар бу ҳақида огоҳлантириладилар; 8) баҳс-мунозара юзасидан якуний хулоса бошловчи томонидан билдирилади.

**34. "Қорбўрон" методи** машғулотни ўзаро мусобақа кўринишида ташкил этилишини таъминлайди. Методни қўллаш жараёнида ўқувчи (талаба)лар мавзу юзасидан тезкор, асосли, тўғри фикрлай олишлари лозим. Мазкур методни қўллаш қуйидаги тарзда кечади: 1) ўқувчи (талаба)ларга муҳокама учун танланган мавзу (масала) эълон қилинади; 2) улар "Қорбўрон" методининг моҳияти ва шартлари билан таништириладилар; 3) ўқувчи (талаба)лар икки гуруҳга ажратиладилар; 4) ўқитувчи уларнинг эътиборларига мавзу юзасидан тузилган саволларни ҳавола қилади; 5) ҳар икки гуруҳ ўқувчи (талаба)лари берилган саволга биринчи бўлиб, тўғри жавоб топишга ҳаракат қилишлари лозим; 6) гуруҳларнинг ҳар бир тўғри жавоби юмалоқланган қор кўринишида уларнинг ҳисобига ёзув тахтасида ёзиб борилади; 7) барча саволлар бериб бўлингач, гуруҳлар томонидан тўпланган баллар умумлаштирилади ва ғолиб жамоа (гуруҳ) аниқланади.

**35. "Асалари галаси" методи** ўрганилаётган мавзу бўйича танланган муаммонинг аудиторияда умумий ёки кичик гуруҳларда таҳлил қилинишига ёрдам беради. Методни қўллашда кичик гуруҳларга бериладиган топшириқлар бир хил ёки турлича бўлиши мумкин. Гуруҳларга берилган топшириқ муайян

муддат ичида муҳокама қилиниб, натижага барчага маълум қилинади. Машғулот сўнггида масаланинг энг мақбул ечими танлаб олинади.

**36. “Лойиҳалаш” методи** ўқувчи (талаба)лар томонидан индивидуал, гуруҳ ёки жамоа тарзида аниқ белгиланган вақт оралиғида ўрганилаётган мавзу бўйича ахборотларни йиғиш ва тадқиқ қилишга хизмат қилади. Машғулотларда мазкур методдан фойдаланиш ўқувчи (талаба)ларда режалаштириш, қарор қабул қилиш, фаолиятни амалга ошириш, маълумотларни қайта текшириш, мавжуд маълумотларга таянган ҳолда хулоса чиқариш, натижаларни баҳолаш кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беради.

Методни қўллаш вақтида ўқувчи (талаба)лар мавзу бўйича янги лойиҳаларни яратишлари лозим. Лойиҳаларни яратишда таклиф этилган жараённинг моҳияти қисқа, аниқ фикр, белги, тасвирлар билан ифодаланади.

Методнинг дидактик имкониятлари қуйидагилар билан белгиланади: 1) ўқувчи (талаба)ларда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиради, ривожлантиради; 2) уларда мавзуларни мустақил ўрганиш эҳтиёжини қарор топтиради; 3) ўқувчи (талаба)ларда ҳамкорликда ишлаш кўникмалари шаклланади.

**37. “Инсерт” методи** ўзлаштирилиши кўзда тутилган янги мавзу бўйича ўқувчи (талаба)ларнинг муайян тушунчаларга эгаликларини аниқлаш, уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Стратегияни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади: 1) кичик гуруҳлар шакллантирилиб, улар номланади; 2) ҳар бир гуруҳдан ўзлаштирилиши режалаштирилаётган мавзуга оид иккита фикр билдириш сўралади; 3) гуруҳлар навбатма-навбат мулоҳазаларни баён этадилар; 4) баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади; 5) сўнгра ўқитувчи янги мавзу моҳиятини ёритувчи мантни гуруҳларга тарқатади; 6) гуруҳлар матн билан танишиб чиқиб, матн ва ўзлари билдирган фикрларнинг бир-бирига қай даражада мувофиқ келганлигини аниқлайдилар (ўхшашлик ва фарқлар махсус белгилар ёрдамида қайд этилади); 7) гуруҳ аъзолари шахсий қарашларини ифода этадилар ва махсус белгилар сони умумлаштирилади; 8) гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар белгиланади; 9) лидерлар синф жамоасини гуруҳ натижалари билан таништирадилар; 10) гуруҳларнинг ёндашувлари умумлаштирилиб, якуний хулоса чиқарилади.

Методни қўллашда ўқувчи (талаба)лар қўйидаги схемалар билан ишлайдилар:

1. Матн гуруҳларнинг фикрлари билан қиёсий таққосланганда:

| Махсус белгилар | Махсус белгиларнинг маъноси |
|---|---|
| Z | Матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса |
| S | Матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топмаган бўлса |
| ? | Матн билан танишиш жараёнида саволлар туғилса (тушунмовчиликлар юзага келса) |

2. Лидерларнинг ҳисоботидан сўнг гуруҳларнинг натижаларини ўрганиш чоғида:

| Махсус белгиларнинг тартиб рақамлари | Гуруҳларнинг номлари | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Коперник | Галилей | Форобий | Ибн Сино |
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

**38. “Зиг-заг” методи** ўқувчи (талаба)лар билан гуруҳ асосида ишлаш, мавзуни тезкор ва пухта ўзлаштиришга хизмат қилади. Методнинг афзаллиги: 1) ўқувчи (талаба)ларда жамоа (гуруҳ) бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланади; 2) мавзуни ўзлаштиришга сарфланадиган вақт тежалади.

Методни қўллашда қуйидагича амалга оширилади: 1) синф ўқувчи (талаба)лари бир неча (5-7 та) гуруҳга бўлинади; 2) янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн ҳам тегишли равишда 5-7 та қисмга ажратилади; 3) ҳар бир гуруҳга мавзунинг муайян қисми (1-матн, 2-матн, ... ва ҳоказолар) берилади ва уни ўрганиш вазифаси топширилади; 4) белгиланган вақт мобайнида гуруҳлар матн устида ишлайдилар; 5) вақтни тежаш мақсадида гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади, улар ўрганилган матнга оид асосий маълумотларни гуруҳдошларига сўзлаб берадилар; 6) лидерларнинг фикри гуруҳ аъзоларидан томонидан тўлдирилиши мумкин; 7) барча гуруҳлар ўзларига берилган матнни пухта ўзлаштирганларидан сўнг матнлар гуруҳлараро алмаштирилади; 8) бу босқичда ҳам юқоридаги фаолият такрорланади; 9) шу таҳлитда мавзу моҳиятини ёритувчи яхлит матн ўқувчи (талаба)лар томонидан ўзлаштирилади.

**39. “Режа” методи** ўқувчи (талаба)ларда ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятни ташкил этишга оид режани ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллаш ўқувчи (талаба)лардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий ғояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиш лаёқатига эга бўлишни тақозо этади. Бу метод асосан маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга йўналтирилган педагогик фаолиятни йўлга қўйишда қўлланилади. Режани ишлаб чиқишда педагогик вазият, таълим олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, маънавий-маърифий ишнинг йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эгалик инобатга олинади.

**40. “Юмалоқланган қор” методи** мавзуни муайян қисмларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини беради, ўқувчи (талаба)ларда гуруҳ ва жуфтликда ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллашда ўқувчи (талаба)лар жуфтлик, гуруҳ ёки жамоа бўлиб ишлари мумкин.

Методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: 1) ўрганиладиган мавзу ёки мавзу юзасидан маълум масала танланади; 2) ўқувчи (талаба)ларга танланган масала ва методни қўллаш қоидалари тушунтирилади; 3) улар кичик гуруҳларга бириктириладилар (имкон қадар гуруҳларнинг сони жуфт рақамларни ташкил этиши лозим); 4) бажариш учун ҳар бир гуруҳга биттадан топшириқ берилади; 5) гуруҳлар топшириқни бажарадилар; 6) гуруҳлар топшириқни бажариб бўлишгач, тартиб рақамларига кўра икки гуруҳ ўзаро бирлашади (яъни, 1- ва 2-гуруҳ; 3- ва 4-гуруҳ); 7) янгидан шаклланган

гуруҳларда кичик гуруҳларда бажарилган топшириқлар ўрганилади; 8) барча гуруҳлар ягона жамоа бўлиб бирлашиб, катта гуруҳларда ўрганилган масалалар муҳокама қилинади; 8) топшириқлар юзасидан умумий хулосага келинади.

"Юмалоқланган қор ўйини" методидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш ниҳоятда қулай.

**41. "Нима учун?" методи** ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган муаммо ёки масала моҳиятининг ёритувчи сабабларни аниқлаш юзасидан мустақил фикр юрита олиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллаш жараёнида ўқувчи (талаба)лар муаммо (масала)нинг ечимини топишга тизимли, ижодий ёндашишлари, шу билан бирга сабабларни таҳлил таҳлил қила олиш талаб этилади. Машғулотлар жараёнида методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: 1) ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни методнинг моҳияти ва шартлари билан таништиради; 2) ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бириктириладилар; 3) ўқитувчи гуруҳларга ўрганилаётган мавзу бўйича маълум масалаларни топширади; 4) гуруҳлар масаланинг ечимини ифодалаши зарур бўлган схемани яратадилар; 5) схемада муаммо (ёки масала)нинг юзага келиш сабаблари акс эттирилади; 6) гуруҳлар ишлари жамоада муҳокама қилинади.

Методни қўллаш шартлари қуйидагича: 1. Схемада акс этадиган шакллар (айлана, тўғри тўртбурчак, квадрат ёки учбурчаклар)ни ўқувчи (талаба)лар мустақил танлайдилар. 2. Схеманинг таркибий тузилиши – мулоҳазалар занжирининг тўғри чизиқли, тўғри чизиқли эмаслиги ҳам ўқувчи (талаба)лар томонидан белгиланади. 3. Йўналиш кўрсаткичлари ўқувчи (талаба)ларнинг дастлабки ҳолатдан ечимни топишгача бўлган фаолиятларини ифодалайди.

**42. "Концептуал жадвал" методи** ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу, масала ёки муаммони унинг икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Методдан фойдаланишда ўқувчи (талаба)ларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилияти ривожланади. Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда кечади: 1) ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган масалани аниқлайди; 2) ўқувчи (талаба)лар масала ва методдан фойдаланиш қоидаси билан таништириладилар; 3) улар кичик гуруҳларга бириктириладилар; 4) гуруҳлар ўзларига берилган топшириқни барадилар; 5) гуруҳлар ечимни жамоа ҳукмига ҳавола этадилар; 6) гуруҳларнинг ечимлари жамоада муҳокама қилинади.

Ўқувчи (талаба)лар эътиборига қуйидаги намунани тавсия этиш мумкин:

| Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жиҳатлар | Муҳим белгилар, тавсифлар | | |
|---|---|---|---|
| | 1-белги (тавсиф) | 2-белги (тавсиф) | 3-белги (тавсиф) |
| 1-жиҳат | | | |
| 2-жиҳат | | | |
| ... | | | |

**43. "Тоифалаш" методи** ўқувчи (талаба)ларни ўрганилаётган мавзу бўйича муҳим хусусият, жиҳатларни аниқлаш, уларни ифода этувчи маълумотларни бирлаштиришга ўргатади. Методни қўллашда ўқувчи

(талаба)ларда мантиқий фикрлаш, муҳим хусусиятларни ёритувчи маълумотларни муайян тизимга келтириш кўникмаларини шакллантиради. Машғулотларда методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади: 1) ўқитувчи муҳим хусусиятлари аниқланиши лозим бўлган мавзу, масала ёки муаммони аниқлашди; 2) ўқувчи (талаба)лар танланган мавзу (масала, муаммо) ҳамда "тоифалаш" методини қўллаш шартлари билан таништириладилар; 3) ўқувчи (талаба)ларга маълум топшириқлар берилади; 4) гуруҳлар топшириқни бажарадилар (мавзу моҳиятини ёритувчи муҳим хусусиятларни аниқлайдилар, уларни жадвал ёрдамида ифодалайдилар); 5) гуруҳлар ўз ечимларини жамоа эътиборига тақдим этади; 6) жамоа томонидан гуруҳларнинг ишлари муҳокама қилинади.

Методдан фойдаланишда ўқувчи (талаба)лар қуйидагиларга эътибор қаратадилар: 1. Муҳим хусусиятлар (тоифалар)ни ёритишга нисбатан ягона талаб қўйилмайди. 2. Гуруҳларга бир хил топшириқ берилганда бир гуруҳнинг ечими иккинчи гуруҳнинг ечимидан фарқланиши мумкин. 3. Ўқувчи (талаба)ларга ўқитувчи томонидан мавзу моҳиятини ёритувчи муҳим хусусиятлар ҳақида маълумот бериш мумкин эмас, муҳим хусусиятларни излаш жараёни ҳам уларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши шарт.

**44. "Ақлий ҳужум" методи** ўқувчи (талаба)ларда мавзу хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. Бу метод ёрдамида ташкил этилган машғулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оргинал ечимларни топиш имконияти туғилади. Метод танланган мавзулар доирасида маълум қадриятларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Методдан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим: 1) ўқувчи (талаба)ларнинг ўзларини эркин ҳис этишларига шароит яратиб бериш ғояларни ёзиш бориш учун ёзув тахтаси ёки варақларни тайёрлаб қўйиш; 2) муаммо (ёки мавзу)ни аниқлаш; 3) машғулот жараёнида амал қилинадиган шартларни белгилаш; 4) билдирилаётган ғояларни уларнинг муаллифлари томонидан асосланишига эришиш ва уларни ёзиб олиш қоғоз варақлари ғоя (ёки фикр)лар билан тўлгандан сўнг уларни ёзув тахтасига осиб қўйиш; 5) билдирилган фикрларни янги ғояларнинг турлича ва кўп миқдорда бўлишига аҳамият қаратиш; 6) бошқалар томонидан билдирилаётган фикрларни ёдда сақлаш, уларга таяниб янги фикрларни билдириш, билдирилган фикрлар асосида муайян хулосаларга келиш каби ҳаракатларнинг ўқувчи (талаба) томонидан содир этилишига эришиш; 7) ўқувчи (талаба) томонидан билдирилаётган ҳар қандай ғоя баҳоланмайди; 8) ўқувчи (талаба)ларнинг мустақил фикр юритишлари, шахсий фикрларини илгари суришлари учун қулай муҳит яратиш; 9) ғоялар билан бойитиш асосида уларни қувватлаш; 10) бошқалар томонидан билдирилган фикр (ғоя)лар устидан кулиш, кинояли шарҳларнинг билдирилишига йўл қўймаслик; 11) янги ғояларни билдириш давом этаётган экан, муаммонинг ягона тўғри ечимини эълон қилишга шошилмаслик.

Машғулот жараёнида методдан фойдаланишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади: 1. Ўқувчи (талаба)ларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, уларнинг мантиқий фикрларни билдиришларига эришиш. 2. Ҳар бир ўқувчи (талаба) томонидан билдирилаётган фикрлар рағбатлантирилиб борилади. Билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади. Фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги-янги фикрларнинг туғилишига олиб келади. 3. Ҳар бир ўқувчи (талаба) ўзининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди. 4. Машғулот жараёнида ўқувчи (талаба)лар фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди. Уларнинг фикрлари баҳоланиб борилса, ўқувчи (талаба)лар диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда янги фикрлар илгари сурилмайди. Методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи (талаба)ларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш эканлигини ёдда тутиб, уларни баҳолаб боришдан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

**45. “Қандай?” методи** ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу, муаммо юзасидан умумий тасаввурларни ҳосил қилишга имкон беради. Методни қўллашда ўқувчи (талаба)ларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга солиш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари шаклланади. Методни қўллаш: 1) ўқитувчи танланган мавзу, масалани эълон қилади; 2) ўқувчи (талаба)ларни мавзу ва метод билан ишлаш қоидалари билан таништиради; 3) улар гуруҳларга бириктириладилар; 4) гуруҳларга топшириқ берилади; 5) гуруҳларни топшириқни бажарадилар; 6) гуруҳлар томонидан тақдим этилган ечимлар билан жамоа таништирилади; 7) жамоа томонидан гуруҳларнинг ишлари муҳокама қилинади.

Муаммонинг ечими “Буни қандай қилиш керак?”, “Қандай?” саволларига жавоб топиш асосида ҳал қилинади. Муаммони ечишда “нима қилиш керак”лиги тўғрисида ўйланиб қолмаслик лозим. Саволларнинг изчил берилиши муҳим аҳамиятга эга. Методни қўллашда муаммони ечиш имкониятларигина изланмай, уларни қўллаш йўллари ҳам тадқиқ қилинади.

Методни қўллашда қуйидаги шартларга амал қилинади: 1) ўйланган барча ғоялар таҳлил қилинмасдан, баҳоламасдан ва таққосламасдан тезда қайд этилиши керак; 2) шаклланаётган диаграмма тугалланган бўлмай, унга янги ғояларни киритиш мумкин бўлсин; 3) агарда чизмада савол унинг “шохларида” бир неча бор қайтарилса, унда у бирор муҳимликни англатиб, у муаммонинг асосий ечими бўлиши мумкин; 4) янги ғоялар график, кластер ёки тасвир кўринишида бўлишидан қатъий назар юқоридан пастга ёки чапдан ўнгда қайд қилиб борилади ва буни талабаларнинг ўзлари ҳал этадилар; 5) агар талабалар саволларни кўғри қўйсалар ва масаланинг ривожланиш йўналишини объектив белгилай олсалар, у ҳолда ечим тўғри топилади.

**46. “Балиқ секлети” методи** ўқувчи (талаба)ларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Методни

қўллашда ўқувчи (талаба)ларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади. 1) ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни методни қўллаш шарти билан таништиради; 2) улар гуруҳларга бириктириладилар; 3) гуруҳлар топшириқларни бажарадилар; 4) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этадилар; 5) жамоа гуруҳлар ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради.

Ўқувчи (талаба)лар топшириқларни қуйидаги тасвир асосида бажарадиар:




47. **“Кейс-стади” (инглиз тилида “case” мажмуа, аниқ вазият, “stadi” – таълим)** технологияси ўқувчи (талаба)ларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган вазиятнинг муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технология ўқувчи (талаба)ларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.

Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қуйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усуллари ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва ўқувчи (талаба) ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

Кейс-стади технологиясининг умумий тузилмасини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Технологиянинг самарадорлиги ўқув жараёнини қуйидаги технологик босқичларда ташкил этилишига боғлиқ:

1) кейс ечимини топиш бўйича индивидуал ишлаш;

2) кейс ечимини топишда жамоавий ҳамкорликка эришиш.

Мазкур технологияни қўллашда индивидуал ишлашда қуйидаги тартибда иш кўрилади: 1) ўқувчи (талаба)нинг кейс-стади технологияси моҳияти ва ундан фойдаланиш шартлари билан танишиши; 2) ўқувчи (талаба) томонидан тақдим этилган муаммонинг ўрганилиши; 3) муаммо юзасидан асосий ва иккинчи даражали масалаларни ажратиш, шакллантириш ва асослаш; 4) тадқиқот методларини танлаш ва вазиятни таҳлил қилиш; 5) тақдим этилган муаммонинг амалий жиҳатларини ўрганиш; 6) берилган муаммони ечишнинг усул ва воситаларини аниқлаш; 7) тақдим этилган ечимни таълим амалиётига тадбиқ этиш чора-тадбирларини белгилаш.

Кейс-стади бўйича жамоавий ҳамкорлик қуйидаги тартибда амалга ошади:

1) муаммо, унинг ечимлари юзасидан жамоа (гуруҳ) аъзолари ўзаро фикр алмашадилар;

2) масаланинг ечими сифатида тақдим этилган вариантлар муҳокама қилиниб, уларнинг мақбуллик даражаси баҳоланади;

3) муаммоли вазиятнинг ечимини таъминлайдиган аниқ дастур ишлаб чиқилади;

4) масаланинг ечим тўғрисида маълумот берадиган тақдимот тайёрланади ва унда намойиш этиладиган материаллар расмийлаштирилади.

**48. “Ялпи фикрий хужум” технологияси** Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уни бир неча ўн (20-60) нафар ўқувчи (талаба)лардан иборат гуруҳларда қўллаш мумкин. Ушбу метод ўқувчи (талаба)лар томонидан янги ғояларнинг ўртага ташланиши учун шароит яратиб беришга хизмат қилади. Ҳар бири 5 ёки 6 нафар ўқувчи (талаба)ни ўз ичига олган гуруҳларга 15 дақиқа ичида ижобий ҳал этилиши лозим бўлган турли топшириқ ёки ижодий вазифалар берилади. Топшириқ ва ижодий вазифалар белгиланган вақт ичида ижобий ҳал этилгач, гуруҳ аъзоларидан бири ахборот беради.

Гуруҳ томонидан берилган ахборот (топшириқ ёки ижодий вазифанинг ечими) ўқитувчи ва бошқа гуруҳлар аъзолари томонидан муҳокама қилинади, баҳо берилади. Машғулот якунида ўқитувчи берилган топшириқ ёки ижодий вазифаларнинг ечимлари орасида энг яхши ва ўзига хос деб топилган жавобларни эълон қилади. Машғулот жараёнида гуруҳ аъзоларининг фаолиятлари уларнинг иштироклари даражасига кўра баҳолаб борилади.

**49. “Зинама-зина” методи** ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзуни кичик мавзуларга ажратилган ҳолда расм, тасвир, жадвал ёки слайдлар асосида ўрганиш кўникмаларини шакллантиради. Метод ўқувчи (талаба)ларда мавзуни ўрганишга ижодий ёндашиш, шахсий фикр, ўзлаштирилган тушунчаларни тасвирий кўринишларда ифодалаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Ундан фойдаланиш тартиби қуйидагича:

1) ўрганиладиган мавзу муайян қисмларга ажратилиб, алоҳида қоғозларда ифодаланади;

2) ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бириктириладилар;

3) ҳар бир гуруҳга муайян қисмдаги матн тақдим этилади;

4) гуруҳлар ўзларига берилган қисм матни билан танишиб, унинг моҳиятини белгиланган вақт ичида маркерлар ёрдамида расм, тасвир, жадвал ёки слайдлар шаклида ифода этадилар;

5) белгиланган вақт тугагач, гуруҳнинг бир нафар аъзоси ўзлари бажарган иш билан жамоани таништиради;

6) барча гуруҳларнинг ишлари тинглангач, жамоа томонидан ўрганилган мавзунинг умумий образи кичик мавзулар моҳиятини ёритувчи расм, тасвир, жадвал ёки слайдлар асосида мантиқий кетма-кетликда ёзув тахтасида зинама-зина кўринишида жойлаштирилади;

7) ўқитувчи гуруҳлар томонидан тақдим этилган ишларга изоҳ бериб, зарур ўринларга ўзгартиришлар киритади;

8) гуруҳларнинг ишлари уларнинг мазмуни, сифати ва дизайнига кўра баҳоланади (баҳолаш жараёни рангли карточкалар воситасида амалга оширилади, яъни, ўқувчи ( талаба)лар ўзлари сифатли деб топган ишни рангли карточкалар ёрдамида белгилайдилар (иш устига карточка ёпиштирилади), энг кўп карточкага эга ишга юқори балл берилади).

Методни қўллашда ўқувчи (талаба)лар қуйидаги шартларга амал қиладилар: 1) кичик мавзулар бўйича имкони борича маълумотларни тўла баён эта олишлари лозим; 2) кичик гуруҳларнинг ишларига баҳо берадилар.

**50. “Галерея” методи** ўқувчи (талаба)ларда кичик гуруҳ асосида бир йўла бир нечта масалани мухокама қилиш қобилиятини тарбиялайди. Методни қўллаш чоғида гуруҳнинг ҳар бир аъзоси таклиф этилган барча масалалар ечимини топишга ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бшлади.

Машғулотлар даврида “Галерея” методидан фойдаланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1-босқич – масалани қўйиш (ўқитувчи кичик гуруҳларга муайян муаммо (ёки масала)ни ҳал қилиш топшириғини беради;

2-босқич – ҳар бир гуруҳ ўзига топширилган масаланинг ечимини топиш устида ишлайди (бу жараён 5-10 минут ичида кечади);

3-босқич – ҳар бир гуруҳ навбати билан 2-, 3- ва 4-гуруҳга топширилган муаммонинг ечимини топишга киришади (гуруҳлар ҳаракати доира тарзида соат стрелкаси бўйича амалга оширилади; маълум гуруҳ бошқа гуруҳларнинг топшириқ бўйича ечимларини ўрганади, уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради; қўшимчалар қўшади);

4-босқич – гуруҳ ўз ўрнига қайтади;

5-босқич – ҳар бир гуруҳдан бир нафар ўқувчи (талаба) гуруҳ иши билан жамоани таништиради ва улар асосида муҳокама ташкил этилади;

6-босқич – муайян гуруҳ бошқа гуруҳларнинг ечимларига нисбатан ўзлари томонидан билдирилган мулоҳазаларни шарҳлайди;

7-босқич – гуруҳларнинг фикрларига кўра якуний хулосага келинади.

“Галерея” методини қўллаш жараёнини схематик равишда қуйидагича ифодалаш мумкин:




## ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ЁРДАМИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ДАРСЛАРДАН НАМУНАЛАР[8]

Замонавий шароитда таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишга янгича ёндашувни қарор топтириш талаб этилмоқда. Амалиётчи-талабалар ҳам ушбу талабни инобатга олган ҳолда дарсларни инновацион ёндашув асосида ташкил эта олишлари лозим. Бу ўринда улар учун намуна сифатида замонавий дарсларнинг лойиҳалари тавсия этилади.

### Конституциявий ҳуқуқ фанининг предмети, вазифаси

**Дарс мавзуси:** Конституциявий ҳуқуқ фанининг предмети, вазифаси

**Дарс тури:** аралаш дарс.

**Дарс шакли:** маъруза-тақдимот.

**Дарсда қўлланиладиган методлар:** тушунтириш, ҳикоя, тақдимот, манбалар билан ишлаш, машқ, суҳбат, муаммоли вазиятлар, савол-жавоб.

**Таълим воситалари:** дарслик, ёрдамчи материал – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, техник воситалар, кўрсатмали қуроллар, тарқатма материаллар.

**Таълим усуллари:** нутқ, оёқ-қўл, гавда ҳаракатлари.

**Назорат ва баҳолаш усуллари:** суҳбат, савол-жавоб, педагогик кузатиш, якка, гуруҳли ва оммавий сўровлар.

**Дарс мақсадлари: 1) таълимий мақсад:** ўқувчиларни “Конституциявий ҳуқуқ” фанининг предмети ва вазифалари билан таништириш асосида уларда фуқаро сифатида конституциявий ҳуқуқлардан фойдаланиш, мажбуриятларни бажаришга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш;

**2) тарбиявий мақсад:** ўқувчиларда конституциявий ҳуқуқларнинг

[8] Намуналар “Ҳуқуқшунослик” (Karimova O. Huquqshunoslik / Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. To’ldirilgan qayta nashr. – Toshkent: “Sharq” NMAK Bosh tahririyati, 2007. – 175 bet) фани бўйича берилди.

қадрият сифатида англанишини таъминлаш, уларга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш;

**3) ривожлантирувчи мақсад:** ўқувчиларни ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиш, мажбуриятларини бажаришга ўргатиш.

**Дарс вазифалари:**

1) ўқувчиларга “Конституциявий ҳуқуқ” фанининг предмети ва вазифалари тўғрисидаги назарий билимларни бериш;

2) ўқувчиларни фуқаро сифатида конституциявий ҳуқуқлардан фойдаланиш, мажбуриятларни бажаришга оид маълумотлар билан таништириш;

3) ўқувчиларга конституциявий ҳуқуқларнинг ҳар бир халқ учун олий қадрият эканлигини тушунтириш;

4) ўқувчиларда конституциявий ҳуқуқларга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш;

5) ўқувчиларни ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиш ва мажбуриятларини бажаришга ўргатиш.

**Таянч тушунчалар:** конституциявий ҳуқуқий, конституция, конституциянинг ўзига хослиги, конституцияларнинг ривожланиш тарихи, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциянинг таркибий тузилмаси, конституция моддалари.

**Дарс режаси:**

1. Конституциявий ҳуқуқ моҳияти.

2. “Конституция” тушунчасининг луғавий маъноси, конституциянинг ўзига хослиги ва ривожланиш тарихи.

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

**Фойдаланиш учун адабиётлар:**


1. Karimova O. Huquqshunoslik / Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. To’ldirilgan qayta nashr. – T.: “Sharq” NMAK Bosh tahririyati, 2007. – 175 bet.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 46 бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. – Т.: Шарқ нашриёти Бош таҳририяти, 2001. – 191 бет.

4. Азизхўжаев А.А., Ҳусанов О., Азизов Х. Конституциявий ҳуқуқ (Изоҳли луғат). – Т.: Академия, 2001. – 160 бет.


**Дарс жараёнининг бориши:**

**I. Тақдимот (презентация)** воситасида ўқувчиларга “Конституциявий ҳуқуқ” фанининг предмети ва вазифалари тўғрисидаги назарий билимларни беришда қуйидаги маълумотларга таянилди:

**Конституциявий ҳуқуқ** – ижтимоий тузумни, давлат органлари тизимини, шахснинг мавқеини, давлат ҳокимиятини қарор топтиришда юзага келувчи ижтимоий муносабатларни бошқарадиган ҳуқуқий меъёрлар мажмуи

**Конституциявий ҳуқуқ** ижтимоий тузум асосларини мустаҳкамлайди, ижтимоий тузумни тартибга солади

Ижтимоий тузум олий ҳокимият, уни амалга ошириш йўллари, мулкчилик шакллари ва турлари, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар мазмунини ёритади

Ҳар бир давлат Конституциясининг ғоялари халқнинг ижтимоий мақсадини, фуқароларнинг фаолиятларини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб беради

Конституциявий ҳуқуқ ҳар қандай давлатда амал қилинадиган барча ҳуқуқий меъёрларни етакчи тармоғи, бошланғич асосидир

Барча ҳуқуқий меъёрлар Конституция ва унда ифодаланган ғоялардан келиб чиқади, уларга бўйсунади

“Конституциявий ҳуқуқ” фани ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида давлат мустақиллигини, халқ ҳокимиятини, Конституция ва қонун устуворлигини, республика ташқи сиёсатини, шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини, республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимиятининг ташкил этилишини, уларнинг ваколатларини, фаолият тартибини ўрганади

**“Конституция”** (лотинча “constitutio”) атамаси луғавий жиҳатдан **“тузиш”, “ўрнатиш”, “белгилаш”** маъноларини англатди

Жамиятда ижтимоий муносабатларни қонун асосида тартибга солиш ҳаракатлари илк бор қадимги Римда амалга оширилган

Конституциялар дастлаб
**АҚШ (1787-йил)**,
**Бельгия (1831-йил)**,
**Швецария (1874-йил)**
мамлакатларида яратилган

**Конституциянинг бошқа қонунлардан**
**фарқланувчи хусусиятлари:**

1) барча қонунлар Конституция асосида ишлаб чиқилади;
2) ишлаб чиқилган қонунлар Конституцияга зид келмаслиги лозим;
3) Конституция ғоялари доимо биринчи ва асос солувчи саналади;
4) Конституция амалдаги қонунлар тизимини белгилайди;
5) Конститутцияга ўзгаришлар Олий Мажлис депутатларининг камида учдан икки қисмидан кўпчилиги ёқлагандагина киритилади;
6) Конституцияни қабул қилишда барча моддалар алоҳида овозга қўйилади;
7) Конституция барча ривожланган давлатларда тез ўзгармайдиган, барқарор қонун саналади (масалан, гарчи ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилган бўлса-да, бироқ, янгидан қабул қилинмаган ҳолда АҚШ Конституцияси 224 йил, Бельгия Конституцияси 174 йил, Швецария Конституцияси 137 йилдан буён амалга қўлланилиб келмоқда)

Умумий моҳияти сақланиб қолгани ҳолда Конституциялар турли мамлакатларда турлича номланади (мас., Австрияда у “Федерал Конституцион Қонун”, Мексикада “Бирлашган Мексика штатларининг сиёсий Конституцияси” деб номланади. Конституциялар таркибий тузилмасига кўра ҳам бир-биридан фарқланади (мас., Озарбайжон Республикаси Конституцияси 12 боб, 158 моддадан, Арманистон Республикасининг Конституцияси 9 боб,  117 моддадан иборат

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш ҳаракатлари 1990 йил июн ойидан бошланган. Республика Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун Конституциявий комиссия тузилди. Лойиҳа халқ муҳокамасига қўйилиб, деярли икки ярим йил муҳокама қилинди.  Конституциявий комиссия номига олти мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар юборилди. Натижада лойиҳага 60 дан ортиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди

1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди




**II. “Ажурли арра” методи** ёрдамида ўқувчилар фуқаро сифатида конституциявий ҳуқуқлардан фойдаланиш, мажбуриятларни бажаришга оид маълумотлар билан танишадилар. Мазкур жараён босқичлар бўйича қуйидагича амалга оширилади:

I босқич. Ўқитувчи ўқувчиларни метод моҳияти билан таништиради.

II босқич. Ўқувчилар 5 нафардан 5 та кичик гуруҳларга бириктириладилар.

III босқич. Гуруҳларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлимида ёритилган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тўғрисидаги маълумотларни тегишли мавзулар бўйича ўрганиш топшириғи берилади. Кичик гуруҳларда ўрганиш учун қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

1-гуруҳга: Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (VII-боб).

2-гуруҳга: Сиёсий ҳуқуқлар (VIII боб).

3-гуруҳга: Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар (IX боб).

4-гуруҳга: Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари (X боб).

5-гуруҳга: Фуқароларнинг бурчлари (XI боб).

IV босқич. Гуруҳларга ўзлаштирган маълумотлар асосида схема, жадвал, тасвир ёки моделларни яратиш вазифаси топширилади.

V босқич. Кичик гуруҳлар ўзларига юклатилган топшириқни бажариб бўлишгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари орасидан маълумотларни яхши ўзлаштирган ўқувчилар ажратиб олинадилар. Ажратиб олинган ўқувчилар эксперт гуруҳларига бириктириладилар.

VI босқич. Эксперт гуруҳи аъзолари (экспертлар) ўзлари ўзлаштирган материал мазмунини бошқаларга етказиш режасини тузадилар.

VII босқич. Экспертлар ўзлари ўзлаштирган материал мазмунини бошқа гуруҳларга ҳам ўргатадилар. Бу жараёнда экспертлар кичик гуруҳларда тайёрланган схема, жадвал, тасвир ёки моделлардан фойдаланадилар.

VIII босқич. Жамоа томонидан барча маълумотлар пухта ўзлаштирилгач, ўқитувчи мазкур жараёнга якун ясайди.

**III. “Баҳс-мунозара” методи** ёрдамида ўқувчиларга конституциявий ҳуқуқларнинг ҳар бир халқ учун олий қадрият эканлигини тушунтирилиб, уларда конституциявий ҳуқуқларга ҳурмат ҳисси шакллантирилади. Ўқувчиларнинг эътиборларига қуйидаги саволлар тақдим этилади:

1. Конституция муайян давлатда амал қилинадиган қонунларнинг асоси саналади. Қонунлар эса шахсни маълум тартибларга бўйсуниб яшашга мажбур қилади. Қонунларнинг бўлмаслиги эса шахсга тўла эркинлик беради. Шундай экан, давлатнинг ўз Конституциясига эга бўлмаслиги ижобий ҳодиса эмасми?

2. Ҳозирги ёшингизда Сиз қандай ҳуқуқларга эгасиз? Бундай ҳуқуқларга эга бўлишингиз учун наҳотки Сиз яшаётган давлат ўз Конституциясига эга бўлиши лозим?

3. Дейлик, вояга етган шахс сифатида ишга кирмоқчисиз. Аммо корхона маъмурияти турли баҳоналар рўкач қилиб, Сизни ишга қабул қилишдан бош тормоқда. Айтинг-чи, бундай вазиятда Республика Конституцияси Сизни ҳимоя қила оладими? Агар ҳимоя қилса, бу қандай йўл билан амалга ошади?

**IV. “Муаммоли вазият” методи** ёрдамида ўқувчилар ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиш ва мажбуриятларини бажариш кўникмаларини ўзлаштирадилар. Бу жараён қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1) ўқитувчи мавзу юзасидан муаммоли вазиятларни шакллантиради;

2) ўқувчилар муаммоли вазият мазмуни билан танишадилар;

3) ўқувчилар кичик гуруҳларга бириктириладилар;

4) гуруҳлар муаммоли вазиятлар ечимини топиш учун амалий фаолиятни ташкил этадилар;

5) гуруҳлар муаммоли вазият юзасидан ўз ечимларини баён қиладилар;

6) ўқитувчи гуруҳларнинг ечим борасидаги фикрларини умумлаштиради;

7) бутун жамоа гуруҳларнинг ечимларини оммавий муҳокама қиладилар;

8) энг тўғри, мақбул ечимлар аниқланади.

Машғулот даврида ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборларига қуйидаги муаммоли вазиятларни ҳавола этади:

**1-вазият.** Собирнинг ўртоғи Ҳамид уларникига тез-тез келиб турарди. Ҳамид ўтган ҳафта ҳам Собирларникига келган эди. У кетгач, Собирнинг опаси Наргиза олмос кўзли узугини ишдан келгач, меҳмонхонадаги ойнавандли жавон устига қўйганлиги, бироқ топа олмаётганлигини айтди. Собир бу ҳақида Ҳамиддан сўраб кўрмоқчи бўлиб, уларнинг уйларига борди. Бироқ, уни топа олмади. Орадан икки ой ўтса ҳамки, Ҳамиддан дарак бўлмади. Содир уни бир неча марта уйларига суриштириб борди. Бироқ, уйдагилар доим бир хил жавоб беришди: “Ҳамид бир неча йилга Россияга кетди”. Кунлардан бир кун

Собирнинг яна бир дўсти Илҳом уч кун аввал Ҳамид уйида катта зиёфат берганлигини айтиб, нега зиёфатда бўлмаганлигини сўради. Собир зарур иши бўлганлиги сабабли у ерга бора олмаганлигини айтди. Илҳом билан хайрлашиб, тўғри Ҳамидларникига борди. Онаси "Уйда йўқ!" деганига қарамай, ҳовлига кирмоқчи бўлди. Аммо Ҳамиднинг онаси, уларнинг суҳбатини эшитиб чиққан икки акаси Собирни ҳовлига киришга қўйишмади ва агар кетмаса, у ҳолда милиция ходимларини чақиришларини айтишди. Собир қандай йўл тутиши керак? Наҳотки, унинг Ҳамидларникига киришга ҳуқуқи бўлмаса?

**2-вазият.** Нодир ўқувчи. У уйларига яқин мактабга боради. Кунлардан бир кун шаҳарнинг нариги четида яшайдиган қариндошлариникига бормоқчи бўлди. Ўзи йиққан пулларни тежаш мақсадида талаба опасининг "Талабалар" ойлик йўл чиптасидан фойдаланишга қарор қилди. Бир-икки бекат ўтар-ўтмас автобус салони назоратчиси унга билет олишини айтди. Нодир эса "Талабалар" ойлик йўл чиптасини кўрсатди. Назоратчи билет билан бирга "Талабалик гувоҳномаси"ни ҳам кўрсатиши кераклигини, бўлмаса билет сотиб олишга мажбурлигини уқтирди. Нодир ўз сўзида туриб олди. Бу эса назоратчининг жаҳлини чиқарди ва Нодирни ҳақоратлай бошлади.

Айтинг-чи, бу ерда ким ҳақ: Нодирми ёки назоратчи? Томонларнинг ҳақлигини уларнинг қайси хатти-ҳаракатларидан англаш мумкин?

**3-вазият.** Азамат ҳеч қаерда ишламайди. Маҳалла посбонлари, жамоатчилик унга ишлаши шарт эканлиги, бўлмаса чора кўришларини айтиб, дўқ-пўписа қилишди. Айтинг-чи, Азамат Конституция нормаларини буздими? Ҳар бир фуқаро мажбурий равишда меҳнатга жалб этиладими?

**V. "Савол-жавоб" методи** ёрдамида ўқувчиларнинг мавзу бўйича ўзлаштирган билимлари аниқланади. Назорат учун ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Конституциянинг ижтимоий аҳамияти нимада?
2. "Конституция" тушунчаси қандай маънони англатади?
3. Конституция қандай хусусиятларни ўзида намоён этади?
4. Дастлабки Конституциялар қачон яратилган?
5. Конституциялар бир хилда номланиб, бир хил таркибий тузилмага эга бўладими?
6. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг умумий моҳиятини очиб беринг.

**VI. Дарс жараёнини якунлаш.** Ўқитувчи бугунги дарсга якун ясайди ва уй вазифаларини топширади. Уйда бажариш учун қуйидаги топшириқлар берилади:

1. Мавзу бўйича ўзлаштирилган маълумотларни мустаҳкамлаш.
2. Мавзу моҳиятини ёритувчи схемани яратиш.
3. Мавзу юзасидан тест саволларини тузиш.

## Табиатни муҳофаза қилиш

**Дарс мавзуси:** Табиатни муҳофаза қилиш

**Дарс тури:** аралаш дарс.

**Дарс шакли:** маъруза-анжуман.

**Дарс жараёнида қўлланиладиган методлар:** маъруза, тушунтириш, ҳикоя, тақдимот, манбалар билан ишлаш, машқ, суҳбат, савол-жавоб.

**Таълим воситалари:** дарслик, табиатни муҳофаза қилишга оид ёрдамчи материаллар, техник воситалар, кўрсатмали қуроллар, тарқатма материаллар.

**Таълим усуллари:** нутқ, оёқ-қўл, гавда ҳаракатлари.

**Назорат ва баҳолаш усуллари:** суҳбат, савол-жавоб, педагогик кузатиш, якка, гуруҳли ва оммавий сўровлар.

**Дарс мақсадлари: 1) таълимий мақсад:** ўқувчиларни табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари билан таништириш орқали уларнинг мавжуд билимларини мустаҳкамлаш;

**2) тарбиявий мақсад:** ўқувчиларга табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш асосида уларда табиатга нисбатан оқилона муносабатни қарор топтириш;

**3) ривожлантирувчи мақсад:** ўқувчиларда табиатнинг инсон, тирик мавжудот ҳаётидаги ўрни ва ролини мустақил баҳолаш кўникмаларини шакллантириш асосида уларни табиатни муҳофаза қилиш йўлида амалий ҳаракатларни олиб боришга рағбатлантириш.

**Дарс вазифалари:**

1) ўқувчиларни “табиатни муҳофаза қилиш” тушунчасининг моҳияти тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш;

2) ўқувчиларда табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисидаги янги билимларни ҳосил қилиш;

3) ўқувчиларни табиатни муҳофаза қилиш объектлари билан таништириш;

4) ўқувчиларга “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик ҳақидаги маълумотларни етказиш.

**Таянч тушунчалар:** табиатни муҳофаза қилиш, табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари, табиатни муҳофаза қилиш объектлари, табиат ресурслари, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларни бузганлик учун жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларни бузганлик учун белгиланадиган жавобгарлик турлари.

**Дарс режаси:**

1. Табиатни муҳофаза қилиш тушунчасининг моҳияти.
2. Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари.
3. Табиатни муҳофаза қилиш объектлари.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни.
5. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик.

**Фойдаланиш учун адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 46-бет.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллий ҳаракат режаси”. – Т.: Адолат, 1998. – 81 бет.

3. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 253 бет.

4. Тўхтаев А., Хамидов А. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 160 бет.

**Дарс жараёнининг бориши:**

**I. “Зиг-заг” методи** ёрдамида ўқувчилар кичик гуруҳлар таркибида мавзуни ўқув материали бир неча қисмга ажратилган ҳолда ўзлаштириб, тақдимот учун материал тайёрлаш топшириғи берилади. Ушбу жараён қуйидагича амалга оширилади:

1) гуруҳ ўқувчилари бир неча (5-7 та) гуруҳга бўлинади;

2) янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн ҳам 5-7 та қисмга ажратилади;

3) ҳар бир гуруҳга мавзунинг муайян қисми (1-матн, 2-матн, ... ва ҳоказолар) берилади ва уни ўрганиш вазифаси топширилади;

4) белгиланган вақт мобайнида гуруҳлар матн устида ишлайдилар;

5) вақтни тежаш мақсадида гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади ва улар ўрганилган матнга оид асосий маълумотларни жамоадошларига сўзлаб берадилар;

6) лидерларнинг фикри гуруҳ аъзоларидан томонидан тўлдирилади;

7) барча гуруҳлар ўзларига берилган матнни пухта ўзлаштирганларидан сўнг матнлар гуруҳлараро алмаштирилади;

8) бу босқичда ҳам юқоридаги фаолият такрорланади;

9) шу таҳлитда мавзу моҳиятини ёритувчи умумий матн ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади.

Дарсни ташкил этиш вақтида гуруҳ ўқувчилари бешта гуруҳга бириктирилдилар. Гуруҳларга қуйидаги топшириқлар берилди:

1-гуруҳга: Табиатни муҳофаза қилиш тушунчасининг моҳияти.

2-гуруҳга: Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари.

3-гуруҳга: Табиатни муҳофаза қилиш объектлари.

4-гуруҳга: Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни.

5-гуруҳга: Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик.

Гуруҳлар томонидан дарс жараёнида тақдимот учун қуйидаги материаллар тайёрланиши мумкин:

**Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси, 50-модда**
Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар

**Табиатни муҳофаза қилиш** – инсоннинг онгли ва аниқ бир мақсадга қаратилган фаолияти бўлиб, у табиатни муҳофаза қилишга, унинг ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга, ҳаёт муҳитини ва инсон фаолиятини яхшилашга қаратилган давлат ва ижтимоий тадбирлар тизими орқали амалга оширилади

**Табиатни муҳофаза қилиш шакллари:**
1) консервациялаш, яъни, хўжалик ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган табиий объектлардан тўла ёки бир қисмини қўриқхоналар, заповедниклар, "яшил зоналар" сифатида ажратиб олиш;
2) фойдаланлаётган табиий объектларга оқилона муносабатда бўлиш;
3) атроф-муҳитни ҳимоялаш, "соғломлаштириш" ва яхшилаш

**Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари:**
1. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуни.
3. Шунингдек, республиканинг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга доир меъёрий қоидаларни ўзида акс эттирган қонунлари

**Табиат** республика қонунчилик асосларига кўра табиатни муҳофаза қилишнинг объекти ҳисобланади

**Табиатни муҳофаза қилиш объектлари:**
ер ости ва ер усти сувлари, атмосфера ҳавоси, нодир ва қимматбаҳо минералларнинг конлари, балиқ хўжалиги, ўрмонларнинг қўриқланадиган минтақалари, тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлари, ботаника ва ҳайвонот боғлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳимояланиши республика қонунлари ва халқаро шартномлар билан белгилаб қўйилган ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар

**Табиат ресурслари –** истеъмол манбаи бўлган ва инсон томонидан фойдаланиладиган табиат унсурлари

Табиат ресурслари инсон ҳаётида иқтисодий, маданий, соғломлаштириш, коммунал ва оқартув **вазифалари**ни бажаради

Табиатни муҳофаза қилишга доир миллий қонунчилик талабларини бузганлик учун ҳуқуқбузарликнинг ҳолати, келтирилган зарур ҳажми ва кўламига кўра **интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарликлар** белгиланади

**Интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгиланишига олиб келадиган ҳолатлар:**

- давлатнинг табиат манбаларига нисбатан эгалик ҳуқуқини бузиш;
- табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланиш;
- давлат экология экспертизаси талабларини бажармаслик;
- табиий ресурслардан фойдаланилганлик учун, атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқарилганлиги ва оқизилганлиги, қаттиқ чиқиндилар тўкканлиги, улар табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва унга зарарли таъсир кўрсатганлиги учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортиш;
- табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режалари, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармаслик;
- атроф-муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқиш чораларини кўрмаслик;
- табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаслик;
- алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботини бузиш;
- атроф-муҳитга зарурли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузиш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари, кимёвлаштириш воситалари, жумладан, радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш;
- атроф-муҳит ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортиш

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза
қилиш тўғрисида”ги Қонуни 1992 йил 9 декабрда
қабул қилинган

**Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни**
табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

Қонуннинг мақсади – инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектларнинг муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборат

**Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг таркибий тузилмаси (11 та бўлим, 52 та модда):**

I. Умумий қоидалар (6 та модда).
II. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза этишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари (5 та модда).
III. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари (2 та модда).
IV. Атроф табиий муҳит сифатини нормативлар билан тартибга солиш (2 та модда).
V. Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш (8 та модда).
VI. Экология экспертизаси (4 та модда).
VII. Экологик назорат (4 та модда).
VIII. Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари (5 та модда).
IX. Фавқулодда экология вазиятлари (3 та модда).
X. Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолиятга доир экология талаблари (6 та модда).
XI. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш (7 та модда)

**II. “Тушунчалар тавсифи” методи** ёрдамида ўқувчилар кичик гуруҳлар таркибида ўзларига берилган матнни ўрганиб таянч тушунчаларни аниқлайдилар ва уларга таъриф берадилар. Топшириқни бажариш учун ўқувчиларга қуйидаги схема тақдим этилди:

| **“Тушунчалар тавсифи” методи** | |
|---|---|
| Тушунча | Мазмуни |
| | |
| | |

Дарс жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш, кичик гуруҳларнинг ечимлари юзасидан мунозаралар ташкил этиш, мавжуд фикрларни умумлаштириш асосида жамоа томонидан қуйидаги умумий жадвал яратилди:

| **“Тушунчалар тавсифи” методи** | |
|---|---|
| Тушунча | Мазмуни |
| Табиатни муҳофаза қилиш | Табиатни муҳофаза қилиш – инсоннинг онгли ва аниқ бир мақсадга қаратилган фаолияти |
| Табиатни муҳофаза қилиш шакллари | 1) консервациялаш (хўжалик ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган табиий объектлардан тўла ёки бир қисмини қўриқхона, заповедниклар сифатида ажратиб олиш);<br>2) фойдаланлаётган табиий объектларга оқилона муносабатда бўлиш; 3) атроф-муҳитни ҳимоялаш, “соғломлаштириш”, яхшилаш |
| Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари | 1. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 2. Ўзбекистон Республикасининг “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни. 3. Республиканинг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга доир меъёрий қоидаларни ўзида акс эттирган қонунлари |
| Табиатни муҳофаза қилиш объектлари | Ер ости, ер усти сувлари, атмосфера ҳавоси, нодир ва қимматбаҳо минераллар конлари, балиқ хўжалиги, ўрмонларнинг қўриқланадиган минтақалари, тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлари, ботаника ва ҳайвонот боғлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳимояланиши республика қонунлари, халқаро шартномлар билан белгиланган ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар |
| Табиат ресурслари | Истеъмол манбаи бўлган ва инсон томонидан фойдаланиладиган табиат унсурлари |
| Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларни бузганлик учун белгиланадиган жавобгарлик турлари | Табиатни муҳофаза қилишга доир меъёрий талабларини бузганлик учун ҳуқуқбузарлик ҳолати, келтирилган зарар ҳажми, кўламига кўра интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгиланади |

**III. “Синдикат” методи** ёрдамида ўқувчилар кичик гуруҳларга бириктирилган ҳолда дарс жараёнида ўзлари ўзлаштирган маълумотлар асосида бир топшириқни уч хил вариантда ҳал этадилар. Дарс чоғида ўқувчиларга қуйидаги топшириқ берилди: табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилишга оид ўзлаштирилган далиллар асосида схема, кластер, жадвал яратиш.

Мазкур топшириқ юзасидан ишлаш қуйидагича амалга оширилди:

1) жамоага топшириқ моҳияти тушунтирилди;

2) ўқувчилар кичик гуруҳларга бириктирилдилар;

3) жамоага умумий топшириқ берилади;

4) кичик гуруҳлар топшириқни бажариш юзасидан ишладилар;

5) ҳар бир гуруҳдан бир нафар лидер жамоани гуруҳ ечими билан таништирди;

6) гуруҳлар ечимлари бўйича жамоа томонидан муҳокама ташкил этилди.

“Синдикат” методи ёрдамида бажариш учун гуруҳларга ЎзРнинг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 11-бўлими қоидаларини ифодаловчи матн нусхалари берилди. Яъни:

**XI. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш**

**46-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Қуйидаги ҳолларда: табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, меъёрлари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан, корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари, бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳududнинг белгилаб қўйилган экология сиғимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

- табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитга зарарли моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, қаттиқ чиқиндилар жойлаштирганлик, бу муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганликда;

- табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа талабларни бажармасликда;

- атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш, табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

- табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

- ишлаб чиқариш, истеъмол чиқиндиларини, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек, радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилганликда;

- атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.

**47-модда. Атроф табиий муҳитга зарарли таьсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва ўзгартириш**

Корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар, бошқа объектларнинг инсон саломатлиги, яшаш шароити, табиий ресурслар, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларга зарарли таъсир этган ёки бундай таъсир этиш хавфи туғилган тақдирда уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир этиш сабабларини бартараф қилишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса тугатилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Бундай объектларнинг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки ўзгартириш ҳамда айни вақтда уларни пул билан таьминлашни тўхтатиш хусусидаги қарорларни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ўз ҳуқуқ доирасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш идоралари чиқарадилар.

**48-модда. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти**

Атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар етказган зарарни, шу жумладан, бой берилган фойда ўрнини қонунларга мувофиқ қоплашлари шарт.

Экология талабларини бузганликда айбланаётганларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши уларни атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

**49-модда. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлик учун иқтисодий жавобгарлик**

Табиатни махсус равишда фойдаланишни оқилона амалга оширмаганлик, атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш норматив лимитларида белгилангандан кўпайтириб юборганлик учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ оширилган солиқ солиниши керак.

Тегишли ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг қарорларига мувофиқ айтиб ўтилган қонунбузарликларнинг сабабларига барҳам берилгунга қадар юридик, жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятини пул билан таьминлаш тўхтатиб қўйилиши мумкин.

**50-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузиш оқибатида зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг жавобгарлиги**

Корхоналар, ташкилотлар,муассасаларнинг атроф табиий муҳитга, инсон

саломатлигига, одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига етказилган зарарни қоплаш юзасидан чиқимдор бўлишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан моддий жавобгар бўладилар.

**51-модда. Экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш хусусидаги даъво талаблари**

Юридик ва жисмоний шахслар атроф табиий муҳитга, инсон саломатлигига, фуқароларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига зиён етказаётган экологик жиҳатдан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Суднинг экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисидаги қарори айтиб ўтилган фаолиятни пул билан таъминланишини тўхтатиш учун асос бўлади.

**52-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартномалар**

Башарти, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномада ушбу Қонундагидан ёки Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа қонун хужжатидагидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бирмунча қаттиқроқ талаблар белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Дарс жараёнида гуруҳлар томонидан тахминан қуйидаги ечимлар ҳавола этилади:

1. Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари бўйича схема:



2. Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари бўйича кластер:




3. Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари бўйича жадвал:

| Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни (1992 йил 9 декабр) | | | |
|---|---|---|---|
| XI. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш | | | |
| Жавобгарликнинг белгиланиши | Жавобгарлик турлари | Жавобгарлик кўринишлари | Жавобгарликдан озод қилиш йўли |
| Жавобгарлик белгиланишига олиб келувчи ҳолатлар | Моддий, интизомий, маъмурий, жиноий | Жарима, солиқ солиш | Зарар ўрнини қоплаш, бой берилган фойда ўрнини қоплаш |

**III. Топшириқларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштириш.** Гуруҳлар томонидан топшириқлар бажариб бўлингач, жамоа томонидан ечимлар ўрганилиб, муҳокама қилинади.

**IV. Гуруҳлар ва ўқувчилар фаолиятини баҳолаш.** Ўқувчи дарс жараёнида ўқувчилар томонидан бажарилган фаолиятлар натижаларига кўра уларни баҳолайди.

**V. Дарс жараёнини якунлаш.** Ўқитувчи дарсга якун ясаб, ўқувчиларга уй вазифаларини топширади. Уйда бажариш учун қуйидаги топшириқлар берилади:

1. Мавзу бўйича ўзлаштирилган маълумотларни мустаҳкамлаш.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 11-бўлимини янада пухта ўзлаштириш.
3. Мавзу юзасидан тест саволларини тузиш.

Амалиёт даврида талабалар томонидан дарсдан ташқари тадбирларни методик жиҳатдан тўғри уюштирилиши ҳам назорат қилиб борилади. Бу ўринда амалиётчи-талабаларнинг эътиборларига дарсдан ташқари тадбирлардан намуналар ҳам ҳавола этилди. Навбатдаги бўлимда улардан намуналар берилади.

# ДАРСДАН ТАШҚАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР СЦЕНАРИЙЛАРИДАН НАМУНАЛАР

## I. “Математик мантиқ” номли беллашув сценарийси

Мусобақани икки, уч ёки тўртта гуруҳ ўртасида ташкил этиш мумкин.

**Бошловчи:** Ассалому алайкум, ҳурматли устозлар! Тенгдошлар, мусобақа иштирокчилари! “Математик билимлар байрами”га хуш келибсизлар! Умид қиламизки, бугунги байрамимиз барчангизда яхши тассурот қолдиради!

Барчамизга яхши маълумки, инсоният жуда қадимдан математик билимларни ўрганишга интилган. Зеро, инсонлар ўртасида ташкил этиладиган ижтимоий муносабатларнинг аксарияти олди-сотти, маҳсулотларни ўзаро айирбошлашга асосланган. Инсоният ҳаёти, тирикчилиги учун муҳим аҳамиятга эга ушбу ҳолатлар негизи ҳисоб-китобга асосланган. Шу сабабли математик билимларни эгалламай туриб, олди-сотти, маҳсулотларни ўзаро айирбошлашга асосланган ижтимоий муносабатларни самарали, тўғри ташкил этиш мумкин эмас. Бозор муносабатларига асосланган мавжуд шароитда эса математик билимларни янада чуқур, пухта ўзлаштириш эҳтиёжи ортиб бормоқда.

Ижтимоий муносабатларни самарали ташкил этишда ҳисоб-китобни тўғри амалга оширишгина эмас, балки мантиқий фикрлаш ҳам талаб қилинади. Мазкур талабни инобатга олган ҳолда “Математик мантиқ” беллашувини ташкил этишга қарор қилдик.

Беллашувимизда иккита (учта, тўртта) гуруҳ иштирок этади. Ушбу гуруҳлар билан танишинг:

1-гуруҳ: .....-гуруҳ ўқувчиларидан иборат “**Алгоритм**” жамоаси.

2-гуруҳ: .....-гуруҳ ўқувчиларидан иборат “**Логорафим**” жамоаси.

3-гуруҳ: .....-гуруҳ ўқувчиларидан иборат “**Ал-Хоразмий**” жамоаси.

4-гуруҳ: .....-гуруҳ ўқувчиларидан иборат “**Пифагор**” жамоаси.

Марҳамат, ҳар бир гуруҳ сардори беллашув иштирокчиларини ўз жамоаси билан таништириб ўтишлари мумкин!

**1-гуруҳ сардори:** (жамоа аъзоларини таништиради, таништириш жараёнида жамоа аъзоларининг математик қобилиятлари алоҳида қайд этиб ўтилади. Мисол учун: “Эргашева Гўзал ҳисоб-китобга жуда уста, нафақат математик, балки геометрик теоремаларни ҳам ечишда моҳир” тарзида жамоа аъзоларининг математик қобилиятларини баҳолайди).

**2-гуруҳ сардори:** (жамоа аъзоларини таништиради, таништириш жараёнида жамоа аъзоларининг математик қобилиятлари алоҳида қайд этиб ўтилади).

**3-гуруҳ сардори:** (жамоа аъзоларини таништиради, таништириш жараёнида жамоа аъзоларининг математик қобилиятлари алоҳида қайд этиб ўтилади).

**4-гуруҳ сардори:** (жамоа аъзоларини таништиради, таништириш жараёнида жамоа аъзоларининг математик қобилиятлари алоҳида қайд этиб ўтилади).

**Бошловчи:** Раҳмат! Энди мен Сизларни беллашувга бевосита раҳбарлик қилувчи Ҳайъат аъзолари билан таништириб ўтаман.

Ҳайъат раиси: лицей директори (ёки директор ўринбосари) математика-физика фанлари доктори (ёки номзоди), доцент (ёки профессор) _____________

Ҳайъат аъзолари: 1. лицейнинг "Алгебра" фани ўқитувчиси, математика-физика фанлари доктори (ёки номзоди), доцент (ёки профессор) _____________

2. Лицейнинг "Алгебра" фани ўқитувчиси, математика-физика фанлари доктори (ёки номзоди), доцент (ёки профессор) ___________________________

3. Лицейнинг "Алгебра" фани ўқитувчиси, математика-физика фанлари доктори (ёки номзоди), доцент (ёки профессор) ___________________________

4. Лицейнинг "Алгебра" фани ўқитувчиси, математика-физика фанлари доктори (ёки номзоди), доцент (ёки профессор) ___________________________

Энди рухсатинглар билан Сизларни беллашув шартлари билан таништириб ўтаман. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Беллашув учун бешта (олтита) топшириқ тайёрланган.
2. Ушбу топшириқлар гуруҳларнинг барчасига бир вақтда берилади.
3. Ҳар бир топшириқни бажариш учун маълум вақт ажратилади (вақт ҳажми топшириқнинг мураккаблигига кўра аниқланади).
4. Ҳар бир гуруҳ белгиланган вақт мобайнида топшириқ юзасидан жавоб топади.
5. Гуруҳларнинг сардорлари берилган топшириқ юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади.
6. Ҳайъат аъзолари жавобнинг тўғрилиги, жавобни топиш учун сарфланган вақт ҳажмига кўра гуруҳлар фаолиятини баҳолаб борадилар.

Ҳар бир жавоб олти балли тизимда баҳоланади. Яъни:

1. Жавобнинг тўғрилиги, жамоа ҳаракатининг тезкорлиги учун – **6 балл.**
2. Жавобнинг тўғрилиги, жамоа ҳаракатининг нисбатан сустлиги (жавобни иккинчи учинчи бўлиб топганлик) учун – **4 балл.**
3. Жавобнинг тўғрилиги, жамоа ҳаракатининг сустлиги (жавобни учинчи бўлиб топганлик) учун – **2 балл.**
4. Жавобнинг нотўғрилиги учун – **0 балл.**

Жамоалар тайёр бўлсалар, у ҳолда беллашувни бошлаймиз! Биринчи топшириқ шарти билан жамоаларни таништириб ўтаман. Диққат билан қулоқ солинг!

**1-топшириқ.** Мушукча ва кучук улардан ким дарахтнинг биринчи ва иккинчи шоҳига қадар сакрай олиши тўғрисида баҳслашишди. Адолат юзасидан мушукча дарахтга тирмашиб чиқмасликка сўз берди. Кучук сакрай

бошлади ва дарахтнинг энг қуйидаги шоҳигача сакрай олди. Мушукча сакрамай туриб, дарахтнинг иккинчи шоҳига етди.

Мушукчанинг бўйи ердан 20 см, кучукники эса 30 см, ҳар иккиси орқа оёқда турганда мушукчанинг бўйи 40 см, кучукники эса 45 см. Дарахтнинг биринчи шоҳи ердан 50 см, иккинчи шоҳи эса 70 см.

Савол: мушукча қандай қилиб, ҳеч бир қийинчиликсиз дарахтнинг иккинчи шоҳини тута олди?

**Бошловчи:** Марҳамат, жамоалар ўз жавоблари билан иштирокчиларни таништиришлари мумкин! (Жамоалар ўз жавобларини айтишади).

**1-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**2-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**3-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**4-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).

**Бошловчи:** Жамоаларнинг жавобларини баҳолаш учун сўз Ҳайъат аъзоларига берилади. Марҳамат (ҳайъат аъзолари жамоаларга берилган балларни эълон қиладилар).

**Бошловчи:** Иккинчи топшириқ шарти билан жамоаларни таништириб ўтаман. Диққат билан қулоқ солинг!

**2-топшириқ.** Саватда иккиталик бананлардан бир нечтаси бор. Бананларни бешта болага тенг бўлиб бериш мумкин. Аммо уларни тўртта бола ўртасида тенг тақсимлаб бўлмайди.

Саватдаги бананларнинг сони қанча?

**Бошловчи:** Марҳамат, жамоалар ўз жавоблари билан иштирокчиларни таништиришлари мумкин! (Жамоалар ўз жавобларини айтишади).
**1-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**2-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**3-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**4-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).

**Бошловчи:** Жамоаларнинг жавобларини баҳолаш учун сўз Ҳайъат аъзоларига берилади. Марҳамат (ҳайъат аъзолари жамоаларга берилган балларни эълон қиладилар).

**Бошловчи:** Учинчи топшириқ шарти билан жамоаларни таништириб ўтаман. Диққат билан қулоқ солинг!

**3-топшириқ.** Муродларникига унинг лицейда бирга ўқийдиган гуруҳдош ўртоқлари меҳмонга келишди. Мурод уларни чойга таклиф қилиб, дастурхонга нон, печенье ва мевалар қўйди. Болалар чой ичиш билан бирга “Алгебра” дарсида ўқитувчи томондан берилган мураккаб масаланинг ечимини муҳокама қилишди. Масаланинг ечимини муҳокама қилгунларига қадар Шоҳруҳ сочиқча устига печеньелардан қуйидаги конструкцияни ҳосил қилди.



Конструкцияни тугаллагач, у ўртоқларига шундай деди:

- Агарда конструкцияни ҳосил қилишда нечта печеньедан фойдаланганлигимни тез топа олсанглар, мен Сизларга масаланинг ечимини топишга ёрдам бераман.

Барча болалар конструкцияда нечта печениье борлигини ҳисоблашга киришдилар. Алишер печеньелар сонини барчадан тез ҳисоблай олди.

Унинг жавоби қандай бўлди?

**Бошловчи:** Марҳамат, жамоалар ўз жавоблари билан иштирокчиларни таништиришлари мумкин! (Жамоалар ўз жавобларини айтишади).

**1-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**2-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**3-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**4-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).

**Бошловчи:** Жамоаларнинг жавобларини баҳолаш учун сўз Ҳайъат аъзоларига берилади. Марҳамат (ҳайъат аъзолари жамоаларга берилган балларни эълон қиладилар).

**Бошловчи:** Тўртинчи топшириқ шарти билан жамоаларни таништириб ўтаман. Диққат билан қулоқ солинг!

**4-топшириқ.** Академик лицей ўқувчилари ёзги таътилда Кумушкон тоғларига экскурсияга боришди. Маҳаллий аҳолидан дам олиш уйидан анча олисда шаршара борлигини эшитгач, ўқувчилар уни бориб кўришга қарор қилишди. Ўша ерда яшовчи бир кишидан шаршаранинг қаерда жойлашганлигини сўрашганда қуйидаги жавобни эшитишди:

“Шаршарага бориш учун 4 кеча-ю, 4 кундуз йўл юриш керак. Биринчи куни тўғрига – Шимол томонга юриб, умумий йўлнинг учдан бирини бориб ўтасизлар. Кейин Ғарбга бурилиб, бир сутка давомида биринчи куни босиб ўтилган йўлнинг ярмига тенг масофани юрасизлар. Учинчи куни эса Жанубга бурилиб, яна иккинчи куни босиб ўтилган йўл миқдорича юрасизлар. Сўнгра Шарққа олиб борувчи тўғри йўлга чиқиб оласизлар. Ана шу йўлдан бир сутка давомида 30 км йўл юриб, шаршарага етиб борасизлар”.

Болалар у кишининг сўзларини диққат билан тинглашиб, эртага шаршарани албатта кўришлари мумкинлигига ишонч ҳосил қилишди.

Ўқувчиларнинг бу фикрлари нотўғри эмасмиди?

Маҳаллий киши ўқувчиларга неча километрли йўлни тавсия қилган эди? Ўқувчилар-чи, улар шаршарага қанча йўл босиб етиб бориш мумкинлигини айтишди?

**Бошловчи:** Марҳамат, жамоалар ўз жавоблари билан иштирокчиларни таништиришлари мумкин! (Жамоалар ўз жавобларини айтишади).

**1-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**2-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**3-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**4-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).

**Бошловчи:** Жамоаларнинг жавобларини баҳолаш учун сўз Ҳайъат аъзоларига берилади. Марҳамат (ҳайъат аъзолари жамоаларга берилган балларни эълон қиладилар).

**Бошловчи:** Бешинчи топшириқ шарти билан жамоаларни таништириб ўтаман. Диққат билан қулоқ солинг!

**5-топшириқ. 1-ҳодиса.** Ҳошимжон ёзда ота-онаси билан Қримга дам олишга борди. Соҳил бўйида айланиб юриб, таёқча билан қумга 12345678901234567890 рақамларини ёзди. 0 рақамини ёзиб бўлиши билан ўзи томонга каттакон ит келаётганлигини кўриб қолди. Қўрқиб кетган Ҳошимжон кафе томон юриб кетди.

Бироздан кейин бу ерга дам олувчилардан бири келиб, қумдаги рақамларга кўзи тушди ва “=” белгиси ҳамда 450 рақамини ёзиб қўйди. Шу вақт Ҳошимжон унинг ёнига келиб, унинг қўлидаги таёқчани олди ва рақамлар орасига “+” белгисини қўя бошлади. Ҳошимжон рақамлар орасида “+” белгисини шундай жойлаштирдики, йиғинди ҳақиқатдан ҳам 450 га тенг бўлди.

Сизнингча, Ҳошимжон “+” белгисини қумга ёзилган рақамлар орасига қандай жойлаштирган?

**2-ҳодиса.** Ҳошимжон ёзда ота-онаси билан Қримга дам олишга борди. Соҳил бўйида айланиб юриб, таёқча билан қумга 98765432109876543210 рақамларини ёзди. 0 рақамини ёзиб бўлиши билан ўзи томонга каттакон ит келаётганлигини кўриб қолди. Қўрқиб кетган Ҳошимжон кафе томон юриб кетди.

Бироздан кейин бу ерга дам олувчилардан бири келиб, қумдаги рақамларга кўзи тушди ва “=” белгиси ҳамда 360 рақамини ёзиб қўйди. Шу вақт Ҳошимжон унинг ёнига келиб, унинг қўлидаги таёқчани олди ва рақамлар орасига “+” белгисини қўя бошлади. Ҳошимжон рақамлар орасида “+” белгисини шундай жойлаштирдики, йиғинди ҳақиқатдан ҳам 360 га тенг бўлди.

Сизнингча, Ҳошимжон “+” белгисини қумга ёзилган рақамлар орасига қандай жойлаштирган?

**Бошловчи:** Марҳамат, жамоалар ўз жавоблари билан иштирокчиларни таништиришлари мумкин! (Жамоалар ўз жавобларини айтишади).

**1-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**2-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**3-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**4-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).

**Бошловчи:** Жамоаларнинг жавобларини баҳолаш учун сўз Ҳайъат аъзоларига берилади. Марҳамат (ҳайъат аъзолари жамоаларга берилган балларни эълон қиладилар).

**Бошловчи:** Олтинчи топшириқ шарти билан жамоаларни таништириб ўтаман. Диққат билан қулоқ солинг!

**6-топшириқ.** Карлсон, Миттивой ва Бок хоним ўрмонга қўзиқорин тергани боришди. Улар жами 49 та оқ қўзиқорин теришди. Қўзиқоринларнинг бир қисмини қишда ейиш учун қуритиб қўйишга қарор қилишди. Ўзлари терган қўзиқоринлардан Бок хоним 9 тасини, Карлсон 5 тасини, Миттивой эса 11 тасини қуритиш учун олиб қўйишди. Қолган қўзиқоринлардан эса шўрва пиширишди. Шўрва учун эса уларнинг ҳар бири тенг миқдорда қўзиқорин ажратишди.

Карлсон, Миттивой ва Бок хонимларнинг ҳар бирлари қанча қўзиқорин теришган?

**Бошловчи:** Марҳамат, жамоалар ўз жавоблари билан иштирокчиларни таништиришлари мумкин! (Жамоалар ўз жавобларини айтишади).

**1-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**2-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**3-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**4-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).

**Бошловчи:** Жамоаларнинг жавобларини баҳолаш учун сўз Ҳайъат аъзоларига берилади. Марҳамат (ҳайъат аъзолари жамоаларга берилган балларни эълон қиладилар).

**Бошловчи:** Еттиннчи топшириқ шарти билан жамоаларни таништириб ўтаман. Диққат билан қулоқ солинг!

**7-топшириқ.** Миттивой 600 г олча мураббосини 6 минутда ейди, Карлсон эса шунча миқдордаги мураббони ейиш учун Миттивойга нисбатан икки марта кам вақт сарфлайди.

Уларнинг ҳар иккиси бирга 600 г мураббони ейиш учун қанча вақт сарфлашади?

**Бошловчи:** Марҳамат, жамоалар ўз жавоблари билан иштирокчиларни таништиришлари мумкин! (Жамоалар ўз жавобларини айтишади).

**1-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**2-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**3-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**4-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).

**Бошловчи:** Жамоаларнинг жавобларини баҳолаш учун сўз Ҳайъат аъзоларига берилади. Марҳамат (ҳайъат аъзолари жамоаларга берилган балларни эълон қиладилар).

**Бошловчи:** Саккизинчи топшириқ шарти билан жамоаларни таништириб ўтаман. Диққат билан қулоқ солинг!

**8-топшириқ.** Қуйидаги шаклни доиралар миқдори бўйича учта бир хил қисмга ажратинг.



**Бошловчи:** Марҳамат, жамоалар ўз жавоблари билан иштирокчиларни таништиришлари мумкин! (Жамоалар ўз жавобларини айтишади).

**1-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**2-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**3-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**4-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).

**Бошловчи:** Жамоаларнинг жавобларини баҳолаш учун сўз Ҳайъат аъзоларига берилади. Марҳамат (ҳайъат аъзолари жамоаларга берилган балларни эълон қиладилар).

**Бошловчи:** Тўққизинчи топшириқ шарти билан жамоаларни таништириб ўтаман. Диққат билан қулоқ солинг!

**9-топшириқ.** 1. Қуйидаги шаклни доиралар миқдори бўйича тўртта бир хил қисмга ажратинг. Ушбу топшириқ ечимини имкон қадар кўпроқ вариантда беринг!



2. Қуйидаги шаклни доиралар миқдори бўйича иккита бир хил қисмга ажратинг. Ушбу топшириқ ечимини имкон қадар кўпроқ вариантда беринг!



**Бошловчи:** Жамоалар беллашув учун тайёрланган охирги топшириқ юзасидан ўз жавобларини айтишди. Марҳамат.

**1-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**2-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**3-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).
**4-гуруҳ сардори:** (савол юзасидан жамоанинг жавобини эълон қилади).

Жавобларни баҳолаш учун сўз Ҳайъат аъзоларига берилади. Марҳамат! (Жамоаларнинг жавоблари Ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланади).

**Бошловчи:** Жамоалар томонидан тўпланган умумий балларни эълон қилиш учун сўз Ҳайъат раиси, лицейнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, математика-физика фанлари доктори (номзоди), профессор (доцент) ____________________га берилади. Марҳамат (ҳайъат раиси жамоалар томонидан тўпланган умумий балларни эълон қилади).

**Бошловчи:** Раҳмат. Шундай қилиб, бугунги беллашувни якунлаймиз. Барчангизга математик билимлар оламини тўла забт этишни тилаб қоламиз. Хайр, соғ-саломат бўлинглар!

## “МАТЕМАТИК МАНТИҚ” НОМЛИ БЕЛЛАШУВ ТОПШИРИҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ

**1-топшириқ.** Мушукча ва кучук улардан ким дарахтнинг биринчи ва иккинчи шоҳига қадар сакрай олиши тўғрисида баҳслашишди. Адолат юзасидан мушукча дарахтга тирмашиб чиқмасликка сўз берди. Кучук сакрай

бошлади ва дарахтнинг энг қуйидаги шоҳигача сакрай олди. Мушукча сакрамай туриб, дарахтнинг иккинчи шоҳига етди.

Мушукчанинг бўйи ердан 20 см, кучукники эса 30 см, ҳар иккиси орқа оёқда турганда мушукчанинг бўйи 40 см, кучукники эса 45 см. Дарахтнинг биринчи шоҳи ердан 50 см, иккинчи шоҳи эса 70 см.

**Савол:** мушукча қандай қилиб, ҳеч бир қийинчиликсиз дарахтнинг иккинчи шоҳини тута олди?

**Жавоб:** Кучук сакрагани учун ердан 50 см юқори бўлган биринчи шоҳни ушлай олган бўлса, мушукча кучукнинг устига чиқиб, ердан 70 см юқорида бўлган иккинчи шоҳни тута олди.

Кучукнинг бўйи 30 см бўлган бўлса, мушукчанинг бўйи эса у икки оёқда турганда 40 смга тенг эди. Мушукча кучукнинг устида икки оёқда турганда умумий узунлик 70 смга тенг бўлади.

**2-топшириқ.** Саватда номаълум миқдорда бананлар бор. Бананларни бешта болага тенг бўлиб бериш мумкин. Аммо уларни тўртта бола ўртасида тенг тақсимлаб бўлмайди.

**Савол:** Саватдаги бананларнинг сони қанча?

**Жавоб:** саватдаги бананларнинг сони 30 та.

**3-топшириқ.** Муродларникига унинг лицейда бирга ўқийдиган гуруҳдош ўртоқлари меҳмонга келишди. Мурод уларни чойга таклиф қилиб, дастурхонга нон, печенье ва мевалар қўйди. Болалар чой ичиш билан бирга “Алгебра” дарсида ўқитувчи томондан берилган мураккаб масаланинг ечимини муҳокама қилишди. Масаланинг ечимини муҳокама қилгунларига қадар Шоҳруҳ сочиқча устига печеньелардан конструкция ҳосил қилди. Конструкцияни тугаллагач, у ўртоқларига қарата шундай деди:

- Агарда конструкцияни ҳосил қилишда нечта печеньедан фойдаланганлигимни тез топа олсанглар, мен Сизларга масаланинг ечимини топишга ёрдам бераман.

Барча болалар конструкцияда нечта печениье борлигини ҳисоблашга киришдилар. Алишер печеньелар сонини барчадан тез ҳисоблай олди.

**Савол:** Алишернинг жавоби қандай бўлди?

**Жавоб:** Алишернинг фикрича, Шоҳруҳ конструкцияни ҳосил қилишда 55 та печеньедан фойдаланган.

Конструкция квадрат шаклда бўлиб:

1-қаватда 5Х5=25

2-қаватда 4Х4=16

3-қаватда 3х3=9

4-қаватда 2х2=4

5-қаватда 1

Яъни: 25+16+9+4+1=55

**4-топшириқ.** Академик лицей ўқувчилари ёзги таътилда Кумушкон тоғларига экскурсияга боришди. Маҳаллий аҳолидан дам олиш уйидан анча олисда шаршара борлигини эшитгач, ўқувчилар уни бориб кўришга қарор

қилишди. Ўша ерда яшовчи бир кишидан шаршаранинг қаерда жойлашганлигини сўрашганда қуйидаги жавобни эшитишди:

“Шаршарага бориш учун 4 кеча-ю, 4 кундуз йўл бориш керак. Биринчи куни тўғрига – Шимол томонга юриб, умумий йўлнинг учдан бирини бориб ўтасизлар. Кейин Ғарбга бурилиб, бир сутка давомида биринчи куни босиб ўтилган йўлнинг ярмига тенг масофани юрасизлар. Учинчи куни эса Жанубга бурилиб, яна иккинчи куни босиб ўтилган йўл миқдорича юрасизлар. Сўнгра Шарққа олиб борувчи тўғри йўлга чиқиб оласизлар. Ана шу йўлдан бир сутка давомида 30 км йўл юриб, шаршарага етиб борасизлар”.

Болалар у кишининг сўзларини диққат билан тинглашиб, эртага шаршарани албатта кўришлари мумкинлигига ишонч ҳосил қилишди.

**Савол:** 1. Ўқувчиларнинг бу фикрлари нотўғри эмасмиди?

2. Маҳаллий киши ўқувчиларга неча километрли йўлни тавсия қилган эди?

3. Ўқувчилар эса қанча йўл босиб шаршарага етиб бориш мумкинлигини айтишди?

**Жавоб:** маҳаллий киши ўқувчиларга 60 кмли йўлни тавсия қилган эди. Ўқувчилар эса Шарққа томон 30 км тўғри йўл босиб, шаршарани кўриш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишди.Яъни:




**5-топшириқ. 1-ҳодиса.** Ҳошимжон ёзда ота-онаси билан Қримга дам олишга борди. Соҳил бўйида айланиб юриб, таёқча билан қумга 12345678901234567890 рақамларини ёзди. 0 рақамини ёзиб бўлиши билан ўзи томонга каттакон ит келаётганлигини кўриб қолди. Қўрқиб кетган Ҳошимжон кафе томон юриб кетди.

Бироздан кейин бу ерга дам олувчилардан бири келиб, қумдаги рақамларга кўзи тушди ва “=” белгиси ҳамда 450 рақамини ёзиб қўйди. Шу вақт Ҳошимжон унинг ёнига келиб, унинг қўлидаги таёқчани олди ва рақамлар орасига “+” белгисини қўя бошлади. Ҳошимжон рақамлар орасида “+” белгисини шундай жойлаштирдики, йиғинди ҳақиқатдан ҳам 450 га тенг бўлди.

**Савол:** Сизнингча, Ҳошимжон “+” белгисини қумга ёзилган рақамлар орасига қандай жойлаштирган?

**Жавоб:** 12+3+45+67+8+90+12+3+45+67+8+90=450

**2-ҳодиса.** Ҳошимжон ёзда ота-онаси билан Қримга дам олишга борди. Соҳил бўйида айланиб юриб, таёқча билан қумга 98765432109876543210 рақамларини ёзди. 0 рақамини ёзиб бўлиши билан ўзи томонга каттакон ит келаётганлигини кўриб қолди. Қўрқиб кетган Ҳошимжон кафе томон юриб кетди.

Бироздан кейин бу ерга дам олувчилардан бири келиб, қумдаги рақамларга кўзи тушди ва “=” белгиси ҳамда 360 рақамини ёзиб қўйди. Шу вақт Ҳошимжон унинг ёнига келиб, унинг қўлидаги таёқчани олди ва рақамлар орасига “+” белгисини қўя бошлади. Ҳошимжон рақамлар орасида “+” белгисини шундай жойлаштирдики, йиғинди ҳақиқатдан ҳам 360 га тенг бўлди.

**Савол:** Сизнингча, Ҳошимжон “+” белгисини қумга ёзилган рақамлар орасига қандай жойлаштирган?

**Жавоб:** 98+76+54+32+10+9+8+7+6+54+3+2+1+0=360

**6-топшириқ.** Карлсон, Миттивой ва Бок хоним ўрмонга қўзиқорин тергани боришди. Улар жами 49 та оқ қўзиқорин теришди. Қўзиқоринларнинг бир қисмини қишда ейиш учун қуритиб қўйишга қарор қилишди. Ўзлари терган қўзиқоринлардан Бок хоним 9 тасини, Карлсон 5 тасини, Миттивой эса 11 тасини қуритиш учун олиб қўйишди. Қолган қўзиқоринлардан эса шўрва пиширишди. Шўрва учун эса уларнинг ҳар бири тенг миқдорда қўзиқорин ажратишди.

**Савол:** Карлсон, Миттивой ва Бок хонимларнинг ҳар бирлари қанча қўзиқорин теришган?

**Жавоб:** Бок хоним 17 та, Карлсон 13 та, Миттивой эса 19 та қўзиқорин теришган. Яъни қуритиш учун Бок хоним 9 та, Карлсон 5 та, Миттивой эса 11 та (жами 25 та) қўзиқоринни ажратиб олишган. Жами қўзиқоринларнинг сони 49 та эди. 49-25=24

Агарда шўрвага уларнинг ҳар бири тенг миқдорда қўзиқорин ажратганликлари инобатга олинса, у ҳолда 24:3=8

Ҳосил бўлган 8 га Карлсон, Миттивой ва Бок хонимларнинг қуритиш учун ажратиб олган қўзиқоринларнинг сони қўшилади. Натижа эса қуйидагича:

Бок хоним: 8+9=17, Карлсон: 8+5=13; Миттивой: 8+11=19;

**7-топшириқ.** Миттивой 600 г олча мураббосини 6 минутда ейди, Карлсон эса шунча миқдордаги мураббони ейиш учун Миттивойга нисбатан икки марта кам вақт сарфлайди.

**Савол:** Уларнинг ҳар иккиси бирга 600 г мураббони ейиш учун қанча вақт сарфлашади?

**Жавоб:** 2 минут (600:6=100; 600:3=200; 100+200=300; 600:300=2)

Қуйидаги шаклни доиралар миқдори бўйича учта бир хил қисмга ажратинг.



**9-топшириқ.** 1. Қуйидаги шаклни доиралар сони бўйича тўртта бир хил қисмга ажратинг. Топшириқ ечимини имкон қадар кўпроқ вариантда беринг!




2. Қуйидаги шаклни доиралар миқдори бўйича иккита бир хил қисмга ажратинг. Ушбу топшириқ ечимини имкон қадар кўпроқ вариантда беринг!




## II. "Инглиз тили" фанидан тадбирлар сценарийларидан намуналар
## 1. "Биргаликда инглиз тилини ўрганамиз"

(умумий ўрта таълим мактабларида француз ва немис тилларини ўрганиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида инглиз тилини илк бор ўрганаётган ўқувчилар иштирокида ташкил этиладиган тадбир)

1-қисм

(Сокин мусиқа садолари остида қуйидаги шеър ўқилади)

**THE ALPHABET SONG**

A, B, C, D, E, F, G,
H, I, J, K, L, M, N, O, P,
Q, R, S, T, U, V, W,
X, and Y, and Z.
Happy, happy we shall be
When we learn our ABC's.

**Teacher:** We know very many letters. How many? Do you know?

**Children:** Yes!

**Teacher:** Look at these cards at her and his hands (*ўқувчиларга суратлар кўрсатилади*). How many?

**Children:** There are twenty-six.

**Teacher:** What's the first one?

**Pupil:** Me – the letter A.
Guess a riddle. What is this?
Very red and very sweet
And so very good to eat.

**Children:** It's an apple.

**Pupil:** Right.

**Teacher:** Who's the second one? P: Me — the letter B. I'll sing you a little song.
It's about a girl's friend called Bonnie.
Try to help me if you can!

**MY BONNIE**[9]

My Bonnie is over the ocean,
My Bonnie is over the sea,
My Bonnie is over the ocean,
My Bonnie, my Bonnie, my Bonnie,
O bring back my Bonnie to me.

Refrain:
Bring back, bring back,
Bring back my Bonnie to me, to me.
Bring back, bring back,
O bring back my Bonnie to me.

**Teacher:** Who's the third one?

**Pupil:** Me — the letter C. I'll continue the game.
Guess a riddle: who can say?
I can tell you all the day
Time to sleep and time to play.

**Children:** It's the clock.

**Pupil:** You are right again.

---

[9] Болалар фақатгина қўшиқнинг биринчи қисми ва нақоратини ижро этадилар

**Teacher:** Who is living in this clock?

**Children**: It's a cuckoo-bird.

**Teacher:** Let us sing a funny song. It's a cuckoo song.

**THE EASY SONG**

Cuckoo, cuckoo, don't try to hide from me,
Cuckoo, cuckoo, I see you in the tree.
Cuckoo, cuckoo, it's such an easy song.
Cuckoo, cuckoo, it's hard to get it wrong.
"Saw you, saw you," – I hear the cuckoo say,
"Saw you, saw you," – I think I'm here to stay.

**Teacher:** Who's the fourth one?

**Pupil:** It's me — the letter

**D.**
I know many words with it.
But I'll tell you first of all
About my friend, whom I like best of all.
I have a dog, his name is Jack,
His head is white, his ears are black.

**Teacher:** Thank you, dear! Who's next?

**Pupil:** It's me – the letter E. I'll recite a rhyme about boy called Evan.
One, two, three, four, five, six, seven,
Who will help me look for Evan?
He's not here, he's not there.
I have hunted everywhere.

**Pupil:** Flowers here, flowers there,
Flowers growing everywhere.

**Teacher:** Who are you?

**Pupil:** I am the letter F.

**Teacher:** Good! And now, who's next?

**Pupil:** Next is the letter G, everyone, look at me.
This is your garden
And I agree it's fine.

You love your garden
And I love mine.

**Pupil:** And now the letter H.

Look at this bird in ist cage.
It likes that big blue hat,
But not so much as my black cat.

**Teacher:** Well, tell me, littele kid,
What do you like to eat?

Pupil: **Well, I like to eat**
What is good and sweet.
It`s an ice-cream,
Starts with the letter I.

**Teacher:** I think that everybody likes ice-cream.
But now here`s letter J.
What would you like to say?

**Pupil:** I want to say,
My jeans are blue,
My pistol`s a toy
And I`m such a fine boy,
I look like a cowboy.

**Teacher:** That`s fine. Now, the letter K.
You know such a word as “kettle”,
And you know that funny song
“Polly, Put the Kettle on”.
Polly, put the kettle on

**Children**: Polly, put the kettle on. (3 times)
We'll all have tea.
Polly, take it off again, (3 times)
They've all gone away.

**Pupil:** Look, I see a big yellow lion,
What a big yellow lion!
You see a big yellow lion,
What a lion, what a lion!
A lion starts with the letter L.

**Teacher:** That's right, little one. .And now – the letter M.

**Pupil:** I'll recite a rhyme “Good Morning”.
The funny mouse likes a rhyme.
I'm calling good morning,
Good morning to you,
This dark cloudy morning
How do you do?
I'm calling good morning,

Good morning to you,
This dark rainy morning
How do you do?
I'm calling good morning,
Good morning to you,
This bright sunny morning, –
Quite well, and you?

**Pupil:** Numbers – the word begins with an N.
I'll recite a rhyme.
One, two, three, four, five
I caught a fish alive.
Six, seven, eight, nine, ten.
I let it go again.
**Pupil:** I'll recite another rhyme.
Please give me an orange,
Because I don't like to eat
This hot and nasty porridge.

**Teacher:** You see, “orange”" starts with the letter O.

**P:** And “puppy” starts with a P.
Puppy, puppy, come to me,
Let us play under that tree.

**Teacher:** And now the letter Q. Please, read us a rhyme about the quail and yourself.

**Pupil:** I’ve got a tame quail,
My quail has a small tail.
My tame quail has a short beak.
My tame quail is very nice and quick.
T.: And “rain” begins with the letter R.
Let's sing a song together!
“The Rain Is Raining All Around”.
Who can do this one best?

The rain

The rain is raining all around,
It falls on field and tree,
It rains on the umbrellas here,
And on the ships at sea.

**Pupil:** Skate and ski together
On a winter day,
Boys and girls – be happy!
You are so gay!
It was the letter S, boys and girls.

**Teacher:** What’s next? Who knows?

**Pupil:** I know. It’s the letter T.
The words like toys, toothbrush and tram,
The numbers – twenty-three and ten,
My teacher, theatre and tree –
Are good and interesting for me!

**Pupil:** Usually the letter U is found in the middle
Of words –cube, bus and cup
Or something else, like “muddle”.

**Pupil:** “Vegetables” – starts with a V.
I like the summer season,
When vegetables grow fast
And here is the reason:
The sun is out at last.

**Pupil:** My watch is running night and day,
But it will never run away.
“Watch” begins with a W.

**Pupil:** I have a very good crayon box.
And very many crayons.
I draw a taxi and a fox
In bright green, red and yellow.

**Teacher:** That was the letter X, and here is Y.

**Pupil:** In winter you and me,
All children like to ski.
In the evening you and me,
We like to have hot tea.
We like as well to look at the
New Year tree
And sing: “The More We Are Together
The merrier we’ll be!”

The more we are together

The more we are together, together, together,
The more we are together, the merrier we'll be.
For your friends are my friends,
And my friends are your friends,
The more we are together, the merrier we'll be!

**Teacher:** The last letter is the letter Z.

**Pupil:** Tomorrow on Sunday we go to the zoo!
Tomorrow, tomorrow we go to the zoo!

There's a giraffe there and a zebra too,
A bear and a monkey, and a kangaroo!

**Teacher:** We've just gone through
The English alphabet.
Let's sing "The Alphabet Song" together,
Try and help us if you can.

2-қисм

**AN ENCHANTED PUDDING**

(an old Welsh folk-tale)

**Characters:** Ali (a magician), Zebo (the mistress of the house), Zafar (Zebo's husband), Zilola (their daughter), Zilola's bridegroom, a clergyman, guests.

**Scene 1**

**Ali:** My niece Zilola wants to marry that ugly boy. I'm against it. What shall I do to prevent this wedding? Oh. I can cast a spell on the wedding pudding. I have no time to waste. I must hurry.

**Scene 2**

Zebo and Zafar come on the stage.

**Zebo:** The wedding pudding is ready. It smells so delicious.

**Ali:** Damn it!

**Zebo:** Don'’t swear!

**Zafar:** What's up?

**Ali:** What's up? What's up? It's the end of the world. The sun has completely disappeared and the moon is rising high. You'd better go out of the house and say our prayers to God.

When Zebo and Zafar run out of the house, Ali puts the
pudding under a spell. Zebo and Zafar reenter the house.

**Zafar:** We didn't see anything unusual.

**Ali:** O. K. The sun has just had a bit o: stomachache. But never mind. Nothing is wrong. I must fly now. I think that the wedding will be even more lively than you oppose.

He goes away. The pudding begins to move.

**Zafar:** Zebo, what has happened to the pudding?

**Zebo:** What do you mean?

**Zafar:** Your pudding is dancing a jig. Look at it. It's alive, otherwise the pudding wouldn't jump.

**Zebo:** Oh, my! Right you are, Jack. There is an evil spirit here. What shall we do?

The pudding goes up to Zebo.

**Zebo:** For Lord's sake, don't come to us. Nobody wants to hurt you. It's Ali who has cast a spell on you. Go chase him if you like and please let me alone. I'm a poor old woman and I meant no harm.

The pudding goes up to Zafar.

**Zafar:** Believe me, Your Honour, my wife has told you the truth. It's him you want. Run after Ali. You'll catch him in no time. But, my word, your dancing-master has not wasted time upon you.

The pudding goes on dancing and jumping.

**Scene 3**

Zilola, her bridegroom, a clergyman and guests come on the stage.

**Zilola:** Here we are. Father, Mother, congratulate us.

**Zebo:** Be happy, my dear.

**Zilola:** But where is our wedding pudding?

**Zebo:** Well... But... That's...

**Zilola:** What's the matter?

**Zebo:** Your uncle Harry has come to our place and I think he has enchanted the wedding pudding for it's been jumping and dancing ever since and we can't stop it. And your father and I are just afraid of this mad pudding.

**Zilola:** Where is it? I'll calm it down in no time. (She comes up to the pudding, but as soon as she touches it the pudding seizes her hand and she starts dancing and jumping.) Help! Help! Help me!

The bridegroom tries to help her and begins to dance too.

**Zilola** and her bridegroom: Help! Help!

**Zebo** (to the clergyman): Father, help them!

The clergyman tries to cross the pudding, but when he raises his hand, the bridegroom seizes it and the clergyman starts dancing and jumping with them too.

**Zebo:** Good Gracious! Never before have I seen a clergyman hop as a goat. Father, what disgraceful behaviour! Stop it at once!

She catches at the hand of the clergyman and starts to jump and dance herself.

**Zebo:** Oh, my God! Save me, Zafar!

Her husband and guests join them one by one. Then they
leave the stage dancing and jumping after the pudding.

**Scene 4**

**Ali:** Never before have you seen such a merry wedding. The bride, the bridegroom, the parents, the guests and even the clergyman danced and jumped with the pudding until they almost dropped dead. And the enchanted pudding escaped. Even I couldn’t find it. What has happened to it? Who knows? Not me and not you, I think.

He bows and goes away.

## 2. MYSELF

(an old Scottish folk-tale)

**Characters:** Rustam (a little boy), his mother,
Botir (an elf), Old Fairy (Botir ‘s mother).

In the middle of the stage there is a fireplace.
Rustam's bed is in one corner and a table is in the other.

Scene 1

**Rustam:** My name is Rustam. I live with my mother in a small house in Scotland. Our house is warm and cosy, especially in the evening, when my mother tells me old Scottish tales sitting by the fireplace.

Rustam’s mother comes into the room.

**Mother:** Here is a jug of cream for our little Botir. He comes every night and helps me about the house. That’s why our house is so clean and tidy.

**Rustam:** Mother, why do you always put the jug near the fireplace?

**Mother:** Little Botir lives behind the fireplace. He lives there with his mother the Old Fairy. She never conies here, she is very wicked, she hates people and besides she hates to be troubled. Little Botir is kind, but he is very touchy and if I forget to leave a jug of cream for him, he’ll be able to turn everything upside down. (She puts the jug near the fireplace.) Here it is. Help yourself, little Botir. Rustam! It’'s time for you to go to bed.

**Rustam: But** it’s too early. I don’t want to go to bed tonight.

**Mother:** You never do. Stop arguing for once. All good boys are already in bed. So turn over and go to sleep.

**Rustam:** I’m simply tired of going to bed every night.

**Mother (angrily):** Sit here alone by the fire. Just wait for the Old Fairy to come and take you because you don’t obey your mother.

She takes a candlestick from the table and goes away.

**Rustam:** I don’t care a bit! I’m not afraid of wicked old fairies!

He sits by the fireplace. Botir jumps from behind the fireplace. Rustam starts. For some time Botir looks at Rustam and Rustam looks at Botir.

**Rustam:** What's your name?

**Botir:** Myself. And what's your name?

He makes a face at Rustam.

**Rustam (to the audience):** It's a lie! So I won't tell him the truth either. (To Botir): My name is I Myself.

**Botir:** Catch me, I Myself.

Merry music is on. They chase each other, dance and play near the fireplace. Then Rustam takes a poker and starts to stir the coal. A small piece of coal falls on Botir's foot and he howls.

**Old Fairy (runs out from behind the fireplace):** Who has hurt you? I'll give him a sound scolding!

Frightened Rustam hops in his bed and covers himself with his blanket.

**Botir:** I Myself.

**Old Fairy:** Then you've only got yourself to blame.

She snatches Botir by the collar and drags him behind the fireplace.

Scene 2

Rustam's mother: I wonder what happened, but since then little Botir has never come again to help me. Of course, I regret that I've lost my helper. But I'm very content with Rustam. For now I never have to tell him twice that it's time to go to bed.

She leaves the stage.

### 3. Competition "Do You Know English-Speaking Countries?"

#### Meeting and greeting of the teams

**Words of the quiz-master** Good morning, everybody! We are very happy to see you at our competition. It is devoted to the English-speaking countries. I'm sure you've read a lot of books and got useful information about the countries. This competition will show your achievements and your knowledge of the matter. I wish you success. Be active, honest, industrious and helpful and you'll be sure to win.

**Visual aids** A slogan on the board: "Learn English and you'll be lucky!"

Introduction of the teams and captains

**Words of the quiz-master** Now it's time to introduce yourselves. I want the captains to come over and choose the emblems and the names of the teams.

**Visual aids** Emblems of the teams with the names.
The 1st game: "Do you know English-speaking countries?"

2 pupils from each team

**Words of the quiz-master** Will you mention English-speaking countries in turn? Work as hard as you can! I'll give you 1 minute for this kind of work. Every country you name earns you one point. You are welcome!

**Visual aids** A geographical map of the world on the wall.

**The 2nd game:** "Flags and capitals"
2 pupils from each team. 6 points.

**Words of the quiz-master** The next competition is called "Flags and capitals". I want you to look at the blackboard. You see many different flags. The 1st team must put cards with the names of the countries and the 2nd team must put the names of capitals. The winners will be those who finish their work first. Here are two envelopes with cards. Captains! Will you take your envelope, please!

**Visual aids** Flags (6). Cars (6) – countries. Cards (6) – capitals.

The 3rd game: "**Countries and citizens"**
2 captains. 10 points.

**Words of the quiz-master** Dear friends! Now we'll see whose captain is the best. Come up to me and fill in the form. Open your envelopes and let's begin the game.

**Visual aidsee 1.** In the envelope: America.
The answer: an American, the Americans.
Etc.

The 4th game: "**A word-game"**
2 teams. 5 points.

**Words of the quiz-master** Now it's high time to organize a competition between the teams. Every team gets a card with a long word. You have to make other words from the letters it contains. The letters can be used in any order. I give you 5 minutes. The winner is the team that finds the largest number of words.

**Visual aids** In the card: Measurement.
The answer: are, am, sure, men, net, nest, rest, measure.
Etc.

The 5th game: "**Riddle countries"**
2 teams. 4 points.

**Words of the quiz-master** Guess the names of these countries. Listen to the teacher and be very attentive! The winner will be the team that gives the right answer and does it quicker than the other team.

1. This is one of the largest countries of the world. It is washed by the Atlantic Ocean in the East and by the Pacific Ocean in the West. What is it? (The USA)

2. This country has a very high living standard. People speak many languages there. The main symbol on the flag is a maple leaf. What is it? (Canada)

3. It is a country which looks like an island. It's not very big, but it's very beautiful. It's the country of fog and rain. There are a lot of places of interest. (Great Britain)

4. This country occupies a whole continent. It has strange animals and plants. It's very far from our country. (Australia)

The 6th game: "**The ABC game**"
2 teams. 3 points.

**Words of the quiz-master** Children, now you'll get some letters from the English alphabet. You must put these letters in the right order, so as to get the name of the country. The winner will be the team that finishes this kind of work earlier.

**Visual aids** Cards with letters (2 copies)
The answer (for example): Ireland

The 7th game: "Make the right choice"
2 teams. 1 point for the right answer.

**Words of the quiz-master** You know it is very important to make the right choice in our life: the right choice of a friend, a university, a job, a colour, a style in music, dancing, clothes, etc. Now you'll get the cards with the tasks. Choose the right answer.

1. Scotland is situated in
Europe / Britain/ Asia
2. What is the name of the city one of whose parts is called the West End?
New York / London / Canberra

3. Great Britain is a
monarchy / constitutional monarchy / republic

4. Who spoke these lines: "To be or not to be – that is the question?"
Hamlet / King Lear / Othello

5. Ernest Rutherford was a
mathematician /physicist /physician

6.American Congress consists of the Senate and the House of
Lords / Representatives / Commons

The 8th game: "**Ports and wholes"**
1 pupil from each team. 6 points.

**Words of the quiz-master** Combine these parts so as to get a name. Who will be the first?

| | |
|---|---|
| San | Britain |
| Great | Zealand |
| New | Francisco |
| John | Starr |
| Ringo | Harrison |
| George | McCartney |
| Paul | Lennon |

The answer (for example): San Francisco

The 9th game: "**English or American**?"

2 teams. 8 points.

**Words of the quiz-master** Now I'll see whether you can tell American English from British English. 2 teams take part in this game. I'll say the word and you will give an American version of this word. The winner will be the team that names as many words as possible.

| English | American |
|---|---|
| a flat | an apartment |
| a lift | an elevator |
| a tin | a can |
| a sweet | a candy |
| a form | a grade |
| the tube | the subway |
| a cinema | a movie |
| holidays | vacations |

The 10th game: "**Musical competition"**

**Words of the quiz-master** Friends! Do you like music? I see. Could you name any British o American singers, pop groups and composers? Well done! I'm absolutely sure that the subject of most pop songs love. The Beatles san about it, Elvis Presley sang about love. You task is to show how you can sing something from the Beatles repertoire. Who will begin?

**The end of the competition**

**Words of the quiz-master** Dear friends! It a pity but our competition has just finished. Thank you for coming and taking an active part in the games. You are really bright and industrious. You can do different kinds of work. You know a lot about English-speaking countries. And I'm sure that your good knowledge English will help you in your future life.

Remember 10 steps to success:

Reserve – ўзини тута олиш

Silence – зарур вақтда жим туриш

Order – тартибли, интизомли бўлиш

Resolution – қатъиятлилик

Moderation – босиқлик

Industry – меҳнатсеварлик
Frugality – эҳтиёткорлик
Sincerity – очиқлик
Justice – адолатпарварлик
Cleanliness – озодалик

## III. Француз тили фанидан тадбирлар сценарийларидан намуналар

### “Mouche-Zizzouche” эртагининг сценарийси

Personnages :
Présentateur

| | |
|---|---|
| Mouche-Zizzouche | Grillon |
| Araignée | Punaise |
| Cancrelats (2) | Vers luisants (2) |
| Puces (2) | Scarabées (3) |
| Abeille | Chenilles (3) |
| Papillon | Coccinelles (2) |
| Moucherons (2) | Fourmis (2) |
| Moustique | Mille-pattes (2) |

**Scène 1**

**Mouche-Zizzouche:** C’est moi, la petite Mouche-Zizzouche!

**Insectes (ensemble):** Mouche-Zizzouche! Aux reflets d’or et peu farouche!

**Mouche-Zizzouche:** Un jour, au beau milieu d’un champ, J’ai trouvé un peu d’argent.

(Prend une monnaie)

**Insectes (ensemble):** Et voici la Mouche au bazar...

**Mouche-Zizzouche (au vendeur):** Donnez-moi, s’il vous plaît, un samovar! (Vendeur donne le samovar à la Mouche) Merci.

(S’adresse aux insectes)
Mes chers cafards et cancrelats,
**Venez prendre; le thé chez moi!**

**Présentateur:** Et les cancrelats, les cafards dare-dare
Sont venus boire
(Les cancrelats prennent leurs places, devant la table)
Cancrelats (en s’étonnant):
Il y a du lait et des galettes...

**Mouche-Zizzouche:** Pour vous les petites bêtes
Pour vous qui sont invitées chez Zizzouche!

**Insectes (ensemble):** C’est la fête de la gentille Mouche!

**Présentateur:** Arrivent en sautant les puces...

**Puces:** Nous vous offrons des bottines russes
Des bottines pas ordinaires Aux boucles d'or et si légères!
(Elles donnent les cadeaux à la Mouche)

**Présentateur:** Et aussi chez la Mouche vient la grand-mère Abeille

**Abeille:** Moi, j'ai apporté à Zizzouche du beau et du doux miel
(Elle met le bocal sur la table)

**Mouche-Zizzouche:** Oh ! Monsieur le Papillon
(au Papillon): Je veux vous donner de la confiture Elle est si bonne.
Insectes (ensemble, au Papillon):
Goûtez-y donc! Elle est si bonne, cette confiture!
(Papillon déguste la confiture)

**Papillon:** Un vrai régal! J'en suis sûr!

Scène 2

**Présentateur:** Mais soudain
Une grosse araignée survient.
Araignée (va vers la Mouche) :
Je suis une grosse Araignée Je te saisis et je te retiens dans un coin
Je veux te tuer, la pauvrette!

**Insectes (ensemble):** Zizzouche crie à tue-tête

**Mouche-Zizzouche:** Mes chers amis! Aidez-moi vite Tuez cette Araignée maudite!
(Les insectes se cachent)
Je vous ai invités!
Je vous ai régalés !Mes amis!
Ne m'abandonnez pas!
Sauvez-moi!

**Présentateur:** Mais les insectes de la table
S'enfuient tous
On dirait, qu'ils ont le diable
Aux trousses.

**Cafards:** Nous, nous sommes les cafards
Nous allons nous cacher
Sur l'armoire!

**Moucherons:** Nous, nous sommes les moucherons
Nous allons nous cacher au plafond!
(Ils se cachent)

**Présentateur:** Et les autres petites bêtes
Prennent la poudre d'escampette...
Et même même le Grillon...

**Grillon:** Je suis un brave garçon!
Mais je fuis aussi d'un bond
Derrière les buissons, Sous le pont et finis ma chanson !
(Il se cache)

Scène 3

**Araignée:** Mais moi, je ne blague pas,
J'ai bien ligoté ma proie !
Dans le cœur j'ai planté mes dents.
Et j'ai commencé à sucer le sang.

**Présentateur:** La Mouche crie et s'égosille
Tout le temps.
Mais l'œil de l'assassine brille
Méchamment.

**Insectes (ensemble):** Tout à coup apparaît
dans l'air
Un moustique

**Moustique :** Bonjour, je suis le Moustique
Avec le sabre à la ceinture J'ai l'air héroïque.
Où est la scélérate?
Je ne crains pas ses pattes!
Il "vole" vers l'Araignée)
Je tire mon sabre et
Tranche d'un coup la tête
De la méchante bête!

**Présentateur:** II prend la Mouche par la main
Et lui déclare enfin.
L'ayant conduite à la fenêtre.
Moustique: Je t'ai sauvée du monstre
Et maintenant, mon amie.
J'aimerais bien qu'on se marie!

Scène 4

**Présentateur:** Aussitôt les petites bêtes
Sortent des toutes les cachettes.

**Puces:** Gloire, gloire
Au Moustique héroïque!
Vers luisants: Nous sommes vers luisants
Nous allumons de beaux lampions!
On va s'amuser follement,
On va danser en rond !
(Ils dansent la "Bourrée")

**Mille-pattes:** Nous sommes mille-pattes
Nous allons en toute hâte,
Cherchons les musiciens,
Violons et tambourins!

**Présentateur:** Et tous les musiciens accourent
Et retentissent les tambours.

**Insectes (ensemble):** Boum! Boum! Boum!
Joyeuse musique! (2 fois)

**Mouche-Zizzouche:** Zizzouche danse avec
le Moustique ! (Ils dansent le “Menuet”)

**Punaise:** Je. suis Punaise
Je saute, je saute
Faisant claquer mes bottes.

**Scarabées:** Nous sommes scarabées
Dansons tous en famille!
Dansons, dansons en rond!
(Ils dansent la “Gavotte”)

**Insectes (ensemble):** Tra-la-la! Tra-la-lère!
Moucherons: Nous tournons dans l’air!
(Ils dansent la “Farandole”)

**Chenilles:** Nous sommes les chenilles
Joyeuses filles

**Insectes (ensemble):** Oui, tout le monde
se réjouit!

**Mouche-Zizzouche:** Zizzouche se marie!

**Moustique:** Avec le brave, l’héroïque
Le jeune gars Moustique!

**Fourmi:** Je suis Dame Fourmi, bien sûr,
Je ne ménage pas mes chaussures.
Il danse avec moi: la Fourmiguette, Je souris à toutes les bêtes.
(Elle danse le Rigodon)

**Insectes (ensemble):** Chenillettes, papillonnettes
Petites bêtes gentillettes!( 2fois)

**Coccinelles:** Que les bottes claquent et sonnent,
Que les talons résonnent!
**Mouche-Zizzouche:** Dansez, dansez, petites bêtes,
Juqu’au matin nul ne se couche

**Insectes (ensemble):** C'est aujourd'hui la fête
De la Mouche Zizzouche!

## IV. ЭКОЛОГИК МАЗМУНДАГИ ТУРКУМ ТАДБИРЛАР

### "Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги" мавзусидаги амалий ташвиқот

**Тадбир мақсади** – табиий муҳитнинг инсон ҳаётидаги ўрни, атроф-муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига кўрсатадиган салбий таъсири, бу ҳолатнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида ўқувчиларга маълумотлар бериш, уларда атроф-муҳит тозалиги, ўз саломатлигини сақлаш кўникмаларини ҳосил қилиш.

**Асосий вазифалар:**

1. Ўқувчиларга табиий муҳитнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва роли тўғрисида маълумотлар бериш.
2. Атроф-муҳитнинг ифлосланишини таъминловчи субъектив омиллар (инсонлар томонидан содир этилаётган хатти-ҳаракатлар) моҳиятини ўқувчиларга тушунтириш.
3. Ўқувчиларда атроф-муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига кўрсатадиган салбий таъсирини кўргазмали (амалий) равишда намойиш этиш орқали муайян тушунчаларни ҳосил қилиш.
4. Ўқувчиларни экомуҳит ифлосланишининг олдини олиш, инсон саломатлигини сақлашга қўйиладиган экологик, гигиеник талаблар моҳиятидан хабардор этиш.
5. Ўқувчиларда экотизим барқарорлиги, шахсий саломатликларини сақлаш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Тадбирнинг амалга ошириш жараёнида қўлланилган жиҳоз (материал)лар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: тоза ва ифлосланган сув, тупроқ намуналари, сув, ҳаво, тупроқ ифлосланишининг инсон саломатлигига етказувчи салбий таъсирини акс эттирувчи плакатлар, атроф-муҳит ва инсон саломатлигининг ўзаро боғлиқлигини ифода этувчи ҳикматли сўзлар, мақоллар ёзилган лавҳалар, "Табиат ва инсон" номли деворий газета, мавзу юзасидан яратилган илмий, илмий-оммабоп ва педагогик асарлар, оммавий ахборот воситалари материалларидан иборат жамланма (тўплам).

"Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги" мавзудаги назарий-амалий ташвиқотнинг таркибий тузилмаси бир неча қисмлардан таркиб топади. Яъни:

1. "Табиий муҳитнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва роли" – тадбир иштирокчилари иштирокидаги диалог.
2. "Инсон фаолияти ва экологик муаммолар" – қисқача маълумотнома.
3. "Атроф-муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига таъсири" – мутахассис (эколог, тиббиёт ходими, педагог)ларнинг маслаҳат (тавсия)лари.
4. "Экологик муаммоларнинг олдини олиш учун нималарга амал қилиш лозим?" – эковикторина.
5. "Гигиеник қоидалар моҳиятидан қай даражада хабардорсиз?" – савол-жавоблар.

Айтиш жоизки, тадбир жараёнида амалга оширилган ишлар моҳиятида мумкин қадар кўпроқ ўқувчилар иштирокидаги жонли мулоқот, амалий хатти-ҳаракатларнинг бўлишига алоҳида эътибор берилади. Зеро, тадбирларнинг стандарт кўринишда, фақатгина панд-насиҳатлар ёки илмий ғояларга асосланиб қолмаслиги, аксинча, оддий тушунчалар, иштирокчиларни фаолликка даъват этувчи иборалар, амалий хатти-ҳаракатлар билан бойитилиши тадбир иштирокчиларининг салбий муносабатда бўлишларининг олдини олишда энг муҳим омили эканлиги назардан четда қолдирилмайди.

"Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги" мавзудаги амалий ташвиқот характеридаги тадбирнинг дастлабки босқичида ўқувчиларга "Табиий муҳит – менинг ҳаётимда" мавзусида шахсий фикр-мулоҳаза, қарашларини баён этиш таклиф этилади. Бундан кўзда тутилган мақсад қисқа муддат бўлса-да, ўқувчиларни табиий муҳитнинг улар ҳаётидаги муҳим аҳамияти тўғрисида фикрлаш ва мулоҳаза юритишга ундашдир.

Тадбир жараёнида ўқувчиларга улар истиқомат қилаётган ҳудудлардаги экологик ва санитария ҳолатни таҳлил этиш орқали атроф-муҳит мусаффолигининг инсон ҳаётидаги муҳим ўрни борасида тушунчалар бериш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, маиший чиқиндиларни тўплаш, уларни бирламчи сақлаш, ташиш ва кўмиб ташлаш жараёнидаги масъулиятсизлик, қоидабузарлик ҳолатларининг содир этилиши аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит барқарорлигига жиддий хавф туғдиришига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ўқувчиларнинг диққатини хонадонларда маиший оқоваларни зарарлантириш ишларининг олиб борилишига нисбатан бепарво бўлаётганлигимиз, шаҳар шароитида уларни қайта тозалашда мавжуд талабларга етарли даражада амал қилинмаётганлиги боис озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибида инсон организми учун зарарли бўлган кимёвий моддалар миқдорининг ортиб бораётганлиги, бунинг натижасида ичбуруғ, гепатит ва бошқа ошқозон-ичак касалликлари кенг тарқалаётганлиги кабиларга қаратиш лозим.

Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, инсон саломатлигини сақлашда қуйидаги оддий экогигиеник талабларга оғишмай амал қилиш зарурлиги ўқувчиларга уқтирилиб борилади:

1. Доимо озода юришга одатланинг.
2. Эрталаб ва кечқурун уйқуга ётишдан олдин яхшилаб ювининг, айниқса, оғиз бўшлиғи чайиш ва тишларни ювишни ёддан чиқарманг.
3. Ҳафтада икки марта (камида бир марта) ички кийимларни алмаштиринг.
4. Чойшаб, ёстиқ жилдларининг ҳафтада бир марта яхшилаб ювилишига эътибор беринг.
5. Қиш фаслида ҳафтада бир марта, ёзда эса ҳафтада икки марта ҳаммом (ванна, душ) қабул қилинг.
6. Қўл ва оёқ тирноқларини тез-тез олиб туринг.
7. Хоналар (айниқса, ётоқхона)ни эрталаб яхшилаб шамоллатишни ёддан чиқарманг.
8. Танангизни сув ва ҳаво ёрдамида чиниқтириб боришга ҳаракат қилинг.

9. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан аввал қўлингизни совун ёрдамида ювинг, меваларни аввал илиқ, сўнгра совуқ сувда чайигандан сўнг истеъмол қилинг.

10. Узоқ муддат сақланган (айниқса, тез бузиладиган, гарчи улар совитгичда сақланган бўлса-да) овқатларни истеъмол қилишдан сақланинг.

11. Гўшт маҳсулотларини ишлатишда аввал уларнинг яхшилаб чайилиши, сўнгра тоза қовирилиши (буғланиши, димланиши)га эътибор беринг.

12. Ёз мавсумида фақат музлатгичлардагина сақланаётган гўшт маҳсулотларини харид қилинг.

13. СЭС (санитария-эпидемия станцияси) доирасида фаолият юритувчи лабораторияларда назоратдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжудлигидагина тез бузилувчи озиқ-овқат (жумладан, гўшт, балиқ ва сут) маҳсулотларини харид қилинг.

14. Ичимлик сувини қайнатилгандан сўнг истеъмол қилинг.

15. Хонадонларда турли юқумли касалликларни тарқатувчи ҳашоратлар (пашша, чивин, суварак, бит, бурга, каламуш, сичқон ва ҳоказолар)нинг бўлмаслиги учун курашинг. Бунинг учун хонадонлар ёки турар-жойларда вақти-вақти билан дезинфекция тадбирларининг ўтказиб турилишига эътибор беринг.

16. Қушларнинг – табиат санитарлари, яшил ўсимликларнинг эса ҳаёт учун муҳим модда – кислород манбаи эканлигини ёдда тутиб, уларнинг нобуд бўлишини олдини олишда фаоллик кўрсатинг.

17. Сув ҳавзаларининг тоза бўлиши ва уларни турли ахлат чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олишга ҳаракат қилинг.

18. Атмосферани заҳарли газ (чунончи, автомобил, трактор, мотоцикл, шунингдек, турли чиқинди (жумладан, хазон)ларни ёқиш натижасида ҳосил бўлувчи тутунлар билан ифлосланишига йўл қўйманг.

19. Жонли табиатга зиён етказаётган тенгдошингизни бу йўлдан қайтаринг.

20. Ҳар куни уйқуга ётишидан олдин ўзингизга қуйидаги саволни беринг: “Мен табиат муҳофазаси йўлида қандай ҳаракатларни амалга оширдим?”.

“Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги” мавзусидаги амалий ташвиқот жараёнида юқорида қайд этилган эслатмаларнинг тадбир ташкилотчилари, мутахассислар, бошловчи томонидан вақти-вақти билан лавҳалар воситасидан такрорланиб турилишига алоҳида эътибор берилиши уларнинг ўқувчилар томонидан ижобий қабул қилинишини таъминлайди. Тадбир якунида иштирокчиларининг тадбирдан олган таассуротларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Фаол иштирок этган иштирокчиларини рағбатлантириш ҳам ўқувчиларда тарбиявий тадбирларнинг уюштирилишига нисбатан қизиқишнинг юзага келишини таъминлайди. Тақдирлаш учун ажратилган совғаларнинг маънавий қимматга эга бўлиши эътиборга лойиқ. Бундай совғалар сирасидан ўқувчилар кўмагида табиий ўсимликлардан тайёрланган буклет ва гербарийлар, улар томонидан экологик мазмунда яратилган ижодий ишларнинг ўрин олиши муҳим аҳамиятга эга.

## “Қушлар байрами”

**Тадбир мақсади** – ўқувчиларда қушларга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларни ҳимоя қилиш ҳиссини тарбиялаш.

Тадбирнинг ўтказилиш жараёнида қуйидаги **педагогик вазифалар**ни ижобий ҳал қилиш назарда тутилади:

1. Минтақа ҳудудларида истиқомат қилувчи қушлар тўғрисида ўқувчиларга батафсил маълумотлар бериш.
2. Ўқувчиларни қушларнинг ягона экотизимдаги ўрни ва роли борасидаги назарий билимлардан хабардор қилиш.
3. Ўқувчиларда қушларга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш.
4. Ўқувчиларда қушлар муҳофазасини йўлга қўйиш борасидаги амалий фаолиятни ташкил этиш кўникмасини ҳосил қилиш.
5. Ўқувчиларнинг табиат муҳофазасини этиш борасидаги фаолликларини кучайтириш.

“Қушлар байрами” тадбирида турли синф ўқувчиларидан иборат жамоалар иштирок этадилар. Жамоаларнинг тадбирдаги иштироки бир неча шартларга кўра таъминланди, яъни, жамоалар тадбир жараёнида қуйидаги шартларни бажардилар:

1. Қушлар ҳаёти, яшаш тарзи, уларнинг экотизимдаги роли ва ўрни ҳақида маълумот берувчи деворий газета тайёрлаш.
2. Мавзу асосида яратилган ижодий ишлар (буклет, альбом, реферат ва иншолар) танлови.
3. Қушлар учун инлар ясаш.
4. Жамоалар эга бўлган қушлар турлари тўғрисида ахборотлар бериш.
5. “Қушлар ҳаётини яхши биласизми?” – блиц-танлов.
6. Қушлар тўғрисидаги шеър, деклорация, қўшиқ ва ҳоказолардан иборат бадиий чиқишларни намойиш қилиш.

Тадбирнинг ташкил этилиши, ўтказилиши юзасидан назоратни олиб бориш учун махсус ҳайъат таркиби белгиланди. Ҳайъат таркибига жойлардаги халқ таълими бўлимларининг ходимлари, биология, зоология фанлари ўқитувчилари, меҳнат таълими усталари (қушлар учун ясалган инларнинг сифатини баҳолашда уларнинг ёрдамларидан фойдаланиш учун) киритиладилар.

Жамоаларнинг ҳар бир шарт бўйича амалга оширилган фаолиятлари беш балли баҳолаш тизими асосида баҳолаб борилади. Тадбир шартлари таркибига табиат муҳофазаси, қушлар ҳаёти, яшаш тарзи хусусидаги ижодий қарашларни намойиш этиш шарти ҳам киритилиши мумкин, бундан кўзланган мақсад ўқувчиларни табиат билан яқиндан муносабатда бўлиш, уларнинг атроф-муҳит тўғрисидаги тасаввурларини янада бойитиш, уларда ахлоқий-эстетик сифатларни ҳосил қилиш, экологик тафаккурларини шакллантиришдан иборат.

“Қушлар байрами” якунида мутахассислар (зоология фани ўқитувчилари) томонидан қушларнинг табиат муҳофазасида тутган ўрни ва роли хусусида якуний маълумот берилди. Ушбу маълумот чумчуқ, саъва, майна, қизилиштон, бойўғли, қалдирғоч, лайлак, читтак, жўрчи, бургут, лочин, қалдирғоч, қарға,

ҳакка каби қушларнинг фойдали хусусиятлари тўғрисидаги тасвирий-назарий далиллари билан бойитилган ҳолда ўқувчиларнинг эътиборларига ҳавола этилади. Маълумотномада қушларнинг полиз, дала ва боғларда зараркунанда ҳашоратлар, уларнинг личинкалари, кемирувчилар билан озиқланиб, экинларнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратишлари, турли меваларнинг дони ёки уруғларини бир жойдан иккинчи жойга тарқалашига ёрдам бериши, айрим санитар қушларнинг эса ҳайвонлар терисини турли қурт-қумурсқалардан тозалаб, уларнинг нобуд бўлмаслиги олдини олишдаги роли беқиёс эканлиги келтирилиб ўтилди.

Ўқувчиларга қушларни муҳофаза қилиш учун қуйидаги хатти-ҳаракатларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлиги тушунтирилди:

1. Қушларнинг инларини бузмаслик.
2. Қушларни ёки уларнинг тухумларини нобуд қилмаслик.
3. Қиш фаслида қушлар учун донхўрак ҳамда инларни ясаш.
4. Қиш фаслида вақти-вақти билан донхўракка турли озуқаларни сепиб туриш.
5. Қушларни тутиб, уларни қафасда сақламаслик.
6. Жароҳатланган қушларга мумкин қадар ёрдам бериш, уларни эҳтиётлаб парвариш қилиш.
7. Қушларнинг табиатга етказувчи фойдаси, уларнинг экотизимдаги роли ва ўрнини ўз тенгдошлари ёки ёши кичик ўқувчиларга тушунтириш.

Тадбир якунида ўқувчиларнинг “Қушлар байрами” хусусидаги таассуротлари тингланади.

## “Сув - ҳаёт манбаи” номли экологик экскурсия

Сув тирик табиат ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга. Экологик муаммолар доирасида сувнинг ифлосланиши, тоза чучук сувнинг етишмаслиги, унинг шўрланиши муаммоси ўта долзарб муаммо ҳисобланади. Зеро, сув-ҳаёт гарови, тириклик, мавжудлик кафолатидир. Айни вақтда сувни эҳтиёт қилиш, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш – ҳар биримиз учун табиий рефлекс даражасидаги одатга айланиши зарур. Мазкур ҳолат ижтимоий зарурият бўлиши билан бирга яшаш шарти ҳамдир. Шу боис ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантириш уларда сувга, ундан фойдаланишга нисбатан масъулиятли ёндошувни қарор топтириш негизида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ саналади.

**Тадбир мақсади** – ўқувчиларни ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудда жойлашган сув ҳавзалари ва уларнинг ҳолати билан яқиндан таништириш.

Мазкур тадбирни ўтказиш жараёнида қуйидаги **педагогик вазифалар** ҳал этилади:

1. Ўқувчиларни ўзлари яшаб турган ҳудуддан оқиб ўтадиган сув ҳавзалари билан яқиндан таништириш.
2. Мазкур сув ҳавзаларининг қишлоқ хўжалиги, саноат соҳалари ва маиший турмушдаги аҳамиятини ўрганиш.
3. Сув ҳавзаларининг санитария ҳолатини таҳлил қилиш.

4. Сув сифатини (оддий усуллар ёрдамида) аниқлаш.

5. Сув ҳавзаларининг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган амалий фаолиятни ташкил этиш.

**Экологик экскурсия учун танланган объектлар:** тадбир ўтказилаётган таълим муассасаси жойлашган ҳудудларда жойлашган сув ҳавзалари.

**"Сув-ҳаёт манбаи" номли экологик экскурсиянинг давомийлиги:** 1 ҳафта. Дастлабки икки кунда ўрганилаётган ҳududдан оқиб ўтадиган сув ҳавзалари, уларнинг жойлашув ўрни, ҳолати ўрганилади, кейинги икки кунда мазкур сув ҳавзаларининг санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан олиб бориладиган амалий фаолият режаси тузилади ва фаолият бевосита амалга оширилади.

Навбатдаги икки кунда "Менинг шаҳрим (қишлоғим)да жойлашган сув ҳавзалари" номли экологик харита ва "Сиз учун таниш, бироқ моҳияти англанмаган манзара" номли стенд тайёрланади. Экологик харита ва стендларда ўқувчилар яшайдиган ҳудуддан оқиб ўтадиган сув ҳавзаларининг мавжуд ҳолати, уларининг ифлосланишига сабаб бўлаётган омиллар хусусидаги лавҳалар, далилларнинг ифода этилишига алоҳида эътибор қаратилади. Экологик экскурсиянинг еттинчи кунида "Сув заҳиралари – миллий бойлигимиз" мавзусида давра суҳбати ташкил этилади. Давра суҳбатида ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларига алоҳида эътибор қаратилади. Тадбир якунида иштирокчилар диққатига ўқувчилар томонидан тайёрланган экологик харита ва стенд ҳавола қилинади. Тадбир якунида якуний хулосага келиниб, сув ҳавзаларининг санитария ҳолати устидан назоратни ташкил этиш борасидаги ишчи режа ишлаб чиқилади ва у маҳаллаларнинг Фуқаролар Кенгашига тақдим этилади.

## "Томчида ҳаёт акси" ижодий ишлар кўрик-танлови

"Томчида ҳаёт акси" ижодий ишлар **кўрик-танловининг мақсади** – ўқувчиларни табиат билан яқиндан муносабатда бўлишларини таъминлаш орқали уларда табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш.

Қуйидаги **педагогик вазифалар**нинг муваффақиятли ҳал этилганлиги тадбир самарадорлигининг таъминланишида асос бўлиб хизмат қилди:

1. Ижодий ишлар йўналиши (наср, назм, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, наққошлик, реферат ва ҳоказолар)нинг турлича бўлиши.
2. Ўқувчиларнинг ижодий ишлар мавзуси, йўналишни белгилашдаги эркинлик ва мустақилликларининг таъминланганлиги.
3. Ўқувчиларнинг сув, унинг ижтимоий, иқтисодий аҳамияти тўғрисидаги тасаввурларини тўлақонли баён этишлари учун шарт-шароитнинг яратилганлиги.

Ўқувчилар томонидан бажарилган ижодий ишлар муайян йўналишлар бўйича махсус ҳайъат томонидан баҳоланади. Ҳайъат таркибига мусиқашунос, адабиётшунос, эколог, рассом ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган мутахассислар жалб этилади. Тадбир жараёнида ижодий ишлар ғоявий, бадиий, эстетик талқинига кўра муносиб тақдирланади.

Тадбирнинг ташкил этилиши, ўтказилиши ва якунлари хусусидаги муҳокама жараёнида ҳар бир бола томонидан қатъий амал қилиниши лозим бўлган қоидалар мажмуи ишлаб чиқилади. Улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Ичимлик суви миқдорининг кескин камайиб бораётганлигини доимо ёдда тутинг!
2. Ўз эҳтиёжингиздан ортиқча сувнинг сарф бўлишига йўл қўйманг.
3. Жўмраги очиқ қолган сув қурилмасининг жўмрагини ёпиб қўйинг.
4. Тишингизни юваётган вақтингизда сув қурилмасидан узлуксиз равишда сувнинг оқиб туришига йўл қўйманг. Тишни ювишда стаканга сув қуйиб олинг ва ундан фойдаланинг. Тишни тозалаш жараёнида мазкур усулнинг қулайлигини ўзингиз ҳам ҳис этасиз.
5. Носозлиги маълум бўлган сув иншоотлари тўғрисида масъул идораларга хабар беринг.
6. Очиқ сув ҳавзалари (ариқ, зовур, канал, кўл, сой ва дарёлар)дан тўғридан тўғри сув ичманг.
7. Сувни қайнатилгандан сўнг истеъмол қилинг!
8. Сув ҳавзалари ифлосланишининг олдини олинг! Сувга турли чиқинди ва ахлатларни ташламанг.
9. Сув ҳавзасига яқин жойда транспорт воситалари (трактор, автомашина, велосипедлар)ни ювманг.
10. Сувга мағзавани тўкманг!
11. Шаҳар шароитида ичимлик суви билан экин, кўчатлар суғорилишининг олдини олинг. Бу мақсадда иккиламчи сув манбалари (идишларга йиғилган ёмғир суви)дан фойдаланиш мумкинлигини унутманг.
12. Ичимлик сувининг махсус идишларда усти ёпиқ ҳолда сақланишига эътибор беринг!
13. Сувни ифлослантираётган тенгдошингизни бу ҳаракатлардан тўхтатинг!
14. Ёши кичик ўқувчиларга сувни ифлослантирмаслик зарурлигини тушунтиринг.

## “Адабиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси”

Ўқувчиларнинг атроф-муҳит, табиий шароитлар, уларнинг ўзгариши, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатнинг мавжуд ҳолати, табиатнинг инсоннинг маънавий жиҳатдан шаклланишига кўрсатаётган таъсири масалалари бадиий адабиётларда ҳам чуқур ёритилгандир. Бу мазмундаги бадиий адабиётлар билан танишишда, ўқувчилар табиат ва инсон ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро алоқадорлик ва бирлик моҳиятини тушуниб борадилар. Асар қаҳрамонларининг атроф-муҳитга муносабати, табиат муҳофазаси йўлида амалга ошираётган хатти-ҳаракатларини таҳлил этиб, экологик инқирознинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлашга ҳаракат қилади. Мазкур ҳолат эса ўқувчи (китобхон)да экологик онг ва маданиятни шаклланишига замин ҳозирлайди. Бу боис ўқувчиларнинг экологик

маданиятини шакллантириш ҳаракати доирасида ўқувчилар ўртасида экологик адабиётларни кенг тарғиб этиш асосида уларнинг эко-эстетик, маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш, такомиллаштиришга ёрдам берувчи тадбирларни ҳам уюштириш, тадбирлардан бирини “Адабиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси” деб номлаш мумкин.

Тадбир қуйидаги мақсадни амалга оширишни кўзда тутди: ўқувчиларни атроф-муҳит муҳофазаси, инсон ва табиат муносабати мавзуларида яратилган бадиий адабиётлар билан таништириш, уларда мазкур адабиётни ўрганишга нисбатан қизиқишни уйғотиш, уларнинг ахлоқий, эстетик, экологик маданиятларини шакллантириш.

“Адабиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси” номли тадбирни уюштириш жараёнида қуйидаги ижтимоий-педагогик вазифалар амалга оширилади:

1. Ўқувчиларга “Табиат ва инсон” мавзусида яратилган бадиий адабиётлар тўғрисида маълумотлар бериш.
2. Ўқувчиларда мазкур асарларни ўрганишга нисбатан қизиқишни ҳосил қилиш.
3. Ўқувчиларнинг ахлоқий, эстетик ва экологик дидини тарбиялаш.
4. Уларда ахлоқий, эстетик ва экологик дунёқарашни шакллантириш.
5. Ўқувчиларда табиатга нисбатан муҳаббатни уйғотиш.
6. Ўқувчиларда атроф-муҳит муҳофазасига нисбатан масъулиятни қарор топтириш.

Тадбир қуйидаги таркибий тузилмага асосланган ҳолда ўтказилади:

1. “Табиат ва инсон муносабатларининг бадиий адабиётлардаги инъикоси” – маълумотнома.
2. “Бадиий образ ва экотизим” – викторина.
3. “Пейзажнинг бадиий асар моҳиятини очиб беришдаги роли” – экологик мазмундаги бадиий асарлар кўргазмаси.

“Адабиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси” номли тадбирнинг биринчи қисмида бошловчининг қисқача нутқидан сўнг ўқувчилар томонидан табиат, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ва роли, инсон ва табиат муносабатининг моҳияти, улар ўртасидаги узвий бирлик ва алоқадорликни очиб беришга хизмат қилувчи асарлар, уларнинг мазмуни тўғрисида тадбир иштирокчиларига маълумотлар берилади.

Тадбирнинг иккинчи қисмида мазкур асарлар юзасидан тузилган викторина саволлари билан иштирокчиларга мурожаат қилиниб, уларнинг билимлари даражаси ўрганилди, ғолиблар тақдирланади.

Тадбир сўнггида “Пейзажнинг бадиий асар моҳиятини очиб беришдаги роли” мавзусидаги китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан О.Хакимовнинг “Тоғда ўсган бола”, А.Мухторнинг “Чинор”, О.Ёқубовнинг “Диёнат” ва “Гирдоб”, П.Қодировнинг “Олмос камар”, Ш.Холмирзаевнинг “Сўнгги бекат”, Э.Самандарнинг “Дарёсини йўқотган қирғоқ”, Т.Муроднинг “Отамдан қолган далалар”, Ч.Айтматовнинг “Оқ кема”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар”, К.Г.Паустовскийнинг “Пешерская сторона”, М.М.Пришвиннинг “Кладовая солнца”, И.С.Тургеневнинг “Бежин луг”, Н.А.Некрасовнинг “Железная дорога” ва “Размышление у парадного подъезда”,

М.Шолоховнинг “Очилмаган қўриқ”, “Тинч Дон”, С.Аҳмаднинг “Уфқ”, А.Абдураззоқнинг “Энг чиройли бойчечак”, Қ.Ўтоев ва О.Бегалиевларнинг “Табиатга раҳмат!”, А.П.Чеховнинг “Каштанка”, А.А.Милннинг “Винни-Пух”, Р.Киплингнинг “Маугли”, В.Бианнининг “Лесную газету”, Ж.Лондоннинг “Белый клык”, Б.Васильевнинг “Не стреляйте в белых лебедей”, Ю.Нагибиннинг “На тихом озере” каби асарлари ўрин олиши мумкин.

“Адабиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси” номли тадбир сўнггида анъанага кўра иштирокчилардан тадбир хусусидаги фикрлари ўрганилади.

## V. Ҳуқуқ фанлари бўйича тарбиявий тадбирлар

### “Таълим муассасасининг ўртоқлик суди”

Суднинг асосий вазифаси – таълим муассасаси Устави, ички тартиб-қоидалари, умумжамият ахлоқ ва ҳуқуқий меъёрлари талабларини бузган, уларга амал қилишдан бош тортган, педагогик назоратдан четда қолган ўқувчилар хатти-ҳаракатларини таҳлил этиш, уларнинг сабабларини ўрганиш, хулосалар чиқариш, бундай хатти-ҳаракатларнинг барҳам топишига кўмак берувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқаришдан иборат.

“Таълим муассасасининг ўртоқлик суди” фаолиятини узлуксиз олиб бориш мақсадида

оммавий-ахборот воситалари, хусусан, вақтли матбуот нашрлари саҳифаларида берилаётган, вояга етмаган ёшлар ва уларнинг фаолиятларига тааллуқли бўлган материалларни ўрганиб, уларнинг мазмунини ролли жараённи ҳосил этиш орқали ўқувчиларга намойиш қилиш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин

Бунинг учун машғулот мавзуи ва мазмунидан четга чиқмаган ҳолда суд жараёни сценарийси ишлаб чиқилиб, ижро этилади. Ҳаётий воқелик тасвир этилган ушбу жараённинг бориши, якунлари хусусидаги хабар “Қонун ва ёшлар” номли махсус деворий газетаси саҳифаларида ёритиб бориш ўйин самарасини тўлақонли тасаввур этиш имконини беради.

Суд жараёнининг ташкил этилишида

ўқувчилардан иборат суд раиси, судья ва халқ маслаҳатчилари, адвокат, давлат қораловчиси (прокурор)нинг роли ва уларнинг муваффақиятли бажарилиши муҳим аҳамиятга эгадир

Ролларни бажариш вақтида ўйин иштирокчиларининг юридик нутқ, ўйин қоидаларига амал қилишлари ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилади. Бу ҳолат ўқувчиларда юридик сўз ва ибораларни тўғри қўллаш, фикрни тингловчиларга аниқ етказиб бериш, нотиқлик маҳоратини шакллантириш

имконини берди. Суд ишида ота-оналар, маҳалла фаоллари, фахрий ёки турдош гуруҳлар, бошқа босқичларининг ўқувчилари ҳам кузатувчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

**“Адолат ўлкасига саёҳат”**

Ролли ўйинлардан яна бири – “Адолат ўлкасига саёҳат” деб номланган. Ўйиннинг мақсади – ўқувчилар ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, уларда ҳуқуқий идрок ва зеҳнни шакллантириш. Ўйин беллашув тарзида ҳам уюштирилиши мумкин. Унда икки ёки тўртта гуруҳ иштирок этиб, бир қатор шартларни бажарадилар.

“Адолат ўлкаси”да қуйидаги кўчалар мавжуддир:

1. Билағонлар. 2. Конституция. 3. Изқувар.
4. Жумбоқ. 5. Тафаккур. 6. Маҳорат.

Ўйинни ташкил этиш жараёнида гуруҳлар мазкур кўчаларда бўлган вақтларида улар номи билан боғлиқ шартларни бажаришлари лозим. Қуйида “Адолат ўлкаси”нинг шартли номлар билан номланувчи “кўчалари” ва ушбу кўчалар моҳияти хусусидаги фикрларни ифода этамиз.

**Билағонлар кўчаси**

Бу ерда ҳар гуруҳ портретларда тасвирланган ёки ўзлари танлаб олган варақаларда номлари ёзилган давлат, сиёсат ва ҳуқуқ арбобларининг ҳаёти, фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари керак бўлади. Ўйинда

Аристотел, Платон, Абу Наср Форобий, Бурҳониддин Марғилоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Давоний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Дониш, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Шароф Рашидов, Жаҳон Обидова, Хадича Сулаймонова, Ислом Каримов кабилар тўғрисидаги маълумотларни бериш талаб этилади

Мазкур “кўча”да, шунингдек, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Деклорацияси”, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция, БМТ, Гаага суди, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи “Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш органи” – Омбудсман тўғрисида маълумотларнинг берилиши каби шартдан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Конституция кўчаси**

У ерда ҳар бир гуруҳнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмунини қай даражада билишлари, шарҳлай олишлари аниқланади. Гуруҳ аъзоларининг бу борадаги билимларини аниқлаш Республика Қомуси бўйича тузилган саволларга уларнинг берган жавобларини беш балли тизим бўйича баҳолаш асосида кечади.

**Изқуварлар кўчаси**

Бу ерда гуруҳларга 8 ёки 10 та юридик сўздан иборат ҳикоя тузиш вазифаси топширилади.

Гуруҳларга бериладиган сўзликлар:
**суд, ўғрилик, жазо муддати, қораловчи, ҳукм,**
**суриштириш, қарор, йил**

Сўзликлар беллашув ҳайъати томонидан тақдим этилади. Ёки бошқа мазмундаги шартларни бажаришлари мумкин. Масалан, А.Конан-Дойлнинг “Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари” номли асаридан олинган, жиноий хатти-ҳаракатлар сирини очиш борасидаги сюжет берилиши мумкин.

### Жумбоқ кўчаси

Бу ерда гуруҳлар эътиборига ҳуқуқий мазмундаги ребус, кроссворд (бошқотирмалар)ларни ечиш ёки қуйидаги кўринишдаги жадвал мазмунини ёритиш вазифаси топширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуйида берилган бўлим ва бобларининг қандай номланишини айтинг:

| | | |
|---|---|---|
| 1-бўлим 1–боб | 5–бўлим XXI–боб | 3–бўлим XIV–боб |
| 2–бўлим VII– боб | 6–бўлим | 4–бўлим XVI–боб |

б) Қуйида берилган ифодалар қайси юридик ҳужжатларнинг мазмунини ёритмоқда:

| **Топшириқлар** | | |
|---|---|---|
| Ушбу Қонун фуқароларга таълим-тарбия бериш; касб-ҳунар ўрганишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда фуқароларнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқни таъминлашга қаратилган | Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта махсус таълим муассасалари ўз фаолиятларида “Таълим тўғрисида”ги Қонунга; шу қонунга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонунчилик ҳужжатлари, мазкур Низомга амал қилади | Миллий дастурнинг мақсади аҳоли барча қатламининг ҳуқуқий саводхонликка эришиши, юқори даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлиши, ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олиши учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратади |

Ушбу кўчада берилувчи шартларнинг таркиби ҳуқуқий лингвистикадан ҳам иборат бўлиши мумкин. Масалан: берилган қўшимчалар орасида шундай бир мустақил сўзларни ёзиш талаб этилади, натижада юридик атама ёки икки, уч сўздан иборат тизим ҳосил бўлсин:

| | |
|---|---|
| **МУ . . . ЛИК** | эркак кишининг исми ёрдамида ҳосил қилинувчи қасд тури (му**қобил**лик) |
| **ҚО . . . ЛИК** | алоқа алмашув воситаси ёрдамида ҳосил қилинувчи жиноят таркиби (қо**тил**лик) |
| **ТАЛ . . . ЧИ** | лаҳза, муддат ёрдамида ҳосил қилинувчи жиноят содир этган шахс (тал**он**чи) |
| **БОС . . .ЧИ** | пичоқ солинувчи махсус ниқоб ёрдамида ҳосил қилинадиган жиноятчи номи (бос**қин**чи) |
| **ТАД . . . КОР** | саноқ сони ёрдамида ҳосил қилинувчи жисмоний шахс, маълум соҳа эгаси (тад**бир**кор) |
| **КО . . . ТИВ** | санъат тури ёрдамида ҳосил қилинувчи мулкчилик шакли (ко**опера**тив) |

## Тафаккур кўчаси

Бу ерда ҳар бир гуруҳ "Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари" курси доирасидаги исталган мавзу юзасидан кўрсатмали қурол, жадвал ёки шарҳ тайёрлаши керак бўлади.

## Маҳорат кўчаси

Бу ерда ҳар бир гуруҳ ҳуқуқий мавзудаги шеър, қўшиқ ижро этиб беришлари керак (мазкур шартда ахлоқий мавзудаги, хусусан, адолат, ҳақиқат, одиллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, диёнат, виждон каби туйғулар ҳақидаги бадиий асар намуналаридан ҳам фойдаланиш мумкин).

## ХОТИМА

Олий таълим муассасалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бир бўлган педагогик амалиётни ташкил этиш масъулиятли жараён саналади. Мазкур жараён бошқарувини илмий-назарий ва методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштириш педагогик амалиёт самарадорлигини таъминлайди. Шу сабабли педагогик амалиётни яхлит тизим сифатида ташкил этиш педагогика олий таълим муассасалари раҳбарияти, жамоасининг зиммасига алоҳида мажбуриятларни юклайди.

Педагогик амалиётнинг асосий иштирокчилари бўлган талабалар ҳам ушбу жараённи ташкил этишга унга раҳбарлик қилувчи шахслар билан бирдек масъулдирлар. Зеро, амалиётнинг умумий моҳияти, якуни ва самарадорлик даражаси айнан уларнинг амалиёт жараёнида ташкил этадиган педагогик фаолиятлари даражасига боғлиқ.

Талабалар педагогик амалиётга олий таълимнинг барча босқичлари (курслари)да педагогика, психология, гигиена ва мутахассислик фанларини асосларини ўзлаштириш даврида назарий жиҳатдан тайёргарлик кўрадилар. Улар томонидан ўзлаштирилган мавжуд назарий билимларнинг маҳсулдорлиги бевосита педагогик амалиёт жараёнида намоён бўлади.

Кўп ҳолатларда талабалар гарчи педагогика, психология, гигиена ва мутахассислик фанлари бўйича зарур назарий билимларни пухта ва етарли даражада ўзлаштирган бўлишларига қарамай, педагогик амалиёт даврида зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришда муайян қийинчиликларга дуч келадилар. Бунинг асосий сабаби назария ва амалиёт ўртасида ўзаро изчиллик, узвийликни таъминлай олмасликлари билан боғлиқ. Мазкур ҳолат ўз-ўзидан олий таълим муассасаларида талабаларни педагогик амалиётга назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий, руҳий тайёрлашга ҳам жиддий эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этади. Педагогик амалиёт тизими моҳияти ва механизмларини ёритувчи манбалар, адабиётларнинг яратилганлиги талабаларни ушбу жараёнга ҳар томонлама тайёрлаш имкониятини яратади. Муаллифлар мазкур методик қўлланманинг ана шу мақсадни амалга оширишга хизмат қилишига умид билдирадилар.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Karimova O. Huquqshunoslik / Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. To'ldirilgan qayta nashr. – Toshkent: “Sharq” NMAK Bosh tahririyati, 2007. – 175 bet.

2. Программа непрерывной педагогической практики студентов 1-3 курсов / Автор-составитель: Э.Р.Юзликаева. – Ташкент: ТГПУ им. Низами. 2009. – С. 30-35.

3. Талабалар малакавий амалиётини ташкил қилиш, назорат этиш ва баҳолаш методикаси / Методик қўлл. Б.Ҳасанова ва бошқ. – Тошкент: 2008. – 35-43-бетлар.

4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари / Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2006. – 66-бет.

5. Ҳайитов А. Синф раҳбари / Ўрта мактабларнинг синф раҳбарлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2008. – 38-бет.

6. Ҳолиқова З. Индивидуал ёндашув асосида бошланғич синф ўқитувчиларида инновацион фаолият малакаларини шакллантириш / Методик қўлл. – Тошкент: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2011. – 31-бет.

7. http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Pedagog/russpenc/15.php.

8. http://www.bgpu.ru/site/content/docs/snd/18.html

**МУНДАРИЖА**


Сўз боши........................................................................................... 3
“Педагогик амалиёт” тушунчасининг моҳияти ва педагогик амалиётнинг ривожланиш тарихи............................................................. 4
Педагогик амалиётга раҳбарлик.................................................................. 12
Амалиётчи-талабаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари................................. 23
Педагогик амалиётнинг тахминий мазмуни ............................................... 27
Педагогик амалиёт топшириқлари .............................................................. 30
Педагогик амалиёт топшириқларини бажариш механизмлари ................ 35
Педагогик амалиёт даврида юритиладиган ҳужжатлар ............................ 43
Педагогик амалиёт даврида талабаларда мустаҳкамланиши зарур бўлган малакалар ........................................................................................ 62
Талабаларга амалий педагогик фаолият малакаларини ҳосил қилиш юзасидан бериладиган топшириқлар ...................................................... 68
Талабалар фаолияти натижаларини ҳисобга олиш ва баҳолаш ............... 79
Интерфаол методлар ва уларнинг моҳияти ................................................ 83
Интерфаол методлар ёрдамида ташкил этилган дарслардан намуналар . 106
Дарсдан ташқарида ташкил этиладиган тадбирлар сценарийларидан намуналар ............................................................................................... 123
Хотима ........................................................................................................... 163
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .......................................................... 164